

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ



Кимё фанлари номзоди, доц. Канглиев Ш.Т.  
Ассистент Маназаров Б.Д.

КАСБ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ БАКАЛАВРЛАРИНИНГ

«ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» ФАНИДАН

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ЎТИШ БЎЙИЧА

**УСЛУБИЙ КЎЛЛАНМА**

Тошкент – 2015 й.

Мазкур услубий кўрсатма Тошкент кимё-технология институти «Касб таълими» йўналишидаги бакалаврларнинг "ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ" фанидан амалий машғулотларни ўтиш учун мўлжалланган бўлиб, талабаларнинг мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича амалий ва назарий кўникмаларини шакллантиради.

Услубий кўрсатма амалий машғулот давомида талабалар, шунингдек, ўқитувчилар учун мўлжалланган.

"ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ" фани бўйича талабалар кимёвий технология ва озик-овкат технологияси сохаларининг мутахассислик фанларини ва улардаги асосий технологик жараёнларни ўқитишда юкори самара берадиган педагогик технологиялар, уларнинг таркибий элементлари, асосий усулларини, мутахассислик фанлари мазмунини талабаларга етказиш максатида талабаларнинг индивидуал хусусиятларини аниқлаш кўникмаларга эга бўладилар.

**Тузувчилар:**

ТКТИ “Касб таълими”.кафедраси мудири,  
доц. Канглиев Ш.Т.  
Ассистент Маназаров Б.Д

**Такризчи:**  
доцент.

ОУМКХТРМ бўлим бошлиги, ф-м.ф.н.,  
Мавлянов А

Тошкент кимё-технология иститути  
“Ёғочсозлик технологияси” кафедраси  
т.ф.н. доц. Хабибуллаев Р.А

Ушбу услубий кўрсатма Тошкент кимё-технология институтининг Илмий-услубий кенгаши, 2015 йил \_\_\_\_\_ №\_\_\_\_\_-сонли қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

## МУНДАРИЖА

1	Мавзу	Педагогик технология асослари	5
2	Мавзу	Педагогик технологиялар: тушунчалари, сифатлари, илмий асослари, анъанавий ўқитиш	14
3	Мавзу	Ҳамкорликда ўқишни ташкил этишни ўрганиш	23
4	Мавзу	Гуруҳларда ҳамкорликда ишлашни ташкиллаштириш технологияси.	30
5	Мавзу	Таълим воситалари – таълим технологиясининг таркибий қисми.	35
6	Мавзу	Таълимнинг техник воситалари.	43
7	Мавзу	Таълимда инновациялар.	58
8	Мавзу	Ўқитишни интенсивлаш технологияларини ўрганиш.	88
9	Мавзу	Ўқитишнинг комплекс методларини.	94
10	Мавзу	Ўқув-билиш фаолиятини мотивациялаш ва стимуллаш методлари.	106
11	Мавзу	Педагогик маҳорат назарий асослари.	111
12	Мавзу	Педагогик фикр тарихи ва мактаб амалиётида ўқитиш маҳорати масалалари.	119
13	Мавзу	Педагогик қобилият ва унинг турлари.	130
14	Мавзу	Мулоқот маданияти.	142
15	Мавзу	Педагогик техника.	152
16	Мавзу	Ўқув тарбия жараёнида педагог маҳорати.	160
17	Мавзу	Педагогик тажриба ортириш тадқиқот методлари, таълим муассасаларида илғор педагогик ғоя, тажрибалар тараққиёти ва уни ҳаётга тадбиқ этиш.	166
18	Мавзу	Ҳозирги замон ўқитувчисининг педагогик фаолияти.	173
19	Мавзу	Ўқитувчининг тарбиячи сифатидаги маҳорати	180

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИ

№	Фаннинг бўлим ва мавзуси, амалий машғулот мазмуни	Режа бўйича ажратилган соатлар
1	Педагогик технология асослари	2
2	Педагогик технологиялар: тушунчалари, сифатлари, илмий асослари, анъанавий ўқитиш	2
3	Ҳамкорликда ўқишни ташкил этишни ўрганиш	2
4	Гуруҳларда ҳамкорликда ишлашни ташкиллаштириш технологияси.	2
5	Таълим воситалари – таълим технологиясининг таркибий қисми.	2
6	Таълимнинг техник воситалари.	2
7	Таълимда инновациялар.	2
8	Ўқитишни интенсивлаш технологияларини ўрганиш.	2
9	Ўқитишнинг комплекс методларини.	2
10	Ўқув-билиш фаолиятини мотивациялаш ва стимуллаш методлари.	2
11	Педагогик маҳорат назарий асослари.	2
12	Педагогик фикр тарихи ва мактаб амалиётида ўқитиш маҳорати масалалари.	2
13	Педагогик қобилият ва унинг турлари.	2
14	Мулоқот маданияти.	2
15	Педагогик техника.	2
16	Ўқув тарбия жараёнида педагог маҳорати.	2
17	Педагогик тажриба ортириш тадқиқот методлари, таълим муассасаларида илғор педагогик ғоя, тажрибалар тараққиёти ва уни ҳаётга тадбиқ этиш.	2
18	Ҳозирги замон ўқитувчисининг педагогик фаолияти.	2
19	Ўқитувчининг тарбиячи сифатидаги маҳорати	2
<b>Жами</b>		<b>38</b>

## 1-мавзу: Педагогик технология асослари.

(ажратилган соат – 2 соат)

мавзусидаги  
**1-амалий машғулот**  
ўтказиш учун услубий ишланма  
(ажратилган соат – 2 соат)

### Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

### Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. - Т.,2001
2. Фарберман Б. Л. Ил гор педагогик технологиялар. Т.: «ФАН», 2000 йил
3. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г, Жумабоева Ф. А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. - Т., 2002
4. Махкамова М., Крсимова З. Янги педагогик технологиялар (ўқув қўлланма). - Т.,. 2009
5. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). - Т.: "Молия", 2003.
6. Голиш Л.В. Замонавий таълим технологиялари: мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. -Т.: ТАСИС, 2001
7. Голиш Л.В.Таълим шакллари: мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. - Т.: ТАСИС, 2001
8. Султонов ва бошк.. Янги педагогик технология асослари (интерфаол дарслар). - Т., 2007

### Ушбу мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш методикаси куйидагича бўлади:

Вақти: 2 соат	Талабалар сони: 26 та
<b>Машғулот шакли</b>	Педагогик технологияларнинг асослари бўйича эгалланган назарий билимларни мустахкамлаш ва чуқурлаштириш
<b>Мавзу режаси</b>	1. Педагогик технология асослари. 2. Педагогик технология тамойиллари. 3. Педагогик технологиянинг коидалари
<b>Машғулотнинг мақсади:</b>	Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустахкамлаш
<b>Педагогик вазифалар</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари</b>

1. Мавзуни мустақил ўрганиш учун асос яратиш; 2. Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқур ўзлаштириш; 3. Интерфаол методларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш; 4. Талабаларни мустақил фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатиш.	1. Амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради; 2. Педагогик технология асослари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади; 3. Педагогик технология тамойиллари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади; 4. Педагогик технологиянинг коидалари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади;
<b>Ўқитиш усуллари</b>	<b>Амалий мазмундаги топшириқлар, “Савол-жавоб”, “Чархпалак”, “Тушунчалар тахлили”, “Кластер”, “Техник диктант” методи.</b>
<b>Ўқитиш воситалари</b>	<b>Дарслик, маъруза матни, қоғозлар, тарқатма материаллар</b>
<b>Ўқитиш шакллари</b>	<b>Якка тарзда ва жамоада ишлаш</b>
<b>Ўқитиш шарт-шароити</b>	<b>Техник воситалар билан таъминланган ва кичик гуруҳлар билан ҳам ишлаш мумкин бўлган ўқув хонаси</b>
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	<b>Оғзаки назорат, савол-жавоб, тест саволлари</b>

### Амалий машғулотнинг технологик харитаси

<b>Фаолият босқичлари</b>	<b>Фаолиятнинг мезони</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>I. Кириш босқичи. (10 минут)</b>	1. Амалий машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари эълон қилинади.	Тинглайдилар
	2. Машғулотни турли методлар асосида амалга ошириш тушунтирилади.	Тинглайдилар
<b>II. Асосий босқич (60 минут)</b>	1. Талабаларни машғулот жараёнидаги фаоллигини ошириш мақсадида “Савол-жавоб” усули орқали савол жавоб ўтказилади ( <b>1-илова</b> )	Саволларга тезкорлик билан жавоб қайтаради
	2. Педагогик технология асослари мавзусига “Тушунчалар тахлили” методини тузиш таклиф этилади. ( <b>2-илова</b> )	“Тушунчалар тахлили” тузадилар.
	3. Натижалар тақдимот этилади, талабалар билан биргаликда муҳокама	Тинглайдилар ва фаол қатнашадилар.

	<p>килинади, диққатларини асосий нуқталарга жалб этилади.</p> <p>4. Педагогик технология тамойиллари мавзусига “Кластер” методини тузиш таклиф этилади. <b>(3-илова)</b></p> <p>6. Педагогик технологиянинг коидалари мавзуси бўйича “Техник диктант” саволлари жавоб бериш таклиф этилади. <b>(4-илова)</b></p> <p>7. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Топшириқни бажариш жараёнида йўл қўйилган хато-камчиликларни изоҳлаб тушунтириб беради ва талабалар фаолиятини баҳолайди.</p> <p>7. Натижаларни текширади, гуруҳларга топшириқларни бажариши учун ёрдам беради ва талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, ҳамда диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади.</p> <p>8. Талабалар билимини назорат қилиш мақсадида тест-синов саволлари орқали савол жавоб ўтқазади, уларни баҳолайди.</p>	<p>“Кластер” тузадилар.</p> <p>“Техник диктант” саволларига жавоб беради</p> <p>Тинглайдилар ва топшириқни бажарадилар</p> <p>Тинглайди, мунозарада фаол иштирок этади.</p>
<b>III. Якуний босқич (10 минут)</b>	1. Ишга яқун ясайди. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.	Эшитади
	2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради.	Ёзадилар

### 1-илова

#### “Савол-жавоб” усулига саволлар намунаси

1. Педагогик технологиянинг асосларини санаб беринг.
2. Педагогик технологиянинг ижтимоий, фалсафий, методологик асосларига таъриф беринг.
3. Педагогик технологиянинг дидактик, педагогик, психологик асосларига таъриф беринг.
4. Педагогик технологиянинг физиологик, гигиеник, мафкуравий асосларига таъриф беринг.
5. Педагогик технологиянинг ҳуқуқий-меъёрий, иктисодий, тарихий, назарий ва амалий асосларига таъриф беринг.

6. Беспалко В.П., Скиннер Б., Никандров Н. Д., Тализина Н. Ф., Фарберман Б. Л. изланиш натижаларини тахлили асосида дастурланган таълим микёсида педагогик технологиянинг тамойилларини санаб беринг.
7. Талабалар билиш фаолиятини бошқарувчи қурилмалар тизимининг катъий кетма-кетлигини яратиш тамойилига таъриф беринг.
8. Талабалар билиш фаолиятининг ҳар бир қисми бўйича ўқув жараёнини бошқаришни цикллар бўйича ташкил қилиш тамойилига таъриф беринг.
9. Ўқув материални узатишда, унинг моҳиятини очиқ бериш учун алоҳида қадамлардан фойдаланиш учинчи тамойилни ташкил қилиши тўғрисида нима биласиз ?
10. Ўзлаштиришнинг индивидуал суръати тамойили тўғрисида нима биласиз ?
11. Талаба шахсининг айрим хислатлари (тезкор реакция, йуналганлик ва х.к.) ни ривожлантирувчи фанларни ўқитишда ўқув материални дастурлаб узатадиган махсус техник воситалардан фойдаланиш тамойилига таъриф беринг.
12. Топшириқларни аста-секин қийинлашиб бориши тамойили ва билимларни табақалашган ҳолда мустахкамлаш қоидаси хақида нималар биласиз ?
13. Педагогик технологиянинг қоидалари айтиб беринг.



### “Тушунчалар таҳлили” методини

Жадвал кўринишида бир томонига мавзуга тегишли тушунчалар келтирилган тарқатма материал талабаларга берилади ва улардан ушбу тушунчаларни изоҳини ёзишлари сўралади.

Қуйида келтирилган таянч ибораларни изоҳланг.

№	Таянч сўзлар	Таърифи, изоҳи
1	<b>Педагогик технологиянинг ижтимоий асоси</b>	- таълим-тарбия масалаларини турли ..... амалга оширишнинг шакл ва усуллари, мазмуни хдмда турли педагогик назариялар адкидаги маълумотлардаи иборат булиб, улар замонавий педагогик технологияларнинг келиб чиқиши учун замин ҳисобланади.
2	<b>Педагогик технологиянинг фалсафий асоси</b>	- таълим менежменти хулосалари ва ..... тадқиқотлари натижаларига мувофиқ белгиланади.
3	<b>Педагогик технологиянинг методологик асоси</b>	- таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва амалга оширишга доир ..... билан белгиланади.
4	<b>Педагогик технологиянинг дидактик асоси</b>	- унинг ..... тамойилларини узида мужассам этиши ва уларни амалга оширишга йуналтирилган булишидан иборат.
5	<b>Педагогик технологиянинг педагогик асоси</b>	- таълим-тарбия жараёнида ..... талабларига риоя қилишдан иборат.
6	<b>Педагогик технологиянинг психологик асоси</b>	- ўқувчиларнинг турли ёшдаги физиологик хусусиятларини ҳисобга олишдан иборат.
7	<b>Педагогик технологиянинг физиологик асоси</b>	- ..... фанининг илмий хулосалари ва тавсиялари билан белгиланади. Улардан таълим-тарбия жараёнида тўғри фойдаланиш орқалигина кутилган натижага эришиш мумкин. Шу сабабли педагогик технологиянинг психология қонунларини тўлиқ ҳисобга олиши талаб этилади.
8	<b>Педагогик технологиянинг гигиеник асоси</b>	- замонавий педагогика фанининг илмий хулосаларидан келиб чиқади. Бунда педагогик технологиянинг умумий таркибий тузилмаси, мазмуни, шакли, усуллари, воситалари, педагогик жараённинг ташкил қилиниши, олиб борилиши, унинг диагностикаси, мониторинги, ўқув-мавзу

		режалар ва шу кабиларнинг илмий жихатдан тўғри бўлиши таъминланади.
9	<b>Педагогик технологиянинг мафкуравий асоси</b>	- унинг таълим-тарбия, қоида ва тамойилларига мувофиқлигини белгилайди.
10	<b>Педагогик технологиянинг ҳукукий-меъёрий асоси</b>	- уни амалга оширишда қандай методларга асосланишини белгилайди, инсонлар оламини ҳамда ўзларини билишлари турли тарихий даврларда турлича асосларга эга бўлган ва улар ўзига хос методларни келтириб чиқарган. Ҳозир олам ва унинг хусусиятлари ҳақида ҳолис маълумотлар олиш ҳаққоний билимлар ҳосил қилишнинг илмий методикаси педагогик технологияларнинг методологик асоси ҳисобланади.
11	<b>Педагогик технологиянинг иктисодий асоси</b>	- унинг мақсадлари ҳамда ташкилий шакл ва усулларини фалсафий жихатдан тўғри йуналишда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.
12	<b>Педагогик технологиянинг тарихий асоси</b>	- ҳар бир шахс, жамият ва давлатнинг таълим-тарбия соҳасидаги эҳтиёжларидан келиб чиқади ва шу эҳтиёжларни қондиришнинг мақсад ва талабларини ташкилий шакллари ва усулларини белгилайди. У шахснинг, жамиятнинг ва давлатнинг ривожланишида асосий омиллардан ҳисобланади.

### Кластер усули

3-илова

Кластер – инглича сўз бўлиб, ғунча, боғлам маъносини англатади. Ахборотларни кластерларга ажратиш у кўп вариантли фикрлашни, ўрганилаётган тушунчалар ўртасида алоқа ўрнатиш малакаларини ривожлантиради, бирор мавзу бўйича таълим олувчиларни эркин ва очикдан-очик фикрлашига ёрдам беради. Кластерларга ажратишни дарснинг даъват, англаш ва мулоҳаза қилиш босқичларидаги фикрлашни рағбатлантириш учун қўллаш мумкин. Асосан, у янги фикрларни уйғотиш ва муайян мавзу бўйича янги фикр юритишга чорлайди. Кластер тузиш кетма-кетлиги қуйидагича:


- Синф ёзув тахтаси ўртасига катта қоғоз варағига асосий сўз ёки гапни ёзинг;

- Сизни фикрингизча бу мавзуга тегишли бўлган сўзлар ёки гапларни ёзинг (“ақлий ҳумуж”) ўтказинг;

- Тушунча ва ғоялар тўғрисидаги ўзаро боғланишини ўрнатинг;

- Эсланган вариантларингизнинг ҳаммасини ёзинг;

## Педагогик технология тамойиллари мавзусига “Кластер”



### Техник диктант

Техникага оид матндаги айрим сўзлар, формула ёки бирор фикр тушириб қолдирилиб айтиб берилади. Таълим олувчилар эса, ҳар бир бўш қолган жойга оид жавобларни ўзлари топиб ёзиб борадилар. Техник диктантни барча фанлардан қўллаш тавсия этилади, масалан: механиканинг ҳаракатларни юзага келтирувчи ташқи таъсирларга боғлаб ўрганувчи бўлими \_\_ дейилади. Уни кузатиш ва тажрибалар асосида инглиз физиги \_\_ очган ва \_\_ та қонунни яратган. Динамиканинг асосий вазифаси ҳаракатни юзага келтирувчи \_\_ларни аниқлашдан иборат. Ҳозирги замон космонавтикасида \_\_ кемалар ўрнини, \_\_ни аниқлашни \_\_қонунларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Юқорида қайд қилинган ва бошқа интерфаол усуллардан ўқув жараёнида фойдаланиш таълим олувчилардан ижодкорлик фаолиятини, қолаверса, бу ишларни Блум таксономияси даражаларида ўзлаштирган бўлишини талаб қилади. Интерфаол усулларни нотўғри қўллаш бу усуллар самарадорлигини пасайтириш ёки бу ҳақида нотўғри тушунча пайдо бўлишига сабаб бўлади. Ўзига ишончни шакллантирмасдан мустақил фикрлашни вужудга кел-тириш мумкин эмас. Шу билан бирга ўзига ишончни англаш мустақил фикр-лашни тақозо қилади. Ҳар бир таълим олувчи ўз фикрининг аҳамиятлигига ишонч ҳосил қилувчи ахборот олиш учун ҳаракат қилиши зарур. Акс ҳолда, у машғулотларда ўзини суст тутати ва мустақил фикрлай олмайди.

Таълим олувчи ўқув жараёнида фаол иштирок этсагина, ундан жуда кат-та мамнуният ва юқори даражада мулоҳаза қила олганини ҳис этади. Таълим берувчининг саволлари мустақил фикрлашни ривожлантиришда муҳим ҳисоб-ланиб, таълим олувчилар билиш қобилиятларини бошқариш воситасидир. Ўқув жараёнини саволлар ёрдамида бошқариш кўникмаси, таълим берувчининг ме-тодик маҳоратини муҳим таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Ижодий фикр-лаш, ахборотларни эслаб қолиш ва сўзлаб беришга оид фанталогик саволлар берилишини деярли назарда тутмайди. Масалан, термодинамиканинг иккинчи қонунини айтиб беринг, газ қонунларини ким яратган. Бу жараён бундай саволларсиз кечмайди, лекин улар ниҳоятда кўп берилмаслиги керак. Таж-рибали таълим берувчи ўзининг фаоллаштирувчи саволлари билан ижодий, фикрлашни ривожлантириш, таълим олувчиларни мулоҳаза қилишга ундовчи умумлаштириш, таққослаш, ўхшашлик, фарқларни англаш, хулоса ва тақлиф-ларни мукамал шакллантириш учун муайян шароит яратади. Бундай ҳолларда уларнинг фикрлаш даражаси кўтарилади, улар умумий тушуниш ва тасаввурни ривожланишига ўз ҳиссасини қўша олишини ҳис этадилар. Қуйида ушбу фаол-лаштирувчи саволларни келтирамиз:

#### **даъват босқичида:**

“Ўқув мавзусига оид қандай маълумотларни биласиз?”

“Бу тўғрисида сиз олдиндан нималарни биласиз?”  
“Буни сизга нима аҳамияти бор?”  
“Нимани тушунмадингиз, лекин уни билишни хоҳлайсизми?”  
Берилган мавзуни бажариб бўлгандан сўнг:  
“Сиз нимани англадингиз?”  
“Бу сизда қандай сезгиларни пайдо қилди?”  
“Бу материалда қайси саволлар жавобсиз қолган?”  
“Сизни бирор таклифингиз борми?”

***англаш босқичида:***

“Бу материалдан сиз қандай янги маълумот олдингиз?”  
“Бу тўғрида сизнинг фикрингиз қандай? ”  
“Бунинг аҳамияти нимада?”  
“Сизда нима чуқурроқ таассурот қолдирди?”  
“Буни сизнинг тажрибангизга алоқаси борми?”  
“Бу яхшими ёки ёмонми?”

***мулоҳаза қилиш босқичида:***

“Мени бу ҳақдаги фикрим қандай?”  
“Бундан биз қандай хулосаларга келишимиз мумкин?”  
“Бу ахборот менинг билганларим билан қандай боғланишга эга?”  
“Бу ғоялар таъсирида менинг қарашларим қандай ўзгаради?”

***ўз таассуротларини қайта қуришда:***

“Биз бундан қандай хулосага келишимиз мумкин?”  
“Биз бу билимларни қаерда қўллашимиз мумкин?”  
“Нимани қўшиш ёки чиқариб ташлаш мумкин?”  
“Ютуқ ва камчиликлар нимада деб биласиз?”  
“Ўхшаш фикрларни ҳам кўриб чиқдингизми?”  
“Қандай таклифларингиз бор?”

1. «.....» *қоида*си. Талабани ўқитиш ва бу жараёндан кўзланган ҳаракатлари ва унинг якуний тест топширигида белгиланган ўқув ҳаракатлари айнан бир хил шароитда ўтказилиши лозим.
2. «.....» *қоида*си. Талабалар тест (имтихон)да қандай ҳаракатларни кўрсатишлари талаб қилинса, улар ўқув жараёнида ҳам ана шунга ўхшаш ҳаракатларда машқ қилишлари лозим.
3. «.....» *қоида*си. Хар бир ўтказилган назорат натижаси талабага тезлик билан маълум қилиниши зарур. Бу қоида Б. Скиннер ва Э. Торндайклар томонидан дастурланган таълимда ҳам қўлланилган эди.
4. «.....» *қоида*си. Талабанинг эришган хар бир ютуғига ўқитувчи ўз вақтида реакция қилиб, уни рағбатлантириб бориши керак. Талабаларнинг нотўғри ўқув ҳаракатлари жазоланмайди. Бу ҳолда

талабаларни «Яна бир марта уриниб кўр», «Бу бўлимни бошқаттан ўрганиб чиқишинг лозим», каби илхомлантирувчи сўзлар билан уларни ишлашга ундаши лозим.

## 2-мавзу: Педагогик технологиялар: тушунчалари, сифатлари, илмий асослари, анъанавий ўқитиш.

(ажратилган соат – 2 соат)

мавзусидаги  
2-амалий машғулот  
ўтказиш учун услубий ишланма  
(ажратилган соат – 2 соат)

### Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

### Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. - Т.,2001
2. Фарберман Б. Л. Ил гор педагогик технологиялар. Т.: «ФАН», 2000 йил
3. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г, Жумабоева Ф. А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. - Т., 2002
4. Махкамова М., Крсимова З. Янги педагогик технологиялар (ўқув қўлланма). - Т.,. 2009
5. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). - Т.: "Молия", 2003.
6. Голиш Л.В. Замонавий таълим технологиялари: мазмун, лойихалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. -Т.: ТАСИС, 2001
7. Голиш Л.В.Таълим шакллари: мазмун, лойи^алаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. - Т.: ТАСИС, 2001
8. Султонов ва бошк.. Янги педагогик технология асослари (интерфаол дарслар). - Т., 2007

### Ушбу мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш методикаси қуйидагича бўлади:

Вақти: 2 соат	Талабалар сони: 26 та
<b>Машғулот шакли</b>	Педагогик технологияларнинг асосий тушунчалари, сифатлари ва илмий асослари бўйича эгалланган назарий билимларни мустахкамлаш ва чуқурлаштириш

<b>Мавзу режаси</b>	1. Технология ва педагогик технология тушунчалари. 2. Педагогик технологияларнинг илмий асослари. 3. Анъанавий ўқитиш.
<b>Машғулотнинг мақсади:</b>	Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш
<b>Педагогик вазифалар</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари</b>
1. Мавзуни мустақил ўрганиш учун асос яратиш; 2. Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқур ўзлаштириш; 3. Интерфаол методларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш; 4. Талабаларни мустақил фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатиш.	1. Амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради; 2. Технология ва педагогик технология тушунчалари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади; 3. Педагогик технологияларнинг илмий асослари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади; 4. Анъанавий ўқитиш бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади;
<b>Ўқитиш усуллари</b>	<b>Амалий мазмундаги топшириқлар, “Савол-жавоб”, “Чархпалак”, “Синквейн”, “Кластер”, методлари.</b>
<b>Ўқитиш воситалари</b>	<b>Дарслик, маъруза матни, қоғозлар, тарқатма материаллар</b>
<b>Ўқитиш шакллари</b>	<b>Якка тарзда ва жамоада ишлаш</b>
<b>Ўқитиш шарт-шароити</b>	<b>Техник воситалар билан таъминланган ва кичик гуруҳлар билан ҳам ишлаш мумкин бўлган ўқув хонаси</b>
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	<b>Оғзаки назорат, савол-жавоб, тест саволлари</b>

### Амалий машғулотининг технологик харитаси

<b>Фаолият босқичлари</b>	<b>Фаолиятнинг мезони</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>I. Кириш босқичи. (10 минут)</b>	1. Амалий машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари эълон қилинади.	Тинглайдилар
	2. Машғулотни турли методлар асосида амалга ошириш тушунтирилади.	Тинглайдилар
<b>II. Асосий босқич (60 минут)</b>	1. Талабаларни машғулот жараёнидаги фаоллигини ошириш мақсадида “Савол-жавоб” усули орқали савол	Саволларга тезкорлик билан жавоб қайтаради



	<p>жавоб ўтказилади (<b>1-илова</b>)</p> <p>2. “Технология ва педагогик технология тушунчалари” мавзусига “Синквейн” методини тузиш таклиф этилади. (<b>2-илова</b>)</p> <p>3. “Технология ва педагогик технология тушунчалари” мавзусига “Чархпалак” методини тузиш таклиф этилади. (<b>3-илова</b>)</p> <p>4. “Педагогик технология илмий асослари” мавзусига “Чархпалак” методини тузиш таклиф этилади. (<b>4-илова</b>)</p> <p>5. Натижалар тақдимот этилади, талабалар билан биргаликда муҳокама қилинади, диққатларини асосий нуқталарга жалб этилади.</p> <p>6. “Педагогик технология илмий асослари”, “Анъанавий ўқитиш” мавзуларига “Кластер” методини тузиш таклиф этилади. (<b>5-илова</b>)</p> <p>7. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Топшириқни бажариш жараёнида йўл қўйилган хато-камчиликларни изоҳлаб тушунтириб беради.</p> <p>7. Натижаларни текширади, топшириқларни бажариши учун ёрдам беради ва талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, ҳамда диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади.</p> <p>8. Талабалар билимини назорат қилиш мақсадида тест-синов саволлари орқали савол жавоб ўтқazaди, уларни баҳолайди.</p>	<p>Тинглайдилар ва топшириқни бажарадилар “Синквейн” методини тузадилар.</p> <p>“Чархпалак” методини тузадилар</p> <p>Тинглайдилар ва фаол қатнашадилар.</p> <p>“Кластер” тузадилар.</p> <p>Тинглайдилар ва топшириқни бажарадилар</p> <p>Тинглайди, мунозарада фаол иштирок этади.</p>
<p><b>III. Якуний босқич (10 минут)</b></p>	<p>1. Ишга якун ясайди. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.</p> <p>2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради.</p>	<p>Эшитади</p> <p>Ёзадилар</p>

**“Савол-жавоб” усулига саволлар намунаси**


1. Технология сўзининг маъноси нима ?
2. Таълим технологияси нима ?
3. Таълим технологиясининг фалсафаси нимадан иборат ?
4. Таълим методикаси нима ?
5. Таълим методи нима ?
6. Педагогик технологиянинг моҳияти нимадан иборат ?
7. Жараён нима ?
8. Педагогик жараён нима ?
9. Жараён ва педагогик жараёнлар тушунчасига таъриф беринг.
10. Педагогик технология нима ?
11. Педагогик технологиянинг илмий асослари тўғрисида маълумот беринг.
12. Анъанавий ўқитиш хақида нималар биласиз ?

**“Синквейн” методини амалга ошириш босқичлари:**

1. Ўқитувчи талабаларга мавзуга оид тушунча, жараён ёки ҳодиса номини беради.
2. Талабалардан улар хақидаги фикрларини қисқа кўринишда ифодалашлари сўралади. Яъни, шеърга ўхшатиб 5 қатор маълумотлар ёзишлари керак бўлади. У қуйидага қоидага асосан тузилиши керак:  
1-қаторда мавзу бир сўз билан (одатда от билан) ифодаланади.  
2-қаторда мавзуга жуда мос келадиган иккита сифат берилади.  
3-қаторда мавзу 3та харакатни билдирувчи феъл билан фойдаланилади.  
4-қаторда темага доир муҳокама этувчиларнинг ҳиссиётини ифодаловчи жумла тузилади. У тўрт сўздан иборат бўлади.  
5-қаторда мавзуни моҳиятини ифодаловчи битта сўз берилади. У мавзунинг синоними бўлади.

## Ушбу сўзларга “Синквейн” методини қўлланг !

Технология, маҳорат, санъат, тушунча, жараён, усул, восита, йиғинди, объект, сифат, фаолият, тартиб, тизим, лойиҳа, босқич, методика, метод, вазифа, предмет, қоида, мақсад, инструментария, ифода, дидактика, талаб, даража, ҳисоб, шакл, фикр, негиз, схема, ҳаракат, белги, таъсир, натижа, муносабат, мазмун.



### “Чархпалак” технологияси

Ушбу технология талаба ёки ўқувчиларни ўтилган мавзуларини ёдга олишга, мантиқан фикрлаб берилган саволларга мустақил равишда тўғри жавоб беришга ва ўз –ўзини баҳолашга ўргатишга ҳамда қисқа вақт ичида ўқитувчи томонидан барча талаба ёки ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини баҳолашга қаратилган.

Технологиянинг мақсади:


Машғулотда талаба ёки ўқувчиларнинг дарс жараёнида мантиқий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларини баҳолаш, яққа ва гуруҳларда ишлашда бошқалар фикрига хурмат билан қарашга, кўп фикрлардан кераклисини танлаб олишга ўргатади.

Ушбу технология ўқув машғулотларининг барча турларида, дарс бошланиши ёки дарс охирида ёки бирор бир бўлим тугалланганда ўтилган материални баҳолаш ёки такрорлашга мўлжалланган. Чархпалак технологияси бўйича талабаларга ўтилган мавзу бўйича жадвал кўринишидаги тарқатма материал берилади ва уни тўлдириш вазифаси юклатилади. Жадвал мавзуга мос равишда ўқитувчи томонидан тузилади.

Технология ва педагогик технология тушунчалари	Таълим – методи	Таълим технологияси	Таълим методикаси	Технология	Педагогик технология	Жараён	Педагогик жараён
юнонча сўз бўлиб «IесЪпе» махорат», «санъат» ва « Iogos» «тушунча» «ўргатиш» демакдир.				*			
укув жараёнининг комплекс вазифаларни ечишга йуналтирилган ўқитувчи ва укувчиларнинг биргаликда фаолият курсатиш усули.	*						
сўзи замирида жараёнларни амалга ошириш усуллари ва воситалари хакидаги билимлар йигиндиси, шунингдек, объектда содир буладиган сифат узгаришлар тушунилади.				*			
таълим максадига эришиш куриш (инструментарияси), яъни олдиндан лойихалаштирилган. Таълим жараёнини яхлит тизим асосида боскичма-боскич амалиётга жорий этиш ва шу максадга эришишнинг метод, усул ва воситаларни тизимини, таълим жараёнини бошқаришни ифодалайди.		*					
муаян укув предметини ўқитишнинг илмий асосланган метод, коида ва усуллар тизимини ифодалайди.			*				
дидактик максад, талаб этиш узлаштириш даражасига эришиш ва уни татбик этишни ҳисобга олган холда таълим жараёнини олдиндан лойхалаштиришда намоён бўлади.					*		
таълим берувчи билан таълим олувчи уртасидаги берилган максадга эришишга йуналтирилган ва белгиланган натижага олиб келувчи узаро таъсир жараёнидир.							*
олдинга хдракат, узгариш деган маънони англатади.						*	

Педагогик технология моҳияти	В.П. Беспалько	Б. Лихачев	В.М. Шепель	ЮНЕСКО	И.П. Волков	М.В. Кларин	В.М. Манахов	С.Г. Селевко
“Педагогик технология” - психологик ва педагогик ўғитлар йиғиндиси бўлиб, шакллар, методлар, усуллар, ўқитиш йўллари, тарбиявий воситаларнинг махсус тўпламидир. Айти замонда у педагогик жараённинг ташкилий-методик омилини ҳам билдиради.		*						
“Педагогик технология” - ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазмуний техникаси.	*							
“Педагогик технология” - режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришиш жараёни тавсифи.					*			
“Технология” - ишлов бериш, ҳолатни ўзгартириш санъати, маҳорати, малакаси ва методлар йиғиндиси.			*					
“Педагогик технология” - талаба ва ўқитувчининг уларга зарур шароит яратиш орқали ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва ўтказиш, бўйича улар педагогик фаолиятининг ҳар томонлама ўйланган моделдир.							*	
“Педагогик технология” - бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, тадбиқ этиш, ва белгилашнинг изчил методидир.				*				
“Педагогик технология” - педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган шахсий имкониятлар, жихозлар ва методологик воситаларда амалда бўлишнинг тизимли йиғиндиси ва тартибини бидиради.						*		
“Педагогик технология” - ўзида турли муалифлар (манбалар) нинг барча таърифлари мазмунини қамраб олган мазмуний умумлашма ҳисобланади.								*

**“Ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологияси”, “Мутахассисларни касбий тайёрлаш технологик тамойили”, “Локал (модул) технология”, “Педагогик технология тузилмаси”, “Анъанавий ўқитиш” мавзуларига “Кластер” тузинг !**



### 3-мавзу: Ҳамкорликда ўқишни ташкил этишни ўрганиш.

(ажратилган соат – 2 соат)

мавзусидаги  
**3-амалий машғулот**  
ўтказиш учун услубий ишланма  
(ажратилган соат – 2 соат)

**Ишлаш учун бошланғич материаллар:**

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

**Машғулотнинг услубий таъминоти:**

1. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. - Т., 2001
2. Фарберман Б. Л. Илғор педагогик технологиялар. Т.: «ФАН», 2000 йил
3. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г, Жумабоева Ф. А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. - Т., 2002
4. Махкамова М., Қрсимова З. Янги педагогик технологиялар (ўқув қўлланма). - Т., 2009
5. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). - Т.: "Молия", 2003.
6. Голиш Л.В. Замонавий таълим технологиялари: мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. -Т.: ТАСИС, 2001
7. Голиш Л.В.Таълим шакллари: мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. - Т.: ТАСИС, 2001
8. Султонов ва бошқ.. Янги педагогик технология асослари (интерфаол дарслар). - Т., 2007

**Ушбу мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш методикаси куйидагича бўлади:**

Вақти: 2 соат	Талабалар сони: 26 та
<b>Машғулот шакли</b>	Ҳамкорликда ўқишни ташкил этиш технологияларини ўрганиш бўйича эгалланган назарий билимларни мустахкамлаш ва чуқурлаштириш



<b>Мавзу режаси</b>	1. Ҳамкорликда ўқишнинг мазмун моҳияти. 2. Ҳамкорликда таълим бериш ва уни амалга ошириш шартлари. 3. Ҳамкорликда ўқиш тамойиллари ва қоидалари.
<b>Машғулотнинг мақсади:</b>	Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш
<b>Педагогик вазифалар</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари</b>
1. Мавзуни мустақил ўрганиш учун асос яратиш; 2. Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқур ўзлаштириш; 3. Интерфаол методларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш; 4. Талабаларни мустақил фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатиш.	1. Амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради; 2. Ҳамкорликда ўқишнинг мазмун моҳияти бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади; 3. Ҳамкорликда таълим бериш ва уни амалга ошириш шартлари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади; 4. Ҳамкорликда ўқиш тамойиллари ва қоидалари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади;
<b>Ўқитиш усуллари</b>	<b>Амалий мазмундаги топшириқлар, “Савол-жавоб”, “Синквейн”, “Кластер” методи.</b>
<b>Ўқитиш воситалари</b>	<b>Дарслик, маъруза матни, маркерлар, қоғозлар, тарқатма материаллар</b>
<b>Ўқитиш шакллари</b>	<b>Якка тарзда ва жамоада ишлаш</b>
<b>Ўқитиш шарт-шароити</b>	<b>Техник воситалар билан таъминланган ва кичик гуруҳлар билан ҳам ишлаш мумкин бўлган ўқув хонаси</b>
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	<b>Оғзаки назорат, савол-жавоб, тест саволлари</b>

### Амалий машғулотининг технологик харитаси

<b>Фаолият босқичлари</b>	<b>Фаолиятнинг мезони</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>I. Кириш босқичи. (10 минут)</b>	1. Амалий машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари эълон қилинади	Тинглайдилар
	2. Машғулотни турли методлар асосида амалга ошириш тушунтирилади.	Тинглайдилар
<b>II. Асосий босқич (60 минут)</b>	1 Талабаларни машғулот жараёнидаги фаоллигини ошириш мақсадида “Савол-жавоб” усули орқали савол жавоб ўтказилади ( <b>1-илова</b> )	Саволларга тезкорлик билан жавоб қайтаради

	<p>2. “Ҳамкорликда ўқишнинг мазмун моҳияти. Ҳамкорликда таълим бериш ва уни амалга ошириш шартлари” мавзусига “Синквейн” методини тузиш таклиф этилади. <b>(2-илова)</b></p> <p>3. Натижалар тақдирот этилади, талабалар билан биргаликда муҳокама қилинади, диққатларини асосий нуқталарга жалб этилади.</p> <p>4. “Ҳамкорликда ўқиш”, “Ҳамкорликда ўқиш тамойиллари ва қоидалари” мавзуларига “Кластер” методини тузиш таклиф этилади. <b>(3-илова)</b></p> <p>5. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Топшириқни бажариш жараёнида йўл қўйилган хато-камчиликларни изоҳлаб тушунтириб беради ва талабалар фаолиятини баҳолайди.</p> <p>6. Натижаларни текширади, гуруҳларга топшириқларни бажариши учун ёрдам беради ва талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, ҳамда диққатларини қўйиладиган натижага жалб қилади.</p> <p>7. Талабалар билиминини назорат қилиш асосида уларни баҳолайди.</p>	<p>Тинглайдилар ва топшириқни бажарадилар “Синквейн” методини тузадилар.</p> <p>Тинглайдилар ва топшириқни бажарадилар “Кластер” тузадилар.</p> <p>Тинглайдилар ва топшириқни бажарадилар</p> <p>Тинглайди, мунозарада фаол иштирок этади.</p>
<p><b>III. Якуний босқич (10 минут)</b></p>	<p>1. Ишга яқун ясайди. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.</p>	<p>Эшитади</p>
	<p>2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради.</p>	<p>Ёзадилар</p>

**1-илова**

**“Савол-жавоб” усулига саволлар намунаси**


1. Ҳамкорликда ўқишнинг мазмун моҳияти нимадан иборат ?
2. Ўқитувчи қандай қилиб ўқувчиларни ўзи билан ҳамкорлик қилишга жалб эта олиши керак ?
3. Ҳамкорликда таълим бериш ва уни амалга ошириш шартларини айтиб беринг.
4. Ҳамкорликда ўқишни ташкил этишнинг тамойилларини айтиб беринг.

**“Синквейн” методини амалга ошириш босқичлари:**

1. Ўқитувчи талабаларга мавзуга оид тушунча, жараён ёки ҳодиса номини беради.
2. Талабалардан улар ҳақидаги фикрларини қисқа кўринишда ифодалашлари сўралади. Яъни, шеърга ўхшатиб 5 қатор маълумотлар ёзишлари керак бўлади. У қуйидага қоидага асосан тузилиши керак:
  - 1-қаторда мавзу бир сўз билан (одатда от билан) ифодаланади.
  - 2-қаторда мавзуга жуда мос келадиган иккита сифат берилади.
  - 3-қаторда мавзу 3та харакатни билдирувчи феъл билан фойдаланилади.
  - 4-қаторда темага доир муҳокама этувчиларнинг хиссиётини ифодаловчи жумла тузилади. У тўрт сўздан иборат бўлади.
  - 5-қаторда мавзунинг моҳиятини ифодаловчи битта сўз берилади. У мавзунинг синоними бўлади.

## Ушбу сўзларга “Синквейн” методини қўлланг !

Дарс, жараён, педагог, характер, таълим, тарбия, билим, кўникма, адабиёт, семинар, вазият, фаолият, мақсад, ўқитувчи, ўқиш, матн, маълумот, жамоа, топшириқ, босқич, хусусият, вақт, маслаҳатчи.



**“Кластер” методини амалга ошириш босқичлари:**

1. Топшириқни диққат билан ўқиб чиқинг.
2. Фикрни тармоқланиш жараёнида пайдо бўлган ҳар бир фикрни ёзинг.
3. Имло хатолар ва бошқа жиҳатларга эътибор берманг.
4. Белгиланган вақтдан унумли фойдаланишга ва фикрингизни жамлашга ҳаракат қилинг.
5. Ҳар бир тармоқда талаб қилинаётган тушунчаларга мумкин қадар тўлароқ жавоб беришга ҳаракат қилинг.
6. Жавобларни ёзишда фақат ўз билимларингизга таянган ҳолда иш юритинг.



## 4-мавзу: Гуруҳларда ҳамкорликда ишлашни ташкиллаштириш технологияси.

(ажратилган соат – 2 соат)

### мавзусидаги 4-амалий машғулот ўтказиш учун услубий ишланма (ажратилган соат – 2 соат)

#### Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

#### Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. - Т., 2001
2. Фарберман Б. Л. Илғор педагогик технологиялар. Т.: «ФАН», 2000 йил
3. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г, Жумабоева Ф. А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. - Т., 2002
4. Махкамова М., Крсимова З. Янги педагогик технологиялар (ўқув қўлланма). - Т., 2009
5. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). - Т.: "Молия", 2003.
6. Голиш Л.В. Замонавий таълим технологиялари: мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. -Т.: ТАСИС, 2001
7. Голиш Л.В.Таълим шакллари: мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. - Т.: ТАСИС, 2001
8. Султонов ва бошқ.. Янги педагогик технология асослари (интерфаол дарслар). - Т., 2007

#### Ушбу мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш методикаси қуйидагича бўлади:

Вақти: 2 соат	Талабалар сони: 26 та
<b>Машғулот шакли</b>	Гуруҳларда ҳамкорликда ишлашни ташкиллаштириш технологияси бўйича эгалланган назарий билимларни мустахкамлаш ва чуқурлаштириш

<b>Мавзу режаси</b>	1. Гуруҳларда ишлаш ва бахс ўтказиш қоидаси. 2. Кичик гуруҳларда ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш технологияси .
<b>Машғулотнинг мақсади:</b>	Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш
<b>Педагогик вазифалар</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари</b>
1. Мавзуни мустақил ўрганиш учун асос яратиш; 2. Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқур ўзлаштириш; 3. Интерфаол методларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш; 4. Талабаларни мустақил фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатиш.	1. Амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради; 2. Гуруҳларда ишлаш ва бахс ўтказиш қоидаси бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади; 3. Кичик гуруҳларда ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш технологияси бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади.
<b>Ўқитиш усуллари</b>	Амалий мазмундаги топшириқлар, “Савол-жавоб”, “Синквейн”, “Кластер” методи.
<b>Ўқитиш воситалари</b>	Дарслик, маъруза матни, маркерлар, қоғозлар, тарқатма материаллар
<b>Ўқитиш шакллари</b>	Якка тарзда ва жамоада ишлаш
<b>Ўқитиш шарт-шароити</b>	Техник воситалар билан таъминланган ва кичик гуруҳлар билан ҳам ишлаш мумкин бўлган ўқув хонаси
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, тест саволлари

### Амалий машғулотнинг технологик харитаси

<b>Фаолият босқичлари</b>	<b>Фаолиятнинг мезони</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>I. Кириш босқичи. (10 минут)</b>	1. Амалий машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари эълон қилинади	Тинглайдилар
	2. Машғулотни турли методлар асосида амалга ошириш тушунтирилади.	Тинглайдилар
<b>II. Асосий босқич (60 минут)</b>	1. Талабаларни машғулот жараёнидаги фаоллигини ошириш мақсадида “Савол-жавоб” усули орқали савол жавоб ўтказилади ( <b>1-илова</b> )	Саволларга тезкорлик билан жавоб қайтаради
	2. “Гуруҳларда ишлаш ва бахс ўтказиш	Тинглайдилар ва топши-



	<p>қоидаси” мавзусига “Синквейн” методини тузиш таклиф этилади. (2-илова)</p> <p>3. Натижалар тақдирот этилади, талабалар билан биргаликда муҳокама қилинади, диққатларини асосий нуқталарга жалб этилади.</p> <p>4.“ Кичик гуруҳларда ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш технологияси” мавзусига “Кластер” методини тузиш таклиф этилади. (3-илова)</p> <p>5. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Топшириқни бажариш жараёнида йўл қўйилган хато-камчиликларни изоҳлаб тушунтириб беради ва талабалар фаолиятини баҳолайди.</p> <p>6.Натижаларни текширади, гуруҳларга топшириқларни бажариши учун ёрдам беради ва талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, ҳамда диққатларини қутиладиган натижага жалб қилади.</p> <p>7.Талабалар билиминини назорат қилиш асосида уларни баҳолайди.</p>	<p>риқни бажарадилар “Синквейн” методини тузадилар.</p> <p>Тинглайдилар ва топшириқни бажарадилар</p> <p>“Кластер” тузадилар.</p> <p>Тинглайдилар ва топшириқни бажарадилар</p> <p>Тинглайди, мунозарада фаол иштирок этади.</p>
<p><b>III. Якуний босқич (10 минут)</b></p>	<p>1. Ишга яқун ясайди. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.</p>	<p>Эшитади</p>
	<p>2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради.</p>	<p>Ёзадилар</p>


### 1-илова

#### “Савол-жавоб” усулига саволлар намунаси

1. Гуруҳларда ишлаш қоидасини айтиб беринг ?
2. Гуруҳий баҳс ўтказиш қоидаси ҳақида нималар биласиз ?
3. Кичик гуруҳларда ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш технологияси деганда нимани тушунасиз ?
4. Кичик гуруҳларда ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш технологиясининг 1-босқичига таъриф беринг.
5. Кичик гуруҳларда ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш технологиясининг 2-босқичига таъриф беринг.

6. Кичик гуруҳларда ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш технологиясининг 3-босқичига таъриф беринг.

2-илова



### Ушбу сўзларга “Синквейн” тузинг !

Гуруҳ, топшириқ, шарт, муҳокама, муаммо, диққат, фикр, таклиф, кўрсаткич, позиция, савод, танқид, хато, хулоса, яқун, баҳс, ишонч.


3-илова

### “Кластер” методини амалга ошириш босқичлари:

1. Топшириқни диққат билан ўқиб чиқинг.
2. Фикрни тармоқланиш жараёнида пайдо бўлган ҳар бир фикрни ёзинг.
3. Имло хатолар ва бошқа жиҳатларга эътибор берманг.
4. Белгиланган вақтдан унумли фойдаланишга ва фикрингизни жамлашга ҳаракат қилинг.
5. Ҳар бир тармоқда талаб қилинаётган тушунчаларга мумкин қадар тўлароқ жавоб беришга ҳаракат қилинг.

6. Жавобларни ёзишда фақат ўз билимларингизга таянган ҳолда иш юритинг.

**“Кичик гуруҳларда ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш технологияси” мавзусига  
“Кластер” тузинг !**



**5-мавзу: Таълим воситалари – таълим технологиясининг таркибий қисми.**

**(ажратилган соат – 2 соат)**

**мавзусидаги  
5-амалий машғулот  
ўтказиш учун услубий ишланма  
(ажратилган соат –2 соат)**

**Ишлаш учун бошланғич материаллар:**

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

**Машғулотнинг услубий таъминоти:**

1. Авлиякулов Н.Х. Замоनावий ўқитиш технологиялари. - Т., 2001
2. Фарберман Б. Л. Илғор педагогик технологиялар. Т.: «ФАН», 2000 йил
3. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г, Жумабоева Ф. А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. - Т., 2002
4. Махкамова М., Крсимова З. Янги педагогик технологиялар (ўқув қўлланма). - Т.,. 2009
5. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). - Т.: "Молия", 2003.
6. Голиш Л.В. Замоनावий таълим технологиялари: мазмун, лойихдлаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. -Т.: ТАСИС, 2001
7. Голиш Л.В.Таълим шакллари: мазмун, лойихдалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. - Т.: ТАСИС, 2001
8. Султонов ва бошк.. Янги педагогик технология асослари (интерфаол дарслар). - Т., 2007

**Ушбу мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш методикаси куйидагича бўлади:**

<b>Вақти:</b> 2 соат	Талабалар сони: 26 та
<b>Машғулот шакли</b>	Таълим воситалари бўйича эгалланган назарий билимларни мустахкамлаш ва чуқурлаштириш

<b>Мавзу режаси</b>	1. Таълим воситалари ва турлари хақида тушунча. 2. Ўқитиш воситалари дидактиканинг категорияси сифатида. 3. Ҳозирги замон ўқув воситаларининг тавсифномаси.
<b>Машғулотнинг мақсади:</b>	Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш
<b>Педагогик вазифалар</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари</b>
1. Мавзуни мустақил ўрганиш учун асос яратиш; 2. Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқур ўзлаштириш; 3. Интерфаол методларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш; 4. Талабаларни мустақил фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатиш.	1. Амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради; 2. Таълим воситалари ва турлари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади; 3. Ўқитиш воситалари дидактиканинг категорияси бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади; 4. Ҳозирги замон ўқув воситаларининг тавсифномаси бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади.
<b>Ўқитиш усуллари</b>	Амалий мазмундаги топшириқлар, “Савол-жавоб”, “Чалкаштирилган мантикий занжирлар кетма-кетлиги”, “Кластер”, “Тушунчалар таҳлили”, “Синквейн” методлари.
<b>Ўқитиш воситалари</b>	Дарслик, маъруза матни, маркерлар, қоғозлар, тарқатма материаллар
<b>Ўқитиш шакллари</b>	Якка тарзда ва жамоада ишлаш
<b>Ўқитиш шарт-шароити</b>	Техник воситалар билан таъминланган ва кичик гуруҳлар билан ҳам ишлаш мумкин бўлган ўқув хонаси
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, тест саволлари

### Амалий машғулотининг технологик харитаси

<b>Фаолият босқичлари</b>	<b>Фаолиятнинг мезони</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>I. Кириш босқичи. (10 минут)</b>	1. Амалий машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари эълон қилинади	Тинглайдилар
	2. Машғулотни турли методлар асосида амалга ошириш тушунтирилади.	Тинглайдилар
<b>II. Асосий</b>	1. Талабаларни машғулот жараёнида-	Саволларга тезкорлик

<p><b>босқич</b> <b>(60 минут)</b></p>	<p>ги фаоллигини ошириш мақсадида “Савол-жавоб” усули орқали савол жавоб ўтказилади <b>(1-илова)</b></p> <p>2.“Таълим воситалари ва турлари” мавзусига “Кластер” методларини тузиш таклиф этилади. <b>(2-илова)</b></p> <p>3. Натижалар тақдимот этилади, талабалар билан биргаликда муҳокама қилинади, диққатларини асосий нуқталарга жалб этилади.</p> <p>4.“Таълим воситалари ва турлари” мавзусига “Чалкаштирилган мантикий занжирлар кетма-кетлиги” методини тузиш таклиф этилади. <b>(3-илова)</b>.</p> <p>5.“Ўқитиш воситалари дидактиканинг категорияси сифатида” мавзусига “Чалкаштирилган мантикий занжирлар кетма-кетлиги” методини тузиш таклиф этилади. <b>(4-илова)</b>.</p> <p>6.“Ҳозирги замон ўқув воситаларининг тавсифномаси” мавзусига “Синквейн” методини тузиш таклиф этилади. <b>(5-илова)</b>.</p> <p>7. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Топшириқни бажариш жараёнида йўл қўйилган хато-камчиликларни изоҳлаб тушунтириб беради ва талабалар фаолиятини баҳолайди.</p> <p>8. Натижаларни текширади, гуруҳларга топшириқларни бажариши учун ёрдам беради ва талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, ҳамда диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади.</p> <p>9. Талабалар билимини назорат қилиш асосида уларни баҳолайди.</p>	<p>билан жавоб қайтаради</p> <p>“Кластер” методини тузадилар.</p> <p>Тинглайдилар ва топшириқни бажарадилар</p> <p>“Чалкаштирилган мантикий занжирлар кетма-кетлиги” тузадилар.</p> <p>“Синквейн” методини тузадилар.</p> <p>Тинглайди, мунозарада фаол иштирок этади.</p>
<p><b>III. Якуний босқич</b> <b>(10 минут)</b></p>	<p>1. Ишга яқун ясайди. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.</p> <p>2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради.</p>	<p>Эшитади</p> <p>Ёзадилар</p>

### “Савол-жавоб” усулига саволлар намунаси

1. Таълим воситалари деб нимага айтилади ?
2. Таълим воситаларининг неча тури мавжуд ва уларга изоҳ беринг ?
3. Кўргазмали материаллар, жихозларнинг асосий турларини санаб беринг ?
4. Синф досукасига таъриф беринг.
5. Маҳсус оқ тахта (доска), магнит доскаларга таъриф беринг ?
6. Флипчартлар нима ?
7. Жадваллар, плакатлар, диаграммалар, хариталарга изоҳ беринг.
8. Проектор ва слайдларни айтиб беринг.
9. Ясси экранли проекторлар, видео тасвир материалларини айтиб беринг.
10. Турли жихозлар, деталларнинг нусхалари ва моделлари, кабель телевиденияси, маҳсус қўлланмаларга таъриф беринг.

### “Таълим воситалари”, “Кўргазмали материаллар жихозларнинг асосий турлари”, “Таълим воситалари хусусиятларига кўра турлари” мавзуларига “Кластер”тузинг !







**“Чалкаштирилган мантикий занжирлар кетма-кетлиги” методи.**

1. Қисқа таърифлар келтирилга тарқатма материаллар тарқатилади.
2. Талабалар таърифларни диққат билан ўқиб чиқадиладар.
3. Таърифлар қайси босқичларга тегишли эканлигини аниқлайдилар.
4. Босқичлар номи аниқлангач, уларни кетма-кетликда жойлаштириш вазифаси топширилади.

Ўқитувчи ўқитиш методларига мутахассисларнинг қарашларини доскага чалкаштирилган холда ёзиб қўйилади. Мазкур шаклларнинг қайси гуруҳига киришига қараб, берилган жадвалларни тўлдирилинг.

Таълим воситалари		
Босма	Техник	Реал
Аудиовизуал	Моделли	Матинли
Ёрдамчи (жихозли)	Хақиқий	Тасвирли

Таълим воситалари					
Маълумот олиш ва уни қайта ишлаш учун	Умумий тасавурни вужудга келтириш учун	Жараёнлар тўғрисида тасвир ва овоз орқали тасавурни вужудга келтириш учун	Тасвир ва матинни ёзиш, сақлаш учун	Ўрганилаётган объектнинг модели орқали у ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун	Ўрганилаётган объектлар ҳақида хақиқий тасаввурни вужудга келтириш учун
Фото сурат	Модель	Доска	Видео фильм	Асбоб ускуна	Ўқув дастур
Чизма схема	Станок	Макет	Компакт диск	Маҳсус дарслик	Пинбоард доскаси
Жадвал	Маъруза матни	Видео проектор	Аудио касета	Ярим тайёр маҳсулотлар	Тренажер
Power point материаллари	Компьютер	Тарқатма материаллар	Плакат	Тайёр маҳсулотлар	Муляжлар
Электрон дарсликлар	Хом ашё	Флипчарт	Тасвирлар	Назорат варақалари	

	Видеомаг нитофон				
					Телевизор

#### 4-илова

### “Тушунчалар таҳлили” методини

Жадвал кўринишида бир томонига мавзуга тегишли тушунчалар келтирилган тарқатма материал талабаларга берилади ва улардан ушбу тушунчаларни изоҳини ёзишлари сўралади.

Куйида келтирилган таянч ибораларни изоҳланг.

№	ТАЯНЧ СЎЗЛАР	ТАЪРИФИ, ИЗОҲИ
1	<b>Моддий объектлар</b>	.....- изланиш ва ўрганиш учун хақиқий реал, нарсаларни ўзичига олади: моддаларнинг намуналари ва коллекцияларини, хом-ашё, асбоблар, деталлар, ўсимликлар, гербарийлар, хайвонлар ва уларнинг қотириб қўйилган ҳолати, микропрепаратлар, реактив ва хоказолар.
2	<b>Табийий объектлар</b>	.....- моделлар, муляжлар, макетлар, жадваллар, кўргазмали қуроллар (расмлар, фото-аксли чизмалар, портретлар) .
3	<b>Дидактик имкониятлар</b>	.....- белгилар, бошқалардан ўқитиш фарқ қилувчи воситаларни томонлари, дидактик функцияларни намоён қилаётган хусусиятлари фақат ўқитиш воситаларига хос бўлган потенциал имкониятларни акс эттиради..
4	<b>Дидактик хусусиятлар</b>	.....- ўқув тарбия жараёнида қўлланиладиган восита сифатида кўрилади ва дидактик хусусият билан дидактик функция ўртасидаги боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади..

#### 5-илова

### Ушбу сўзларга “Синквейн” тузинг !

Объект, жихоз, модел, муляж, макет, схема, қурилма, плакат, даграмма, гркик, белги, формула, стенд, техника, экран, диапозитив, диафильм, транспарант.

*Синквэйн* сўзи французча сўз бўлиб, беш деган таржимани беради. Демак, синквэйн беш қатордан иборат шеърдир.

Синквэйнни ёзиб чиқиш қондаси қуйидагича:

1. Биринчи қаторда бир сўз билан мавзу ёзилади (одатда от туркумидаги оид сўз билан).

2. Иккинчи қаторда мавзу икки сўз билан тавсиф қилинади (сифат туркумига оид икки сўз билан).

3. Учинчи қаторда ушбу мавзу бёйича хатти-ҳаракатлар уч сўз билан тавсиф этилади.

4. Тўртинчи қаторда темага алоқадорликни кўрсатувчи 4 сўздан иборат гап (ибора) ёзилади.

5. Бешинчи қатор мавзу моҳиятини такрорловчи бир сўздан иборат синонимдир

Амалиётда синквэйн:

- мураккаб ахборотни синтезлаш қуроли;
- талабалар тушунчалар заҳирасини баҳолаш воситаси;
- ижодий ифодалилик воситаси сифатида жуда фойдалидир.

Синквэйн тушунчалар ва ахборотларни рефлексиялаш, синтезлаш ва умумлаштиришда тезкор, айни замонда қудратли қурол ҳисобланади.

## **6-мавзу: Таълимнинг техник воситалари.**

**(ажратилган соат – 2 соат)**

**мавзусидаги  
6-амалий машғулот  
ўтказиш учун услубий ишланма  
(ажратилган соат –2 соат)**

### **Ишлаш учун бошланғич материаллар:**

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

### **Машғулотнинг услубий таъминоти:**

1. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. - Т., 2001
2. Фарберман Б. Л. Илғор педагогик технологиялар. Т.: «ФАН», 2000 йил
3. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г, Жумабоева Ф. А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. - Т., 2002
4. Махкамова М., Крсимова З. Янги педагогик технологиялар (ўқув қўлланма). - Т.,. 2009
5. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). - Т.: "Молия", 2003.
6. Голиш Л.В. Замонавий таълим технологиялари: мазмун, лойихдлаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. -Т.: ТАСИС, 2001
7. Голиш Л.В.Таълим шакллари: мазмун, лойихдалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. - Т.: ТАСИС, 2001
8. Султонов ва бошк.. Янги педагогик технология асослари (интерфаол дарслар). - Т., 2007

### **Ушбу мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш методикаси қуйидагича бўлади:**

Вақти: 2 соат	Талабалар сони: 26 та
<b>Машғулот шакли</b>	Таълимнинг техник воситалари бўйича эгалланган назарий билимларни мустахкамлаш ва чуқурлаштириш
<b>Мавзу режаси</b>	1. Техник воситалар ва уларнинг турлари . 2. Ўқитишнинг техник воситаларини ва ўқув кўргазмалари қўлланмаларни тавсифи.

	3. Ўқитишнинг техник ва кўргазмали воситалардан фойдаланишнинг афзалликлари. 4. График органайзерлар.
<b>Машғулотнинг мақсади:</b>	Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш
<b>Педагогик вазифалар</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари</b>
1. Мавзуни мустақил ўрганиш учун асос яратиш; 2. Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқур ўзлаштириш; 3. Интерфаол методларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш; 4. Талабаларни мустақил фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатиш.	1. Амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради; 2. Техник воситалар ва уларнинг турлари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади; 3. Ўқитишнинг техник воситаларини ва ўқув кўргазмали қўлланмаларни тавсифи бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади; 4. Ўқитишнинг техник ва кўргазмали воситалардан фойдаланишнинг афзалликлари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади; 5. График органайзерлар бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади.
<b>Ўқитиш усуллари</b>	Амалий мазмундаги топшириқлар, “Савол-жавоб”, “Идрок харитаси”, “Кластер” методлари. Графикли органайзер” лар
<b>Ўқитиш воситалари</b>	Дарслик, маъруза матни, маркерлар, қоғозлар, тарқатма материаллар
<b>Ўқитиш шакллари</b>	Якка тарзда ва жамоада ишлаш
<b>Ўқитиш шарт-шароити</b>	Техник воситалар билан таъминланган ва кичик гуруҳлар билан ҳам ишлаш мумкин бўлган ўқув хонаси
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, тест саволлари

### Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мезони	
	Ўқитувчи	Талаба
<b>I. Кириш босқичи. (10 минут)</b>	1. Амалий машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари эълон қилинади	Тинглайдилар
	2. Машғулотни турли методлар асосида амалга ошириш тушунтирилади.	Тинглайдилар
<b>II. Асосий</b>	1. Талабаларни машғулот жараёнидаги	Саволларга тезкорлик

<p><b>босқич</b> <b>(60 минут)</b></p>	<p>фаоллигини ошириш мақсадида “Савол-жавоб” усули орқали савол жавоб ўтказилади (<b>1-илова</b>)</p> <p>2.“Таълимнинг техник воситалари” мавзусига “Идрок харитаси” методини тузиш таклиф этилади. (<b>2-илова</b>)</p> <p>3.Натижалар тақдимот этилади, талабалар билан биргаликда муҳокама қилинади, диққатларини асосий нуқталарга жалб этилади.</p> <p>4.“Ўқитишнинг техник воситаларини ва ўқув кўргазмали қўлланмаларни танлаш”, “Ўқитишнинг техник ва кўргазмали воситалардан фойдаланишнинг афзалликлари” мавзуларига “Кластер” методини тузиш таклиф этилади. (<b>3-илова</b>)</p> <p>5.Ўтилган мавзуларга юқорида келтирилган “Графикли органайзер” ларни тадбиқ этишни таклиф этади <b>4-илова</b></p> <p>6.Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Топшириқни бажариш жараёнида йўл қўйилган хато-камчиликларни изоҳлаб тушунтириб беради ва талабалар фаолиятини баҳолайди.</p> <p>7. Натижаларни текширади, гуруҳларга топшириқларни бажариши учун ёрдам беради ва талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, ҳамда диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади.</p> <p>8. Талабалар билимини назорат қилиш асосида уларни баҳолайди.</p>	<p>билан жавоб қайтаради</p> <p>“Идрок харитаси” методларини тузадилар.</p> <p>Тинглайдилар ва топширикни бажарадилар</p> <p>“Кластер” тузадилар.</p> <p>“Графикли органайзер” ларни тузадилар</p> <p>Тинглайдилар ва топширикни бажарадилар</p> <p>Тинглайди, мунозарада фаол иштирок этади.</p>
<p><b>III. Якуний босқич</b> <b>(10 минут)</b></p>	<p>1. Ишга якун ясайди. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.</p> <p>2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради.</p>	<p>Эшитади</p> <p>Ёзадилар</p>

**“Савол-жавоб” усулига саволлар намунаси**

1. Техник воситалари деб нимага айтилади ?
2. Ҳозирги замон ўқув техник воситалари неча туркуми мавжуд ва уларга изох беринг ?
3. Техник воситалари ва улардан фойдаланиш тури мавжуд ва уларга изох беринг ?
4. Ахборотни узатиш усулига қараб техник воситалар неча гуруҳга бўлинади ва уларга изох беринг.
5. Техник воситалар неча гуруҳга бўлинади ва уларга таъриф беринг ?
6. Доска ҳақида тушунча унинг афзалликлари ва камчиликлари ҳамда унинг янги турлари ҳақида маълумот беринг ?
7. Ўқитишнинг техник воситаларини ва ўқув кўргазмали қўлланмалар қандай тавсифланади.
8. МЎКҚ ларни санаб беринг.
9. МашЎКҚ ларни санаб беринг.
10. Динамик макетлар нима ?
11. Статик макетлар нима ?
12. Одатдаги дарсликлар нима ?
13. Босма маърузалар нима ?
14. Тарқатма информацион дидактик материаллар нима ?
15. Дастурлаштирилган дарслик нима ?
16. Мисоллар тўплами нима ?
17. Тарқатма дидактик материаллар нима ?
18. Услубий кўрсатмага изох беринг.
19. Тезислар нима ?

**“Таълимнинг техник воситалари” мавзусининг “Маълумотларнинг ўқув кўргазмали қўлланмалар (МЎКҚ)”, “Машқлар учун ўқув кўргазмали қўлланмалар (МашЎКҚ)”, “Назорат қилувчи ўқув кўргазмали қўлланмалар (НЎКҚ)”, “Маълумотларнинг техник воситалари (МТВ)”, “Машқлар учун техник воситалар (МашТВ)”, “Назорат техник воситалари (НТВ)” нинг тавсифига “Идрок харитаси методи” тузинг.**

***“Идрок харитаси” методи***

Мавзу ёки ўқув материални графикли баён этиш усули бўлиб, ахборотларни тизимли, тартибли ва визуал ўзлаштириш имконини беради.

***Қўлланилиш мақсади ва шакли:***

1. маъруза машғулотларида - янги билимларни баён қилиш, жамоавий;

2. семинар машғулотларида билимларни текшириш, мустаҳкамлаш, кичик гуруҳларда;
3. мустақил таълимда – ижодий ишлаш, мантиқий фикрлаш малакаларини ривожлантириш, индивидуал;



3-илова

**“Ўқитишнинг техник воситаларини ва ўқув кўргазмали қўлланмаларни танлаш”, “Ўқитишнинг техник ва кўргазмали воситалардан фойдаланишнинг афзалликлари” мавзуларига “Кластер” тузинг.**



### **“Кластер” методи**

Кластер (ғунча, боғлам) методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у ўқувчиларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эрки, очик ўйлаш ва шахсий фикрларни баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. “Кластер” методи аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг иши билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг ўқувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Стил ва Стил ғоясига мувофиқ ишлаб чиқилган “Кластер” методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан ўқувчилар билан яқка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Метод гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда ўқувчилар томонидан билдирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзида намоён бўлади. Бу эса илгари сурилган ғояларни умумлаштриш ва улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

“Кластер” методидан фойдаланишда қуйидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади:

Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Ғоялар сифатини муҳокама қилманг, фақат уларни ёзинг. Хатни тўхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омилларга эътибор берманг.

Ажратилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг. Агар ақлингизга ғоялар келиши бирдан тўхтаса, у холда қачонки янги ғоялар келмагунча қоғозга расм чизиб турунг.

**4-илова**

**Ўтилган мавзуларга юқорида келтирилган “Графикли органайзер” ларни тадбиқ этинг.**

---	---	---
Миллий хунармандчилик деганда нималар тушунилади	---	---
---	---	---


Мисгарон ва Заргарон номларини машхурлигига сабаб нимада	Миллий хунармандчилик деганда нималар тушунилади	Миллий хунармандчилик
Миллий хунармандчилик касбларини билиш зарурми ?	Мавзу буйича мустақил ишларни кандай бажариц мумкин	Миллий хунармандчилик асосида ясалган буюмларни кандай фарқлаш мумкин
Темирчилик ва чилангарлик касбларининг умумийлиги нимада	Асбоб-ускуналардан фойдаланишда хавфсизлик техникаси қоидаларини	Хунарманд усталарни хаётини нима учун ўрганишим керак

Мисгарон Бухородаги савдо 1 расасининг номи	Заргарон Регистон майдони яқинидаги халқ усталарининг	Заргарон миллий хунармандчилик касби
Мисгарон миллий хунармандчилик касби	Мисгарон ва Заргарон номларини машхурлигига сабаб нимада	Мисгарон ва Заргарон метал асосида ясалган буюмларнинг номи
---	---	---

Кандакорлик	Темирчилик	---
Мисгарлик	Миллий хунармандчилик касбларини билиш	---
Чилангарлик	---	---

## Мавзулар асосида дарсларни ташкил қилишда "Қандай" графикли органайзери

### "Қандай" графикли органайзери



### "Қандай" графикли органайзери куриш қоидаси:

1. Кўпгина ҳолларда муаммони ечишда "нима қилиш керак"лиги тўғрисида ўйланиб қолмаслигингиз керак. Асосан муаммо, уни ечишда "буни қандай қилиш керак?", "қандай" асосий саволлар юзага келишидан иборат бўлади. "Қандай" саволларининг изчил берилиши кўйидаги имкониятлар яратилишига олиб келади:

- муаммони ечиш нафақат бор имкониятларни, балки уларни амалга ошириш йўллари ҳам тадқиқ қилишга ундайди;

- кўйдан юқорига босқичма-босқич бўйсунадиган ғоялар тузилмасини аниқлашга ва такомиллаштиришга имконият яратади.

2. Диаграмма стратегик даражадаги саволлар билан ишлашни талаб қилади. Мавжуд муаммони ечишнинг пастки даражаси биринчи галдаги ҳаракатларнинг руйхатига мос ҳолга олиб келиши мумкин. Бунинг учун;

- барча ғояларни ўйлаб ўтирмасдан, баҳоламасдан ва таққосламасдан тезликда ёзиш керак;


- диаграмма ҳеч қачон тугалланган бўлмайди ва унга янги ғояларни киритиш мумкин.

- агарда чизмада савол унинг "шоҳларида" бир неча бор қайтарилса, унда у бирор муҳимликни англатади. У муаммони ечишнинг асосийси бўлиши мумкин;

- янги ғояларни график кўринишда: дарахт ёки каскад кўринишидами, юқоридан пасттами ёки чапдан ўнгга қайд қилинишини ўзингиз хал этасиз;

- агарда сиз ўзингизга тўғри саволлар берсангиз ва унинг ривожланиш йўналишини намоён бўлишида ишончни сакласангиз, диаграмма сиз ҳар қандай муаммони амалий жихатдан ечимини топишингизни кафолатлайди.

Мавзуга оид "Қандай" графикли органайзери чизмасини тузилиши.



**Мавзулар асосида дарсларни ташкил қилишда "Инсерт" графикли  
органайзерида фойдаланиш бўйича тавсия.**

**"Инсерт" графикли органайзери**




Мавзуга оид “Инсерт” графикли органайзери жадвалининг тузилиши

Мавзу	В	-	+	?
-//-	-//-	-//-	-//-	-//-
-//-	-//-	-//-	-//-	-//-
-//-	-//-	-//-	-//-	-//-
-//-	-//-	-//-	-//-	-//-
-//-	-//-	-//-	-//-	-//-
-//-	-//-	-//-	-//-	-//-
-//-	-//-	-//-	-//-	-//-
-//-	-//-	-//-	-//-	-//-
-//-	-//-	-//-	-//-	-//-
-//-	-//-	-//-	-//-	-//-

## Мавзулар асосида дарсларни ташкил қилишда "Нима учун" графикли органайзеридан фойдаланиш бўйича тавсия.


### "Нима учун" графикли органайзери



### “Нима учун” графикли органайзери чизмасини тузиш қоидалари

1. Айлана ёки тўғри тўртбурчак шакллардан фойдаланишни ўзингиз танлайсиз.
2. Чизманинг кўринишини - мулоҳазалар занжирини тўғри чизиклими, тўғри чизикли эмаслигини ўзингиз танлайсиз.
3. Йўналиш кўрсаткичлари сизнинг қидирувларингиз дастлабки ҳолатдан изланишгача бўлган йўналишингизни белгилайди.


Мавзуга оид “Нима учун” графикли органайзери чизмасини тузишлиши.






**Мавзулар асосида дарсларни ташкил қилишда "Зинама-зина" графикли  
органайзеридан фойдаланиш бўйича гавсия.**

"Зинама-зина" графикли органайзери "Зинама-зина" графикли органайзери асосида маррага ким биринчи чиқиш технологиясининг схематик тузилиши бўйича ўтилган мавзуларни мустахкамлаш самарали ҳисобланади. Қуйида унинг схематик тузилиши келтирилган бўлиб, мавзуга оид саволлар кетма-кетлиги асосида оддийдан мураккабга қараб тузилади.

**Зина- зина графикли органайзери схемаси**




**Зина босқичидаги шаклларга жойлаштирилган саволлар кетма-кетлиги қуйидагилардан иборат:**

 <b>Ким тез ?</b>	<p><i>1-гурӯҳ зинаси учун савол. Касбий қизиқишга таъриф беринг ?</i></p> <p><i>2-гурӯҳ зинаси учун савол. Майл тушунчасига таъриф беринг.</i></p>
 <b>Ким чакқон ?</b>	<p><i>1-гурӯҳ зинаси учун савол. Касбий қизиқишга қандай формула билан ифодаланади ?</i></p> <p><i>2-гурӯҳ зинаси учун савол. Майл қандай формула билан ифодаланади ?</i></p>
 <b>Биз ғолиб</b>	<p><b>Зинанинг “Биз ғолиб” поғонасида (нукталар ўрнига тегишли сўзларни қўйилади) “..., .. ва ... касб танлашга таъсири” учбурчагини тўлдилинг !</b></p>

**... ва ... касб танлашга таъсири” учбурчагини тўлдилинг !**






### "Кластер" графикли организери



### "Кластер" тузиш қоидаси

1. Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Ғоялар сифатини муҳокама қилманг, фақат уларни ёзинг.
2. Хатни тўхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг. Агар ақлингизга ғоялар келиши бирдан тўхтаса, у ҳолда қачонки янги ғоялар келмагунча қоғозга расм чизиб турунг.

Мавзуга оид “Кластер” графикли органайзери чизмасини тузишлиши



## 7-мавзу. Таълимда инновациялар.

(ажратилган соат – 2 соат)

### 7-амалий машғулоти ўтказиш учун услубий ишланма (ажратилган соат – 2 соат)

#### Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулоти дафтари

#### Машғулоти услубий таъминоти:

1. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. - Т., 2001
2. Фарберман Б. Л. Илғор педагогик технологиялар. Т.: «ФАН», 2000 йил
3. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г, Жумабоева Ф. А. Олий ўқув юртлирида ўқитишнинг замонавий усуллари. - Т., 2002
4. Махкамова М., Крсимова З. Янги педагогик технологиялар (ўқув қўлланма). - Т., 2009
5. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). - Т.: "Молия", 2003.
6. Голиш Л.В. Замонавий таълим технологиялари: мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. -Т.: ТАСИС, 2001
7. Голиш Л.В.Таълим шакллари: мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. - Т.: ТАСИС, 2001
8. Султонов ва бошк.. Янги педагогик технология асослари (интерфаол дарслар). - Т., 2007

#### Ушбу мавзу бўйича амалий машғулоти олиб бориш методикаси қуйидагича бўлади:

Вақти: 2 соат	Талабалар сони: 26 та
Машғулоти шакли	Таълимда инновациялар бўйича эгалланган назарий билимларни мустахкамлаш ва чуқурлаштириш.
Мавзу режаси	1. Инновацион ўқитиш стратегиясини ўрганиш. 2. Муаммоли ўқитиш технологияси, муаммоли вазият ва унинг турлари, муаммоли ўқув семинарлари ташкил этиш. 3. Ўйинли ўқитиш технологияси.

	4. Ўйинли педагогик технологиялар
<b>Машғулотнинг мақсади:</b>	Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш
<b>Педагогик вазифалар</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари</b>
<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мавзунини мустақил ўрганиш учун асос яратиш;</li> <li>2. Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқур ўзлаштириш;</li> <li>3. Интерфаол методларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш;</li> <li>4. Талабаларни мустақил фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатиш.</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради;</li> <li>2. Таълимдаги инновациялар, интерфаол ўқитиш стратегияси бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади;</li> <li>3. Муаммоли ўқитиш технологияси, муаммоли вазият ва унинг турлари, муаммоли ўқув семинарлари ташкил этиш бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади;</li> <li>4. Ўйинли ўқитиш технологияси бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади;</li> <li>5. Ўйинли педагогик технологиялар бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади ва уларни амалиётда қўллаш бўйича кўникмалар шакллантирилади.</li> </ol>
<b>Ўқитиш усуллари</b>	Амалий мазмундаги топшириқлар, “Савол-жавоб”, “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Кластер”, “Инсерт”, “Синквейн”, “Ақлий хужум”, “Кейс стади”, “Тест”, “БББ”, “Тушунчалар тахлили”, “Бумеранг”, “Балиқ скелети”, “Венн диаграммаси”, “Чархпалак”, “Чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги”, “Резюме”, “ФСМУ” методлари.
<b>Ўқитиш воситалари</b>	Дарслик, маъруза матни, маркерлар, қоғозлар, тарқатма материаллар
<b>Ўқитиш шакллари</b>	Якка тарзда ва жамоада ишлаш
<b>Ўқитиш шарт-шароити</b>	Техник воситалар билан таъминланган ва кичик гуруҳлар билан ҳам ишлаш мумкин бўлган ўқув хонаси
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, тест саволлари

## Амалий машғулотининг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мезони	
	Ўқитувчи	Талаба
<b>I. Кириш босқичи. (10 минут)</b>	1. Маъруза машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари эълон қилинади.	Тинглайдилар
	2. Машғулотни турли методлар асосида амалга ошириш тушунтирилади.	Тинглайдилар
<b>II. Асосий босқич (60 минут)</b>	<p>1. Талабаларни машғулот жараёнидаги фаоллигини ошириш мақсадида “Савол-жавоб” усули орқали савол жавоб ўтказилади (<b>1-илова</b>)</p> <p>2. Таълим жараёнида инновацион усулларни қўллаш ҳақидаги маълумотлари ёритади ва “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Кластер”, “Инсерт”, “Синквейн”, “Ақлий хужум”, “Кейс стади”, “Тест”, “БББ”, “Тушунчалар тахлили”, “Бумеранг”, “Балиқ скелети”, “Венн диаграммаси”, “Чархпалак”, “Чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги”, “Резюме” усулларини тарифлаб бериш ва методларни тузиш таклиф этилади. (<b>2-илова</b>).</p> <p>3. “Муаммоли ўқитиш технологияси” мавзусига “Кластер, Синквейн” методларини тузиш таклиф этилади (<b>3-илова</b>).</p> <p>4. Муаммоли вазият ва унинг белгилари” мавзусига “БББ” методини тузиш таклиф этилади. (<b>4-илова</b>).</p> <p>5. Натижалар тақдимот этилади, талабалар билан биргаликда муҳокама қилинади, диққатларини асосий нуқталарга жалб этилади. усулларини тарифлаб бериш ва методларни тузиш таклиф этилади</p> <p>6. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Топшириқни бажариш жараёнида йўл қўйилган</p>	<p>Саволларга тезкорлик билан жавоб қайтаради</p> <p>Усулларга тариф берадилар ва “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Кластер”, “Инсерт”, “Синквейн”, “Ақлий хужум”, “Кейс стади”, “Тест”, “БББ”, “Тушунчалар тахлили”, “Бумеранг”, “Балиқ скелети”, “Венн диаграммаси”, “Чархпалак”, “Чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги”, “Резюме” методларини тузадилар.</p> <p>Топшириқларини бажарадилар</p> <p>Тинглайди, мунозарада фаол иштирок этади.</p>

	<p>хато-камчиликларни изохлаб тушунтириб беради.</p> <p>7.“Ўйинли ўқитиш технологияси” мавзусига Кластер тузиш таклиф этилади (5-илова).</p> <p>8.”Ўйинли ўқитиш технологияси” мавзусига ФСМУ тузиш таклиф этилади. (6-илова)</p> <p>9. Талабалар фаолиятини баҳолайди, натижаларни текширади, топшириқларни бажариши учун ёрдам беради ва талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, ҳамда диққатларини қўйиладиган натижага жалб қилади ва уларни баҳолайди.</p>	
<b>III. Якуний босқич (10 минут)</b>	1. Ишга якун ясайди. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.	Эшитади
	2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради.	Ёзадилар

### 1-илова

#### “Савол-жавоб” усулига саволлар намунаси

1. Инновацион педагогикани тушунтириб беринг?
2. Гуманистик педагогиканинг белгиларини айтиб беринг?
3. Инноватика тушунчаси нимани англатади ?
4. Инновация сўзининг маъноси нима ?
5. Инновацион жараён нима ?
6. Ўзбекистонда педагогик инновациянинг ривожланиши ҳақида маълумот беринг.
7. Инновацион усуллар ҳақида нималар биласиз ?
8. “Ақлий хужум” усулини ёритиб беринг.
9. “Пинбоард” усулини ёритиб беринг.
10. “Мунозара” (муҳокама) усулини тушунтириб беринг.
11. “Музёра” усулини биласизми ?
12. “Синквейн” усулини изохланг.
13. “Кластер” усулини айтиб беринг.
14. “Инсерт” усулини тарифланг.
15. “Кубиклар” усулини айтиб беринг.
16. “Т-чизмалар” усулини изохлаб беринг.
17. “Кейс” усулини ёритиб беринг.
18. “Иқтисодчи” технологияси муалифлик усулини ёритинг.
19. Муаммоли ўқитиш технологияси нима ?
20. Муаммоли вазият нима ?

21. Муаммоли вазият қандай яратилади ?
22. Ўқув муаммосининг муҳим белгиларини санаб ўтинг.
23. Муаммоли ўқитишнинг ташкил этиш шартлари қандай ?
24. Муаммоли типдаги ўқув машғулоти ҳақида гапириб беринг.
25. Ўйинли ўқитиш деганда нимани тушунасиз?
26. Ўйин структурасига кирувчи жараёнлар, ўйинларга хос хусусиятлар, ўйин функциялари ҳақида маълумот беринг?
27. Ўйинли педагогик технологияларга таъриф беринг?

**2-илова**

### **Таълим жараёнида инновацион усулларни қўллаш**

Ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишнингилғор усулларини қўллаш, ўқитиш жараёнида юқори натажаларга олиб келади. Таълим усулларини ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади. Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, уни турли-туман замонавий усуллар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкили қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда интерфаол усулларни қўллаш ва таълим олувчиларни оммавий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади. Бу усуллар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади.

Қуйида таълим амалиётида фойдаланилаётган таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашларини ривожлантирувчи интерфаол усуллардан бир нечтасининг моҳияти ва улардан фойдаланиш борасида сўз юритилади:

- |                            |                       |
|----------------------------|-----------------------|
| 1. Кичик гуруҳларда ишлаш. | 5. Эссе.              |
| 2. Блум саволлари.         | 6. Ақлий ҳужум.       |
| 3. Инсерт.                 | 7. Концептуал жадвал. |
| 4. Синквейн.               | 8. Кейс стади усули.  |
|                            | 9. Тест.              |

## Кичик гуруҳларда ишлаш

Бунда таълим олувчилар 4-6 нафардан иборат микрогуруҳга бўлинади. Микрогуруҳлар дарснинг ташкилий қисмида рақамли ёки ҳарфли карточкалар ёрдамида шакллантирилади. Таълим олувчиларнинг ўз хоҳишлари бўйича микрогуруҳлар ташкил қилишлари ёки “яхши” ва “ёмон” микрогуруҳларнинг шаклланиб қолиши мақсадга мувофиқ эмас. Барча микрогуруҳларга бир хил ёки ҳар бирига алоҳида топшириқ берилиши мумкин. Микрогуруҳ аъзолари ўзаро фикр алмашиб, топшириқни мустақил ечишлари зарур. Таълим берувчи микрогуруҳни оралаб, уларга топшириқни бажариш учун йўлланма ва маслаҳатлар бериб боради.

Микрогуруҳ таркиби ва сардорлари ҳар бир топшириқ ҳал қилинганидан сўнг ёки навбатдаги машғулотда алмаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Топшириқни бажаришда барча таълим олувчилар фаол иштирок этади ва уларнинг ҳар бири сардор бўлиш имкониятига эга бўлади. Таълим берувчи эса, ҳар бир таълим олувчи билан яқка тартибда ишлаш учун кўпроқ имкониятга эга. Мунозарани оқилона бошқариш, яъни уни микрогуруҳлар “қўлига ўтиб кетмаслиги” учун қуйидаги тўрт усулдан фойдаланиш тавсия этилади:

**Тасдиқлаш.** Бу – айтилган фикрдан таъсирланиб, уни тушунганлиги ёки тушунмаганлигини билдириш усулидир. Тасдиқловчи фикрлар саволларга нисбатан жарангисизроқ ифодаланади ва кўп ҳолларда жавобни эркинроқ айтишга ундайди.

**Саволлар.** Таълим олувчиларга таълим берувчи саволидан кўра, кўпроқ ўзларининг саволларини иштиёқ билан муҳокама қиладилар. Шунинг учун кўпроқ уларни савол беришга ундаш лозим.


**Сигналлар.** Мунозара давомида таълим олувчининг изоҳи кўпинча ҳаддан ташқари аҳамиятли бўлади. Яхшиси, мунозарани овоз чиқармасдан имо-ишора, сигналлар ёрдамида бошқариш керак. Педагогнинг юзида тушунмаслик аломатларини пайдо бўлиши таълим олувчилар учун: “тушунтириш талаб қилинади” деган сигналдир.

**Сукут сақлаш.** Савол берилгандан сўнг, унинг жавобини ўйлашга уч, тўрт, беш секунд пауза бериш лозим. Чунки, бунда чуқур фикрлаш жараёни кечади. Агар бу паузани педагог ўз вақтида тўлдирмаса, ихтиёрий таълим олувчи тўлдириб қўйиши мумкин.




Микрогуруҳларро мунозарани мақсадга мувофиқ бошқариш учун, уларни куйидаги вариантларда жойлаштириш тавсия этилади:

а) U-шаклида



б) Мунозарали клуб шаклида




Расм. Микрогуруҳларни жойлаштириш вариантлари.



## Кластер усули

Кластер – инглича сўз бўлиб, ғунча, боғлам маъносини англатади. Ахборотларни кластерларга ажратиш у кўп вариантли фикрлашни, ўрганилаётган тушунчалар ўртасида алоқа ўрнатиш малакаларини ривожлантиради, бирор мавзу бўйича таълим олувчиларни эркин ва очикдан-очик фикрлашига ёрдам беради. Кластерларга ажратишни дарснинг даъват, англаш ва мулоҳаза қилиш босқичларидаги фикрлашни рағбатлантириш учун қўллаш мумкин. Асосан, у янги фикрларни уйғотиш ва муайян мавзу бўйича янгича фикр юритишга чорлайди. Кластер тузиш кетма-кетлиги қуйидагича:



Кластер тузишда гуруҳдаги барча таълим олувчиларнинг иштирок этиши бу гуруҳда пайдо бўлган ғояларнинг ўзагини аниқлашни таъминлайди. Кластер тузиш икки босқичдан иборат бўлади. “Блум таксономияси тоифаларига оид феъллар” мавзуси бўйича кластер тузишга мисол келтирамиз.

:Кластер тузишни машғулотни англаш фазасида қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, бу фазада таълим олувчи ўқув материални нафақат мустақил ва фаол ўзлаштириши, балки асосий тушунча ва муносабатлар ўртасидаги боғланишларни ҳам аниқлаган бўлади.

## Инсерт

Инсерт (Interactive Nothing System For Effective Reading and Thinking)-ўқув материални мустақил ўқиб, ўзлаштиришда қўлланилади. Унинг мазмуни, ўқиш жараёнида матннинг ҳар бир сатр бошини аввал ўзлаштирилган билим ва тажрибалар билан таққослаш ва бунинг натижасини варақнинг чап қирғоғига қуйидаги махсус белгиларни қўйиш билан акс эттиришдан иборат:

«V» - белги, агар ўқиётганингиз, сизни у ҳақда билганингиз ёки билишингиз тўғрисидаги фикрингизга мос, яъни таниш бўлса қўйилади;

«-» – белги, агар ўқиётганингиз, сизнинг у ҳақида билганингиз ёки билишингиз тўғрисидаги фикрингизга зид бўлса қўйилади;

«+» – белги, агар ўқиётганингиз, сиз учун янги ахборот бўлса қўйилади;

«?» – белги, агар ўқиётганингиз сизга тушунарли бўлмаса ёки сиз бу ҳақда батафсилроқ маълумот олишни хоҳласангиз қўйилади.


Матнни инсерт усулида ўқиш учун қўйиладиган белгиларга мос ҳолда, тўрт қисмдан иборат жадвал тайёрланади. Матнни ўқиш жараёнида, унинг чап қирғоғига ўзингизни тушунишингиз ва билишингизга мос келадиган тўрт хил белги қўйиб чиқасиз. Бунда ҳар бир қатор ёки таклиф этилаётган ғояга белги қўйиш шарт эмас. Бу белгиларда сиз ўқиётган ахборот тўғрисидаги ўзингизнинг яхлит тасаввурингизни акс эттиришингиз керак. Шунинг учун ҳам, ҳар бир сатр бошига бир ёки иккита, баъзан эса, бундан кўп ёки оз белгилар қўйиш, матннинг ҳар бир сатр бошини англашни талаб қилади ҳамда матнни тушуниб борилишида ўзини-ўзи кузатиб борилишини таъминлайди. Ҳар бир белгига мос бўлган матннинг қисқача мазмуни жадвалнинг тегишли қисмига ёзиб борилади. Шундай қилиб, таълим олувчилар ахборотни онгли равишда ўзлаштиришлари учун, улар матнни тушунишларини ўзлари кузатиб боришлари зарур. Бунда, улар мулоҳаза

юритадилар, яъни янги ахборотни ўз тажрибалари билан, ўқиётганини олдиндан унга маълум бўлган билимлар билан ўзаро боғлиқлигини аниқлайдилар. Матн мазмунини онгда қайта тасаввур этиш ва уни “ихчамлаш” содир бўлади. Бу эса, тушунишнинг узок муддатли характерга эга бўлишини таъминлайди.

### Матнни белгилаш тизими.

- V - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- + - янги маълумот.
- - мен билган нарсага зид.
- ? - мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Тушунчалар	V	+	-	?




Синквейн тузиш-мураккаб ғоя, сезги ва хиссиётларни бир нечагина сўзлар билан ифодалаш учун муҳим бўлган малакадир. Синквейн тузиш жараёни мавзуни пухтароқ англашга ёрдам бериш билан бирга, таълим олувчиларнинг фикрлаш қобилиятини юқори даражада ривожлантиради.

Қуйида сеялка мавзуси бўйича синквейн тузишни мисол тариқасида кўриб чиқамиз:

- |    |                                  |                                   |
|----|----------------------------------|-----------------------------------|
| 1. | =====                            | сеялка                            |
| 2. | =====    =====                   | тўрт қаторли, олти қаторли        |
| 3. | =====    =====    =====          | уруғни уялаб экади.               |
| 4. | =====    =====    =====    ===== | экиш мавсуми, трактор, дала, уруғ |
| 5. | =====                            | Агрегат                           |

Тузилган синквейнни баҳолаш эканмиз, таълим олувчи бу жараёнда иккинчи қаторга сеялка вазифасининг энг муҳим хоссаларини англатувчи бир жуфт сифатни ўйлаб ёзиши зарур, деган мулоҳаза қилиш мумкин. Бу жавобни бир неча хил вариантларини ўйлаб топиб, сўнгра улардан энг асосийсини ажратиш олиш билангина уудалаш мумкин. Худди шунингдек, бошқа қаторларга ёзиладиган сўзлар ҳам жадаллик билан фикрлаш натижасида ишлаб топилади. Бу эса, “сеялка” тушунчаси маъносини пухта ва тўлароқ англашга олиб келади.



Ақлий ҳужумнинг вазифаси микрогуруҳ ёрдамида янги ғояларни яратишдир. Бу усул муаммони ҳал қилаётган таълим олувчиларни кўпроқ фантастик ғояларни яратишга ундайди. Ғоялар қанча кўп бўлса, уларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси тўғри бўлиши мукин. Бу усул муаммонинг энг тўғри ечишга оид ғоялар банкини яратиш мақсадида қўлланилади.

Ақлий ҳужумни назарий дарсларда яқка тартибда ёки жуфтликда, амалий машғулотларда эса 4-6 кишидан иборат микрогуруҳларда ўтказиш мумкин.

Бу таълим олувчилар фаоллигини оширишга, мавзунинг энг долзарб ечимини излашга шароит яратади.

### Кейс стади усули

Кейс-ишлаб чиқаришда содир бўладиган, аниқ муаммоли вазиятнинг тафсилотидир. Кейс усули ишлаб чиқариш масалаларини машғулотларда таҳлил қилиш ва ҳал қилиш усули, унда иштирокчиларга ҳақиқий ҳаётий вазият бўйича фикр юритиш таклиф қилиниб, бу вазият баёнида нафақат амалий масала ифодаланиб қолмасдан, ундаги муаммони ечиш жараёнида ўзлаштирилиши зарур бўлган ўқув материали ҳам ифодаланади.

Кейс-усулини қўллаш жараёнида таълим олувчиларни вазиятни таҳлил қилишга ўргатиш мақсадида, вазиятни қуйидаги тартибда баён қилиш мумкин:

- муаммоли (муаммоли шундай таркиб тузиладигани, у муаммоли вазиятлар мажмуасини ажратишни талаб қилиб, уларнинг турлари, ечилиш усулларига мувофиқ ҳолда танланади);
- тизимли (вазиятлар таркибининг тавсифлари ва вазифаларини аниқлаш);
- сабаб-оқибатли (вазиятни ҳал қилишда иштирок этувчилар амал қилиш зарур бўлган тавсияномалар тайёрлаш);
- тавсияномали (вазиятни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш);
- дастурий-мақсадли (жорий вазиятлар учун тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш);

ташхисли (вазиятдаги фаолият мазмунини ташхислаш, уни моделлаш).

Ўқув машғулотларида кейсларни ҳал қилиш алгоритми қуйидагича:

1. Топшириқни бериш, (топшириқни бажариш муддатини белгилаш, кейснинг ечимини баҳолаш тизими билан таништириш, дарснинг технологик моделини аниқлаш).

2. Таълим берувчининг кириш сўзи. Асосий саволларнинг қўйилиши.

3. Таълим олувчиларни 4-6 кишидан иборат микрогуруҳларга ажратиш.

4. Таълим олувчиларнинг микрогуруҳлардаги фаолиятини ташкил қилиш (микрогуруҳларни номлаш, етакчиларни ва эксперт гуруҳини аниқлаш).

5. Микрогуруҳлардаги жавоблар билан танишишини ташкил қилиш.

6. Микрогуруҳлараро мунозарани ташкил қилиш.

7. Таълим берувчининг умумлаштирувчи сўзи, унинг вазият ечими тўғрисидаги фикри.

8. Таълим олувчиларни экспертлар томонидан баҳоланиши.

9. Таълим олувчиларнинг машғулот ҳақидаги фикрлари.

10. Таълим берувчининг яқунловчи сўзи. Машғулот бўйича хулосалар чиқариш.

Кейсларни ҳал қилишда таълим берувчи таълим олувчиларни йўналтириб туриши ва улардаги фаолликни қўллаши, ҳал қилинаётган муаммога нисбатан қизиқиш уйғотиб туриши даркор.

Кейслар ўз мазмунига қараб-микрокейс, миникейс ва умумий кейсларга, мақсади бўйича тактик, стратегик кейслар каби турларга бўлинади.

Кейслардан таълим жараёнида фойдаланиш таълим олувчилар шахсида қуйидаги профессионал-педагогик зарурий сифатларни шакллантиради:

- мустақил, ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради;
- ҳаққоний бўлишига ўргатади;
- назария ва амалиёт ўртасида узвий боғлиқликни шакллантиради;
- муаммоли вазиятни янгича шакллантиришга ёрдам беради;
- вазиятларни ҳал этишда, унга таъсир этувчи омилларнинг мавжудлиги ва уларнинг таъсирини эътиборга олишга имкон беради;
- бошқалар фикрини ҳам қабул қила олиш малакасини шакллантиради;
- савол бериш маданиятини таркиб топтиради;



- қабул қилинган қарор учун масъуллик ҳиссини тарбиялайди.

Кейслардан якка тартибда, микрогуруҳларда ва сўнгра умумий гуруҳда муҳокама, ролли ўйинлар ва ҳ.к.да фойдаланиш мумкин.

Жаҳон педагогикасида кенг миқёсда самарали қўлланаётган кейслардан фойдаланиш-биринчидан, таълим олувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, иккинчидан эса, ўқув жараёнини бевосита ишлаб чиқариш билан боғлайди, Гербарт Спенсер таъкидлаганидек: “Таълимнинг буюк мақсади билим бериш эмас, балки ҳатти-ҳаракатларга ўргатишдир” Ёхуд, мавжуд таълим тизимимизда аксарият ҳолларда ўқитишдан мақсад, таълим олувчиларга билим бериш якуний натижа сифатида қаралса, жаҳон миқёсида эса, ўзлаштирилган билимларни амалда қўллаш таълимнинг якуний натижаси деб қаралишини эътироф этиш лозим. Гарвард (АҚШ) университети молиявий менежмент мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган магистрантлар ўқиш даврида, банкларда содир бўлиши мумкин бўлган 2,5 мингта кейсга жавоб топгандан сўнггина, диплом олиш ҳуқуқига эга бўлиши фикримизнинг далилидир.

Кейсларни ҳал қилишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур: асосий муаммони ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, асосий ва иккинчи даражали омилларни ажратиш, муаммони ҳал қилишнинг муқобил ечимини ҳам кўриб чиқиш, энг мақбул қарор қабул қилиш. Кейсларни ҳал қилишда ёзма усулда таҳлил қилиш, унда баён этилган муаммони янада чуқурроқ англашга ёрдам беради, ёхуд ёзма нутқ ҳам Халқаро RWCT дастурида мустақил, ижодий фикрлаш қобилиятни ривожлантиришнинг энг самарали усулларида бири бўлиб ҳисобланади. Илмий тадқиқотлар ва амалий кузатишлар педагогика, ўқитиш методикаси ва педагогик маҳорат асослари фанлари машғулотларида бу каби кейсларни ечиш, таълим олувчиларнинг фаоллигини оширибгина қолмасдан, балки, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиради ҳамда уларни бўлажак мустақил педагогик фаолиятга тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Булар эса, бозор иқтисоди

шароитида таълим самарадорлигини оширувчи асосий омиллар эканлигини таъкидлаш жойиздир.

Юқорида қайд қилинган ва бошқа интерфаол усулларни таълим жараёнига тадбиқ этиш, таълим берувчидан ижодкорлик фаолиятини, қолаверса, ўзи дарс бераётган фанни Блум таксономиясининг юқори-таҳлил, синтез, ва баҳолаш даражаларида ўзлаштирган бўлишини талаб қилади.

Бу турли вариантларда фикрлаш учун имконият яратади.

Интерфаол усулларни нотўғри қўллаш бу усуллар самарадорлигини пасайтириш ёки бу ҳақида нотўғри тушунча пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Қайси усулларни қўллашдан қаттиқ назар таълим олувчилар билимини баҳолашга холисона ёндашиш керак. Билимларни холисона, аниқ баҳолайдиган омиллар сифатида оғзаки, ёзма, тест ёрдамида назорат қилишнинг умумий шартларини таъкидлаш лозим.

Булар ичида таълим олувчиларнинг мустақил ижодий фикрлашларини ривожлантирувчи яъни очик, ёпик, мувофиқлик ҳамда кетма-кетликни аниқлаш тестларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.



## Ёпиқ тестлар

Жавоблардан бири тўғри, қолганлари тўғрига ўхшаш, бироқ нотўғри бўлади. Таклиф қилинадиган жавоблар сони иккитадан бештагача ва бундан кўпроқ бўлиши мумкин. Амалиётда бешта жавоби бўлган тестларга жавоб бериш етарли ҳисобланади. мисол: “Тўртинчи ўлчов” деган физика-математика атамаси қайси тушунчага таллуқли ?

а) оғирлик б) ҳавога в) вақтга г) тезликка

Савол характеридаги жадваллардан иборат ўхшашмага оид топшириқлар ёпиқ тестни бир варианты бўлиб ҳисобланади. Уларнинг ҳар бирида битта сўз етишмайди. Келтирилган сўз жавобларидан шу жумлани тўғри тўлдирадиган битта сўзни танлаш лозим.

Мисол: Бошқа давлатларга қарам бўлмаган давлат ----- давлат ҳисобланади: а) ягона; б) тинчликсевар. в) гуллаб-яшнаган. г) мустақил.

## Фарқларни аниқлаш учун ёпиқ тестлар

Бешта сўз берилган. Улардан тўрттаси умумий белгиси билан бирлашган. Бешинчи сўз уларга мос келмайди, уни аниқлаш керак. Фақат битта сўз ортиқча бўлиши мумкин.

Мисол:

а) бориш; б) сакраш; в) рақсга тушиш; г) ўтириш;

Тўртта сўз ҳаракат ҳолатини билдиради. “Ўтириш” сўзи эса анча тинч ҳолатни ифодалаб, бу қатордан тушиб қолади.

## Мувофиқлик тестлари

Уларнинг моҳияти бир кўп сонли элементларнинг бошқа кўп сонли элементларга мувофиқлигини аниқлаш заруриятига асосланган. Бу тестлар “мувофиқлик аниқлансин” деган иккита сўздан иборат конструкция асосида тузилиши керак.

Масалан: Билимларни ўзлаштириш ва сифатини назорат қилишнинг анъанавий усулларидаги камчиликлари:

а) баҳолашдаги субъективлик; б) имтиҳон олувчининг талаба билан мулоқатда бўла олмаслиги; в) назорат саволини тузишдаги камчиликлар; г) билимларни назорат қилиш, танлаш характериға эға эмаслиги; е) таълим берувчи вақтининг кўп сарфланиши; ж) компьютер қўллашнинг қийинлиги.

(Тўғри жавоб: а, г, е, ж)

## Кетма - кетликни тўғрилигини аниқлашға оид тестлар

Улар ҳаракатлар, муҳокамалар, ҳисоб - китобларни эгаллаш, механизмларни йиғиш ва ажратиш кетма-кетлигини текшириш учун қўлланади. Синовдан ўтаётганға тўғри кетма-кетлик аниқлансин деган йўлланма берилади.

Масалан: “Занжирнинг бир қисми учун Ом қонунини таърифланг”.

а) тўғри пропорционал; б) тесқари пропорционал. в) қаршилиқ. г) қўлланиш.

## *Биламан, билишни хохлайман, билиб олдим*

Ҳар қандай мавзуни ўтишдан аввал дафтар варағининг бир бети устун шаклида тенг учға бўлинади. Биринчи устун тепасиға “Биламан”, иккинчи устунға “Билишни истайман” ва учинчи устунға “Билдим” деб ёзиб қўйилади. Талаба биринчи ўрганилаётган мавзу бўйича ўзига маълум бўлган информацияни ёзади. У муҳоқама этилгандан сўнг гуруҳ бўлиб иккинчи устун тўлдирилади. Унға талабалар билишни истаган муаммолар ёзилади. Агар талабалар қийналса, ўқитувчи кўмаклашади. Янги мавзу ўқитувчи томонидан ўтилади. Бунда мавзу қисқа тушунтирилиб, материални мустақил ўқишға тавсия этилиши, сурилган маъруза ёки маъруза ва тажриба шаклида ўтилиши, тажриба кўрсатилиб тушунтирилиши мумкин. Янги мавзу

Ўрганилгандан сўнг учунчи устун тўлдирилиши талаб этилади Натижа гуруҳда муҳокама этилади.

<i>Биламан</i>	<i>Билишни хоҳлайман</i>	<i>Билиб олдим</i>

***“Тушунчалар таҳлили” методи.***

Жадвал кўринишида бир томонига мавзуга тегишли тушунчалар келтирилган тарқатма материал талабаларга берилади ва улардан ушбу тушунчаларни изоҳини ёзишлари сўралади.

Куйида келтирилган таянч ибораларни изоҳланг.

<b>№</b>	<b>Таянч сўзлар</b>	<b>Таърифи, изоҳи</b>
1		
2		
3		
4		
5		
6		
7		
8		
9		
10		

***“Бумеранг” технологияси.***

“Бумеранг” технологияси талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаб қолиш, сўзлаб бериш, фикрини эркин холда баён эта олиш, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлиш, ҳамда дарс мобайнида ўқитувчи томонидан барча талабаларни баҳолай олишга қаратилган.

Технологиянинг мақсади. Ўқув жараёни мобайнида тарқатилган материалларни талабалар томонидан яқка гуруҳ ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда суҳбат мунозара ва турли саволлар орқали тарқатма материаллардаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш ва баҳолаш. Ўқув жараёни мобайнида ҳар бир талаба томонидан ўз баҳо (ёки балл) ларини эгаллашга имконият яратиш.

### **Технологиянинг қўлланиши**

Амалий машғулотлар, семинар ёки лаборатория машғулотлари ҳамда суҳбат мунозара шаклидаги дарсларда яқка тартибда кичик гуруҳ ва жамоа шаклида фойдаланиши мумкин.



**Машғулотда фойдаланиладиган воситалар.** Талаба дарс жараёнида мустақил ўқишлари, ўрганишлари ва ўзлаштириб олишлари учун мўлжалланган тарқатма материаллар (ўтилган мавзу ёки янги мавзу бўйича қисқа матнлар, суратлар, маълумотлар).

### **Машғулотни ўтказиш тартиби.**


Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

- талабаларни кичик гуруҳларга ажратилади;
- талабаларни дарс (машғулот)нинг мақсади ва тартиби билан таништирилади;
- талабаларга мустақил ўрганиши учун мавзу бўйича матнлар тарқатилади;
- талабалар томонидан берилган матнларни яқка тартибда мустақил равишда ўрганилади;
- ҳар бир гуруҳ аъзоларидан янги гуруҳ ташкил этилади;
- янги гуруҳ аъзоларининг ҳар бири гуруҳ ичида навбати билан мустақил ўрганган матнлар билан ахборот алмашадилар, яъни бир-бирларига сўзлаб берадилар, матнни ўзлаштириб олишларига эришадилар;
- берилган машғулотларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш учун гуруҳ ичида ички назорат ўтказилади, яъни гуруҳ аъзолари бир – бирлари билан савол жавоб қиладилар;
- янги гуруҳ аъзолари дастлабки ҳолатдаги гуруҳларига қайтадилар;
- дарснинг қолган жараёнида талабадарнинг билимларини баҳолаш ёки тўплаган балларини ҳисоблаб бериш учун ҳар бир гуруҳда “гуруҳ ҳисобчиси” тайинланади;
- талабалар томонидан барча матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаш мақсадида ўқитувчи талабаларга саволлар билан мувожабат этадилар, оғзаки сўраб ўтказадилар;
- саволларга берилган жавоблар асосида гуруҳларни тўплаган умумий баллари аниқланади.
- ҳар бир гуруҳ аъзолари томонидан гуруҳдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган ҳолда биттадан савол тузадилар;
- гуруҳлар томонидан тайёрланган саволларни ўзаро алмашадилар (“гуруҳ ҳисобчилари” берилган берилган жавоблар бўйича балларни ҳисоблаб борадилар);
- гуруҳ аъзолари томонидан тўпланган умумий баллар йиғиндиси аниқланади;
- гуруҳлар тўплаган умумий балларни гуруҳ аъзолари ўртасида тенг тақсимлайдилар;
- машғулот якунлаш, уйга вазифа бериш.

## “Балиқ скелети” методи



## “Венн диаграммаси” методи.



Хулоса : Боғлиқлик

Ушбу стратегия ўқувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизда мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларни ҳосил қилишга йўналтирилади.

Стратегия ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий, маълумотлар ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради, 2 ва 3 жиҳатларни ҳамда умумий томонларини солиштириш ёки таққослаш ёки карама-қарши қўйиш учун қўлланилади. Тизимли фикрлаш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Ушбу стратегиядан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишга фойдаланиш янада самаралидир.

Стратегияни қўллаш босқичлари қуйидагилардан иборат:

1-босқич. “Венн диаграммаси” тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида кичик гуруҳларда диаграмма Веннани тузадилар ва кесишмайдиган жойларни (х) тўлдирадилар.

2-босқич. Жуфтликларга бирлашадилар, ўзларининг диаграммаларини таққослайдилар ва тўлдирадилар.

3-босқич. Доираларни кесишувчи жойида, икки/уч доиралар учун умумий бўлган, маълумотлар рўйхатини тузади.

## “Чархпалак” технологияси.

Ушбу технология талаба ёки ўқувчиларни ўтилган мавзуларини ёдга олишга, мантиқан фикрлаб берилган саволларга мустақил равишда тўғри жавоб беришга ва ўз –ўзини баҳолашга ўргатишга ҳамда қисқа вақт ичида ўқитувчи томонидан барча талаба ёки ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини баҳолашга қаратилган.

Технологиянинг мақсади:

Машғулотда талаба ёки ўқувчиларнинг дарс жараёнида мантиқий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларини



баҳолаш, якка ва гуруҳларда ишлашда бошқалар фикрига хурмат билан карашга, кўп фикрлардан кераклисини танлаб олишга ўргатади.

Ушбу технология ўқув машғулотларининг барча турларида, дарс бошланиши ёки дарс охирида ёки бирор бир бўлим тугалланганда ўтилган материални баҳолаш ёки такрорлашга мўлжалланган. Чархпалак технологияси бўйича талабаларга ўтилган мавзу бўйича жадвал кўринишидаги тарқатма материал берилади ва уни тўлдириш вазифаси юклатилади. Жадвал мавзуга мос равишда ўқитувчи томонидан тузилади.

Технология ва педагогик технология тушунчалари	Таълим – методи	Таълим технологияси	Таълим методикаси	Технология	Педагогик технология	Жараён	Педагогик жараён
				*			
	*						
				*			
		*					
			*				

**“Чалкаштирилган мантикий занжирлар кетма-кетлиги” методи.**

5. Қисқа таърифлар келтирилга тарқатма материаллар тарқатилади.
6. Талабалар таърифларни диққат билан ўқиб чиқадиладар.
7. Таърифлар қайси босқичларга тегишли эканлигини аниқлайдилар.
8. Босқичлар номи аниқлангач, уларни кетма-кетликда жойлаштириш вазифаси топширилади.

Ўқитувчи ўқитиш методларига мутахассисларнинг қарашларини доскага чалкаштирилган холда ёзиб қўйилади. Мазкур шаклларнинг қайси гуруҳига киришига қараб, берилган жадвалларни тўлдириш.

Бўлим номи	Бўлим номи	Бўлим номи
Билим →		
	Кўникма →	
←	←←←←←←←←←←←←←←←←	←←←←←Малака

## *«Резюме» технологияси*

«Резюме» технологияси умумий мавзунинг айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг, ҳар бир қатнашувчининг, гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

«Резюме» технологияси мавзуси ўрганишнинг турли босқичларида қўлланилиши мумкин:

- бошида: ўз билимларини эркин фаоллаштириш;
- мавзунинг ўрганиш жараёнида: унинг асосларини чуқур фаҳмлаш ва англаб етиш;

- якунлаш босқичида: олинган билимларни тартибга солиш.

Асосий тушунчалар қуйидагилар:

Аспект (нуқтаи назар) билан предмет, ходиса, тушунча текширилади.

Афзаллик – бирор нарса билан қиёслангандаги устунлик, имтиёз.

Фазилат – ижобий сифат.

Нуқсон – номукамаллик, қоидаларга, мезонларга номувофиқлик.

Хулоса – муайян фикрга, мантиқий қоидалар бўйича далилдан натижага келиш.

Таълимдан ташқари «Резюме» технологияси тарбиявий характеридаги катор вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

- жамоа, гуруҳларда ишлаш маҳорати;
- муаммолар, вазиятларни турли нуқтаи назардан муҳокама қилиш маҳорати;

- муросали қарорлари топа олиш маҳорати;

- ўзгалар фикрига хурмат;

- хушмуамаллик;

- ишга ижодий ёндашиш;

- фаоллик;

- муаммога диққатини жамлай олиш маҳорати.


<b>Мавзу</b>			
<b>Усул, тур, гуруҳ, омил</b>		<b>Усул, тур, гуруҳ, омил</b>	
<b>Афзалликлари</b>	<b>Камчиликлари</b>	<b>Афзалликлари</b>	<b>Камчиликлари</b>
<b>1.</b>	<b>1.</b>	<b>1.</b>	<b>1.</b>
<b>2.</b>	<b>2.</b>	<b>2.</b>	<b>2.</b>
<b>3.</b>	<b>3.</b>	<b>3.</b>	<b>3.</b>
<b>4.</b>	<b>4.</b>	<b>4.</b>	<b>4.</b>
<b>5.</b>	<b>5.</b>	<b>5.</b>	<b>5.</b>
<b>6.</b>	<b>6.</b>	<b>6.</b>	<b>6.</b>
<b>Хулоса:</b>			

**3-илова**

**“Кластер” методини амалга ошириш босқичлари:**

1. Топшириқни диққат билан ўқиб чиқинг.
2. Фикрни тармоқланиш жараёнида пайдо бўлган ҳар бир фикрни ёзинг.
3. Имло хатолар ва бошқа жиҳатларга эътибор берманг.
4. Белгиланган вақтдан унумли фойдаланишга ва фикрингизни жамлашга ҳаракат қилинг.
5. Ҳар бир тармоқда талаб қилинаётган тушунчаларга мумкин қадар тўлароқ жавоб беришга ҳаракат қилинг.
6. Жавобларни ёзишда фақат ўз билимларингизга таянган ҳолда иш юритинг.

**“Муаммоли ўқитиш, муаммоли вазият” мавзуларига  
“Кластер” тузинг !**




### “Синквейн” методини амалга ошириш bosқичлари:

1. Ўқитувчи талабаларга мавзуга оид тушунча, жараён ёки ҳодиса номини беради.
2. Талабалардан улар ҳақидаги фикрларини қисқа кўринишда ифодалашлари сўралади. Яъни, шеърга ўхшатиб 5 қатор маълумотлар ёзишлари керак бўлади. У қуйидаги қоидага асосан тузилиши керак:
  - 1-қаторда мавзу бир сўз билан (одатда от билан) ифодаланади.
  - 2-қаторда мавзуга жуда мос келадиган иккита сифат берилади.
  - 3-қаторда мавзу 3та ҳаракатни билдирувчи феъл билан фойдаланилади.
  - 4-қаторда темага доир муҳокама этувчиларнинг ҳиссиётини ифодаловчи жумла тузилади. У тўрт сўздан иборат бўлади.
  - 5-қаторда мавзунинг моҳиятини ифодаловчи битта сўз берилади. У мавзунинг синоними бўлади.

## Ушбу сўзларга “Синквейн” методини қўлланг !

Муаммо, вазият, машаққат, масала, программа, алгоритм, дифференция, назария, факт, тасодиф, йиғинди, сатх, мантиқ, таҳлил, тадқиқот, негиз, дидактика, тамойил, фикр, тўсик, изланиш, кафолат, вазифа, тушунча, зиддият, моҳият.



**4-илова**

### ***Биламан, билишни хохлайман, билиб олдим***

Ҳар қандай мавзунини ўқишдан аввал дафтар варағининг бир бети устун шаклида тенг учга бўлинади. Биринчи устун тепасига “Биламан”, иккинчи устунга “Билишни истайман” ва учинчи устунга “Билдим” деб ёзиб қўйилади. Талаба биринчи ўрганилаётган мавзу бўйича ўзига маълум бўлган информацияни ёзади. У муҳокама этилгандан сўнг гуруҳ бўлиб иккинчи устун тўлдирилади. Унга талабалар билишни истаган муаммолар ёзилади. Агар талабалар қийналса, ўқитувчи кўмаклашади. Янги мавзу ўқитувчи томонидан ўтилади. Бунда мавзу қисқа тушунтирилиб, материални мустақил ўқишга тавсия этилиши, сурилган маъруза ёки маъруза ва тажриба шаклида ўтилиши, тажриба кўрсатилиб тушунтирилиши мумкин. Янги мавзу

ўрганилгандан сўнг учунчи устун тўлдирилиши талаб этилади Натижа гуруҳда муҳокама этилади.


<b>Муаммоли вазият ва унинг белгилари</b>		
<i>Биламан</i>	<i>Билишни хоҳлайман</i>	<i>Билиб олдим</i>

**5-илова**

**“Кластер” методини амалга ошириш босқичлари:**

1. Топшириқни диққат билан ўқиб чиқинг.
2. Фикрни тармоқланиш жараёнида пайдо бўлган ҳар бир фикрни ёзинг.
3. Имло хатолар ва бошқа жиҳатларга эътибор берманг.
4. Белгиланган вақтдан унумли фойдаланишга ва фикрингизни жамлашга ҳаракат қилинг.
5. Ҳар бир тармоқда талаб қилинаётган тушунчаларга мумкин қадар тўлароқ жавоб беришга ҳаракат қилинг.
6. Жавобларни ёзишда фақат ўз билимларингизга таянган ҳолда иш юритинг.

**“Ўйинли ўқитиш технологияси” мавзусига  
“Кластер” тузинг !**



**6-илова**

## **ФСМУ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

### **ТРЕНИНГ ХАҚИДА ТУШУНЧА.**

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс - мунозаралар ўтказиш ёки ўқув - семинари якунида (тингловчиларнинг ўқув-семинари ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида), ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларини ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фиклаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан каторда ўқитувчи талабаларни, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, кай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргади.

## **МАҚСАД.**

Ушбу технология тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

## **ЎТКАЗИЛИШ ТАРТИБИ:**

**1.** Ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади.

- Ф-фикрингизни баён этинг
- С-фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг
- М-кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг
- У-фикрингизни умумлаштиринг

**2.** Тингловчилар билан баҳс мавзусини ёки муаммони белгилаб олинг.

**3.** Кичик гуруҳларга бўлинг ва уларга ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатинг.

**4.** Кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардаги фикр ва далилларини катта форматдаги умумлаштирган ҳолда 4 та босқич бўйича ёзишларини таклиф этинг.

**5.** Кичик гуруҳлардан ёзган фикрларини ўқиб химоя қилишларини сўранг.

Тренер - ўқитувчи томонидан муаммо бўйича фикрлар умумлаштирилади

## **Ўйинли ўқитиш технологияси мавзусига “ФСМУ”**

<b>ФИКР</b>	- Меҳнат ва ўқиш билан бир қаторда ўйин ҳам инсон фаолиятининг энг асосий турларидан биридир ва таълим тарбия соҳасида фаолиятнинг бир тури ҳисобланади.
<b>САБАБ</b>	-Ўйин структураси ўз ичига мақсадларни қўйиш, режалаштириш, амалга ошириш (мақсадни), натижани таҳлил қилиш босқичларини олади.
<b>МИСОЛ</b>	-Бу фаолиятнинг ижодий, кўпроқ инпровизацион, фаол характерлиги.
<b>УМУМЛАШТИРИШ</b>	-Ўйинли фаолиятнинг мотивацияси энг эҳтиёрийлиги, танлаш имконияти ва мусобақа элементларининг борлиги, эҳтиёжларни қондириш, ўзини англаш ва ўзинисафарбар қилиш билан таъминланади.



## 8-мавзу: Ўқитишни интенсивлаш технологияларини ўрганиш.

(ажратилган соат – 2 соат)

### мавзусидаги 8-амалий машғулот ўтказиш учун услубий ишланма (ажратилган соат – 2 соат)

#### Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

#### Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. - Т., 2001
2. Фарберман Б. Л. Ил гор педагогик технологиялар. Т.: «ФАН», 2000 йил
3. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г, Жумабоева Ф. А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. - Т., 2002
4. Махкамова М., Косимова З. Янги педагогик технологиялар (ўқув қўлланма). - Т.,. 2009
5. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). - Т.: "Молия", 2003.
6. Голиш Л.В. Замонавий таълим технологиялари: мазмун, лойихалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. -Т.: ТАСИС, 2001
7. Голиш Л.В.Таълим шакллари: мазмун, лойи^алаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. - Т.: ТАСИС, 2001
8. Султонов ва бошк.. Янги педагогик технология асослари (интерфаол дарслар). - Т., 2007

#### Ушбу мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш методикаси қуйидагича бўлади:

Вақти: 2 соат	Талабалар сони: 26 та
<b>Машғулот шакли</b>	Ўқитишни интенсивлаш технологиялари бўйича эгалланган назарий билимларни мустахкамлаш ва чуқурлаштириш
<b>Мавзу режаси</b>	1. Ўқитишни интенсивлаш технологияларини ўрганиш. 2. Ўқиш технологияси . 3. Муалифлик технологияси.

<b>Машғулотнинг мақсади:</b>	Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш
<b>Педагогик вазифалар</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари</b>
1. Мавзуни мустақил ўрганиш учун асос яратиш; 2. Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқур ўзлаштириш; 3. Интерфаол методларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш; 4. Талабаларни мустақил фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатиш.	1. Амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради; 2. Ўқитишни интенсивлаш технологиялари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади; 3. Ўқиш технологияси бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади; 4. Муалифлик технологияси бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади.
<b>Ўқитиш усуллари</b>	<b>Амалий мазмундаги топшириқлар, “Савол-жавоб”, “Кичик гуруҳларда ишлаш” методи.</b>
<b>Ўқитиш воситалари</b>	<b>Дарслик, маъруза матни, маркерлар, қоғозлар, тарқатма материаллар</b>
<b>Ўқитиш шакллари</b>	<b>Якка тарзда ва жамоада ишлаш</b>
<b>Ўқитиш шарт-шароити</b>	<b>Техник воситалар билан таъминланган ва кичик гуруҳлар билан ҳам ишлаш мумкин бўлган ўқув хонаси</b>
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	<b>Оғзаки назорат, савол-жавоб, тест саволлари</b>

### Амалий машғулотнинг технологик харитаси

<b>Фаолият босқичлари</b>	<b>Фаолиятнинг мезони</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>I. Кириш босқичи. (10 минут)</b>	1. Амалий машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари эълон қилинади	Тинглайдилар
	2. Машғулотни турли методлар асосида амалга ошириш тушунтирилади.	Тинглайдилар
<b>II. Асосий босқич (60 минут)</b>	1. Талабаларни машғулот жараёнидаги фаоллигини ошириш мақсадида “Кичик гуруҳларда ишлаш” усули тартиб қоидалари билан таништиради <b>(1-илова)</b>	Тинглайдилар ва топширикни бажарадилар
	2. “Кичик гуруҳлар” ни ташкил этади <b>(2-илова)</b>	Кичик гуруҳларга бўлинадилар.

	<p>3. Биринчи гуруҳга топшириқ беради <b>(3-илова)</b>.</p> <p>4. Иккинчи гуруҳга топшириқ беради <b>(4-илова)</b>.</p> <p>5. Учинчи гуруҳга топшириқ беради <b>(5-илова)</b>.</p> <p>6. Тўртинчи гуруҳга топшириқ беради <b>(6-илова)</b>.</p> <p>7. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Топшириқни бажариш жараёнида йўл қўйилган хато-камчиликларни изоҳлаб тушунтириб беради ва талабалар фаолиятини баҳолайди.</p> <p>8. Натижаларни текширади, гуруҳларга топшириқларни бажариши учун ёрдам беради ва талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, ҳамда диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади.</p> <p>9. Талабалар билимини назорат қилиш асосида уларни баҳолайди.</p>	<p>Тинглайдилар ва топшириқни бажарадилар</p> <p>Тинглайдилар ва топшириқни бажарадилар</p> <p>Тинглайди, мунозарада фаол иштирок этади.</p>
<b>III. Якуний босқич (10 минут)</b>	1. Ишга яқун ясайди. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.	Эшитади
	2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради.	Ёзадилар

## 1-илова

### “Кичик гуруҳларда ишлаш” методи

#### *Кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиши:*

- ўқувчи талабаларни ҳамкорликда ишлашга, билиш жараёни фоллаштиришга, уларда каммуникабельлик, киришимлилик, бошқаларнинг фикрини эшитишни ўргатади;
- берилган топшириқни биргаликда бажариш жараёнида ўртоқлари томонидан билдирилган фикрларни муҳокама қилишга мойиллик пайдо бўлади;
- саволларни аниқ шакиллантиришни, берадиган жавобларни асослаб беришни ўрганадилар;
- таълим олувчининг потенциал имкониятларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради.
- Билмаганларини сўраб ўрганиш имконияти яратилади. Таълим олувчилар билимини ўзаро ҳамкорликда бойишини таъминлайди

- Тортинчоқ талабалар ўз билимлари, махоротларини намоён қилиш имкониятига эга бўладилар;
- Қобилиятли, иқтидорли ўқувчи – талабалар ўз қобилиятларини намоён қилиш, бошқаларга ёрдам бериш, уларга ўргатишлари ва улардан ҳам нимадир ўрганишлари мумкин.

***Кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш самараси бўлиши учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш зарур;***

Дарс материални ўзлаштириш жараёнида талабалар жамоа бўлиб ишлаши керак.


1. Хар бир гуруҳда албатта аълочилар бўлиши, кичик гуруҳ таркиби аралаш бўлгани (қизлар, йигитлар) маъқул.
2. Бутун гуруҳ ва алоҳида талабани тақдирлаш тизими кўзда тутилган бўлиши лозим.

***Кичик гуруҳ аъзоларининг мажбуриятлари:***

- Кичик гуруҳнинг хар бир аъзоси:
- ўртоқларининг фикрини диққат билан эшитиш;
- гуруҳ ишида фаол қатнашиш ва хамкорликда ишлашдан бўйин тортмаслиги керак;
- зарурат бўлганда ёрдам сўраши
- ундан ёрдам сўрашганда, бошқаларга ўз ёрдамини бериш;
- гуруҳ ишининг натижаларини баҳолашда иштирок этиши;
- ўзининг раини яхши тушуниш ва бажариш;
- топшириқнибажаришда, аниқ вазифаларини билиш керак.

***“Кичик гуруҳларда ишлаш ” методнинг босқичлари қуйидагилардан иборат:***

- Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
- Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари керак.
- Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга кирашидалар
- Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
- Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар
- Бажарилган топшириқлар муҳокама ва тахлил қилинади.
- Кичик гуруҳлар баҳоланади.

**1-гурухга топширик:**

1. Ўқитишни интенсивлаш технологиялари хақида тушунча беринг.
2. “Белги” сўзига “Синквейн” тузинг.
3. “Ўқиш технологияси” мавзусига 5 та тест саволлари тузинг.

**2-гурухга топширик:**

1. Ўқиш технологияси хақида тушунча беринг.
2. “Символ” сўзига “Синквейн” тузинг.

3. “Ўқитишни интенсивлаш технологияларини ўрганиш” мавзусига 5 та тест саволлари тузинг.

**5-илова**

**3-гуруҳга топшириқ:**

1. Ўқитишни интенсивлаш технологиялари хақида тушунча беринг.
2. “Компонент” сўзига “Синквейн” тузинг.
3. “Ўқиш технологияси” мавзусига 5 та тест саволлари тузинг.

**6-илова**

**4-гуруҳга топшириқ:**

1. Ўқиш технологияси хақида тушунча беринг.
2. “Мақсад” сўзига “Синквейн” тузинг.
3. “Ўқитишни интенсивлаш технологияларини ўрганиш” мавзусига 5 та тест саволлари тузинг.

## 9-мавзу: Ўқитишнинг комплекс методларини.

(ажратилган соат – 2 соат)

мавзусидаги  
**9-амалий машғулот**  
ўтказиш учун услубий ишланма  
(ажратилган соат – 2 соат)

### Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

### Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. - Т., 2001
2. Фарберман Б. Л. Ил гор педагогик технологиялар. Т.: «ФАН», 2000 йил
3. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г, Жумабоева Ф. А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. - Т., 2002
4. Махкамова М., Қосимова З. Янги педагогик технологиялар (ўқув қўлланма). - Т.,. 2009
5. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). - Т.: "Молия", 2003.
6. Голиш Л.В. Замонавий таълим технологиялари: мазмун, лойихалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. -Т.: ТАСИС, 2001
7. Голиш Л.В.Таълим шакллари: мазмун, лойихалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. - Т.: ТАСИС, 2001
8. Султонов ва бошк.. Янги педагогик технология асослари (интерфаол дарслар). - Т., 2007

### Ушбу мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш методикаси қуйидагича бўлади:

Вақти: 2 соат	Талабалар сони: 26 та
<b>Машғулот шакли</b>	Ўқитишнинг комплекс методлари бўйича эгалланган назарий билимларни мустахкамлаш ва чуқурлаштириш
<b>Мавзу режаси</b>	1. Ўқитиш методлари. 2. Ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш методлари.

<b>Машғулотнинг мақсади:</b>	Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш
<b>Педагогик вазифалар</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари</b>
1. Мавзунини мустақил ўрганиш учун асос яратиш; 2. Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқур ўзлаштириш; 3. Интерфаол методларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш; 4. Талабаларни мустақил фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатиш.	1. Амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради; 2. Ўқитиш методлари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади; 3. Ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш методлари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади.
<b>Ўқитиш усуллари</b>	Амалий мазмундаги топшириқлар, “Савол-жавоб”, “Техник диктант”, “Чархпалак”, “Чалкаштирилган мантикий занжирлар кетма-кетлиги”, “Резюме”, “Кластер” методи.
<b>Ўқитиш воситалари</b>	Дарслик, маъруза матни, маркерлар, қоғозлар, тарқатма материаллар
<b>Ўқитиш шакллари</b>	Якка тарзда ва жамоада ишлаш
<b>Ўқитиш шарт-шароити</b>	Техник воситалар билан таъминланган ва кичик гуруҳлар билан ҳам ишлаш мумкин бўлган ўқув хонаси
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, тест саволлари

### Амалий машғулотнинг технологик харитаси

<b>Фаолият босқичлари</b>	<b>Фаолиятнинг мезони</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>I. Кириш босқичи. (10 минут)</b>	1. Амалий машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари эълон қилинади	Тинглайдилар
	2. Машғулотни турли методлар асосида амалга ошириш тушунтирилади.	Тинглайдилар
<b>II. Асосий босқич (60 минут)</b>	1. Талабаларни машғулот жараёнидаги фаоллигини ошириш мақсадида “Савол-жавоб” усули орқали савол жавоб ўтказилади ( <b>1-илова</b> )	Саволларга тезкорлик билан жавоб қайтаради
	2. “Ўқитиш методлари” мавзусига “Техник диктант” методини тузиш	“Техник диктант” методини тузадилар.



	<p>таклиф этилади. (2-илова)</p> <p>3. “Ўқитиш методлари” мавзуси “Энг асосланган ўқитиш методлари” га “Чархпалак” методини тузиш таклиф этилади. (3-илова)</p> <p>4. “Ўқитиш методлари” мавзуси “Ўқитувчи ўқитиш методларига мутахассисларнинг қарашлари” га “Чалкаштирилган мантикий занжирлар кетма-кетлиги” методини тузиш таклиф этилади. (4-илова).</p> <p>5. “Ўқитишнинг оғзаки ва кўрғазмали усуллари” мавзуси бўйича “Резюме” методини тузиш таклиф этилади. (5-илова).</p> <p>6. “Ўқитишнинг комплекс методларини ўрганиш” мавзуси бўйича “Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив усуллари”, “Ўқитишнинг репродуктив ва амалий изланиш усуллари”, мавзуларига “Кластер” методини тузиш таклиф этилади (6-илова).</p> <p>7. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Топшириқни бажариш жараёнида йўл қўйилган хато-камчиликларни изоҳлаб тушунтириб беради ва талабалар фаолиятини баҳолайди.</p> <p>8. Натижаларни текширади, гуруҳларга топшириқларни бажариши учун ёрдам беради ва талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, ҳамда диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади.</p> <p>9. Талабалар билимини назорат қилиш асосида уларни баҳолайди.</p>	<p>“Чархпалак” методини тузадилар.</p> <p>“Чалкаштирилган мантикий занжирлар кетма-кетлиги” методини тузадилар.</p> <p>“Резюме” методини тузадилар.</p> <p>“Кластер” методини тузадилар.</p> <p>Тинглайдилар ва топшириқни бажарадилар</p> <p>Тинглайдилар ва фаол иштирок этадилар.</p> <p>Тинглайдилар ва фаол иштирок этадилар.</p>
<p><b>III. Якуний босқич (10 минут)</b></p>	<p>1. Ишга яқун ясайди. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.</p>	<p>Эшитади</p>
	<p>2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради.</p>	<p>Ёзадилар</p>

**“Савол-жавоб” усулига саволлар намунаси**

1. Ўқитиш усули нима ?
2. Ўқитишнинг оғзаки усуллари ва унинг қандай турларини биласиз ?
3. Ўқитишнинг кўргазмали усулини айтиб беринг.
4. Ўқитишнинг репродуктив ва амалий изланиш усулини айтиб беринг.
5. Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив усуллари нима?

**Техник диктант**

Техникага оид матндаги айрим сўзлар, формула ёки бирор фикр тушириб қолдирилиб айтиб берилади. Таълим олувчилар эса, ҳар бир бўш қолган жойга оид жавобларни ўзлари топиб ёзиб борадилар. Техник диктантни барча фанлардан қўллаш тавсия этилади, масалан: механиканинг ҳаракатларни юзага келтирувчи ташқи таъсирларга боғлаб ўрганувчи бўлими \_\_ дейилади. Уни кузатиш ва тажрибалар асосида инглиз физиги \_\_ очган ва \_\_ та қонунни яратган. Динамиканинг асосий вазифаси ҳаракатни юзага келтирувчи \_\_ларни аниқлашдан иборат. Ҳозирги замон космонавтикасида \_\_ кемалар ўрнини, \_\_ни аниқлашни \_\_қонунларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Юқорида қайд қилинган ва бошқа интерфаол усуллардан ўқув жараёнида фойдаланиш таълим олувчилардан ижодкорлик фаолиятини, қолаверса, бу ишларни Блум таксономияси даражаларида ўзлаштирган бўлишини талаб қилади. Интерфаол усулларни нотўғри қўллаш бу усуллар самарадорлигини пасайтириш ёки бу ҳақида нотўғри тушунча пайдо бўлишига сабаб бўлади. Ўзига ишончни шакллантирмасдан мустақил фикрлашни вужудга кел-тириш мумкин эмас. Шу билан бирга ўзига ишончни англаш мустақил фикр-лашни тақозо қилади. Ҳар бир таълим олувчи ўз фикрининг аҳамиятлигига ишонч ҳосил қилувчи ахборот олиш учун ҳаракат қилиши зарур. Акс ҳолда, у машғулотларда ўзини суст тутати ва мустақил фикрлай олмайди.

Таълим олувчи ўқув жараёнида фаол иштирок этсагина, ундан жуда кат-та мамнуният ва юқори даражада мулоҳаза қила олганини ҳис этади. Таълим берувчининг саволлари мустақил фикрлашни ривожлантиришда муҳим ҳисоб-ланиб, таълим олувчилар билиш қобилиятларини бошқариш воситасидир. Ўқув жараёнини саволлар ёрдамида бошқариш кўникмаси, таълим берувчининг ме-тодик маҳоратини муҳим таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Ижодий фикр-лаш, ахборотларни эслаб қолиш ва сўзлаб беришга оид фанталогик саволлар берилишини деярли назарда тутмайди. Масалан, термодинамиканинг иккинчи қонунини айтиб беринг, газ қонунларини ким яратган. Бу жараён бундай саволларсиз кечмайди, лекин улар ниҳоятда кўп берилмаслиги керак. Таж-рибали таълим берувчи ўзининг фаоллаштирувчи саволлари билан ижодий, фикрлашни ривожлантириш, таълим олувчиларни мулоҳаза қилишга ундовчи умумлаштириш, таққослаш, ўхшашлик, фарқларни англаш, хулоса ва тақлиф-ларни мукамал

шакллантириш учун муайян шароит яратади. Бундай ҳолларда уларнинг фикрлаш даражаси кўтарилади, улар умумий тушуниш ва тасаввурни ривожланишига ўз ҳиссасини қўша олишини ҳис этадилар. Қуйида ушбу фаол-лаштирувчи саволларни келтирамиз:

***даъват босқичида:***

- “Ўқув мавзусига оид қандай маълумотларни биласиз?”
- “Бу тўғрисида сиз олдиндан нималарни биласиз?”
- “Буни сизга нима аҳамияти бор?”
- “Нимани тушунмадингиз, лекин уни билишни хоҳлайсизми?”
- Берилган мавзунинг бажариб бўлгандан сўнг:
- “Сиз нимани англадингиз?”
- “Бу сизда қандай сезгиларни пайдо қилди?”
- “Бу материалда қайси саволлар жавобсиз қолган?”
- “Сизни бирор таклифингиз борми?”

***англаш босқичида:***

- “Бу материалдан сиз қандай янги маълумот олдингиз?”
- “Бу тўғрида сизнинг фикрингиз қандай?”
- “Бунинг аҳамияти нимада?”
- “Сизда нима чуқурроқ таассурот қолдирди?”
- “Буни сизнинг тажрибангизга алоқаси борми?”
- “Бу яхшими ёки ёмонми?”

***мулоҳаза қилиш босқичида:***

- “Мени бу ҳақдаги фикрим қандай?”
- “Бундан биз қандай хулосаларга келишимиз мумкин?”
- “Бу ахборот менинг билганларим билан қандай боғланишга эга?”
- “Бу ғоялар таъсирида менинг қарашларим қандай ўзгаради?”

***ўз таассуротларини қайта қуришда:***

- “Биз бундан қандай хулосага келишимиз мумкин?”
- “Биз бу билимларни қаерда қўллашимиз мумкин?”
- “Нимани қўшиш ёки чиқариб ташлаш мумкин?”
- “Ютуқ ва камчиликлар нимада деб биласиз?”
- “Ўхшаш фикрларни ҳам кўриб чиқдингизми?”
- “Қандай таклифларингиз бор?”

1. «.....» “ўқитишнинг мақсади-мазмунини-методи-шакли-усуллари” тизимида муҳим ўрин эгаллайди.
2. «.....» - методнинг унсури бўлиб, унинг таркибий қисми, методни амалга оширишда бир мартагина қўлланади ва алоҳида қадам ҳисобланади.

3. «.....» деганда таълимда мақсадга эришиш, масалаларини хал қилиш йўллари, усуллари тушунилади.
4. «.....» мураккаб, кўп қиррали, кўп сифатларга эга бўлган таълимдир.
5. «.....» бу муаян белгилар асосида тартибга солинган тизимдир.
6. «.....» педагог шахси, таълим олувчиларнинг ўзига хослигига ва конкрет шароитга боғлиқ бўлади.

**3-илова**

### **“Чархпалак” технологияси**

Ушбу технология талаба ёки ўқувчиларни ўтилган мавзуларини ёдга олишга, мантиқан фикрлаб берилган саволларга мустақил равишда тўғри жавоб беришга ва ўз –ўзини баҳолашга ўргатишга ҳамда қисқа вақт ичида ўқитувчи томонидан барча талаба ёки ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини баҳолашга қаратилган.

Технологиянинг мақсади:

Машғулотда талаба ёки ўқувчиларнинг дарс жараёнида мантиқий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларини баҳолаш, яққа ва гуруҳларда ишлашда бошқалар фикрига хурмат билан қарашга, кўп фикрлардан кераклисини танлаб олишга ўргатади.

Ушбу технология ўқув машғулотларининг барча турларида, дарс бошланиши ёки дарс охирида ёки бирор бир бўлим тугалланганда ўтилган материални баҳолаш ёки такрорлашга мўлжалланган. Чархпалак технологияси бўйича талабаларга ўтилган мавзу бўйича жадвал кўринишидаги тарқатма материал берилади ва уни тўлдириш вазифаси юклатилади. Жадвал мавзуга мос равишда ўқитувчи томонидан тузилади.

**Энг асосланган ўқитиш методлари**

	Анъанавий методлар	Идрок этиш-билиш фаолияти характериға кўра методлар	Дидактик мақсади бўйича	Мақсадиға кўра методлар	Кўш ва кўп қиррали методлар
Билимларни эгаллаш, малака ва кўникмаларни шакллантириш, билимларни қўллаш, ижодий фаолият, мустаҳкамлаш методлари, билим, малака ва кўникмаларни текшириш методлари.				*	
М.И. Махмутовнинг бинар тизими дарс бериш методи ва ўргатиш методи мажмуидан иборат.					*
Илк бор билимларни ўзлаштириш методлари, эгаллаган билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш методлари.			*		
Тушунтириш, иллюстратив (ахборот-рецептив), репродуктив метод, муаммоли баён қилиш методи, қисман ижодий (эвристик) метод, тадқиқий метод.		*			
Амалий, кўрғазмали, ифодали, китоб билан ишлаш, видео методлар.	*				

**“Чалкаштирилган мантикий занжирлар кетма-кетлиги” методи.**

1. Қисқа таърифлар келтирилга тарқатма материаллар тарқатилади.
2. Талабалар таърифларни диққат билан ўқиб чиқадиладар.
3. Таърифлар қайси босқичларга тегишли эканлигини аниқлайдилар.
4. Босқичлар номи аниқлангач, уларни кетма-кетликда жойлаштириш вазифаси топширилади.

Ўқитувчи ўқитиш методларига мутахассисларнинг қарашларини доскага чалкаштирилган холда ёзиб қўйилади. Мазкур шаклларнинг қайси гуруҳига киришига қараб, берилган жадвалларни тўлдирилинг.

Ахборот бериш-баён қилиш	Репродуктив	Фронтал
Ижро этиш	Ҳикоя	Тушунтириш ишонтириш
Лекция	Гуруҳ	Қисман ижодий
Индивидуал	Кўрсатма бериш	Коллектив
Сухбат	Продуктив амалий	Ишонтириш
Тушунтириш	Намойиш қилиш	Ижодий

**Ўқитиш методлари (М.И. Махмутов)**

<b>Дарс бериш методи</b>	<b>Ўрганиш методи</b>

**Ўқитиш методлари (Л. Клинберг)**

<b>Монологик методлар</b>	<b>Ҳамкорлик шакллари</b>	<b>Диалогик методлар</b>

### «Резюме» технологияси

«Резюме» технологияси умумий мавзунинг айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг, ҳар бир қатнашувчининг, гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

«Резюме» технологияси мавзуси ўрганишнинг турли босқичларида қўлланилиши мумкин:

- бошида: ўз билимларини эркин фаоллаштириш;
- мавзунинг ўрганиш жараёнида: унинг асосларини чуқур фаҳмлаш ва англаб етиш;
- якунлаш босқичида: олинган билимларни тартибга солиш.

Асосий тушунчалар қуйидагилар:

Аспект (нуқтаи назар) билан предмет, ходиса, тушунча текширилади.

Афзаллик – бирор нарса билан қиёслангандаги устунлик, имтиёз.

Фазилат – ижобий сифат.

Нуқсон – номукамаллик, қоидаларга, мезонларга номувофиқлик.

Хулоса – муайян фикрга, мантииқий қоидалар бўйича далилдан натижага келиш.

Таълимдан ташқари «Резюме» технологияси тарбиявий характеридаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

- жамоа, гуруҳларда ишлаш маҳорати;
- муаммолар, вазиятларни турли нуқтаи назардан муҳокама қилиш маҳорати;
- мурасали қарорлари топа олиш маҳорати;
- ўзгалар фикрига хурмат;
- хушмуамалалик;
- ишга ижодий ёндашиш;
- фаоллик;
- муаммога диққатини жамлай олиш маҳорати.

**Ўқитишнинг оғзаки ва кўргазмали усуллари мавзуси бўйича “Резюме”  
методини тузиинг.**

<b>Ўқитишнинг оғзаки ва кўргазмали усуллари</b>			
<b>Ўқитишнинг оғзаки усуллари</b>		<b>Ўқитишнинг кўргазмали усуллари</b>	
<b>Афзалликлари</b>	<b>Камчиликлари</b>	<b>Афзалликлари</b>	<b>Камчиликлари</b>
<b>1.</b>	<b>1.</b>	<b>1.</b>	<b>1.</b>
<b>2.</b>	<b>2.</b>	<b>2.</b>	<b>2.</b>
<b>3.</b>	<b>3.</b>	<b>3.</b>	<b>3.</b>
<b>4.</b>	<b>4.</b>	<b>4.</b>	<b>4.</b>
<b>5.</b>	<b>5.</b>	<b>5.</b>	<b>5.</b>
<b>6.</b>	<b>6.</b>	<b>6.</b>	<b>6.</b>
<b>Хулоса:</b>			

**6-илова**

**“Кластер” методи**

Кластер (ғунча, боғлам) методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у ўқувчиларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эрки, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларни баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. “Кластер” методи аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг иши билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг ўқувчилар томонидан



чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Стил ва Стил ғоясига мувофиқ ишлаб чиқилган “Кластер” методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан ўқувчилар билан яқка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Метод гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда ўқувчилар томонидан билдирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзида намоён бўлади. Бу эса илгари сурилган ғояларни умумлаштриш ва улар ўртасидага алоқаларни топиш имкониятини яратади.


“Кластер” методидан фойдаланишда қуйидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади:

Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Ғоялар сифатини муҳокама қилманг, фақат уларни ёзинг. Хатни тўхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омилларга эътибор берманг.

Ажратилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг. Агар ақлингизга ғоялар келиши бирдан тўхтаса, у холда қачонки янги ғоялар келмагунча қоғозга расм чизиб турунг.

#### **Ўқитишнинг комплекс методларини ўрганиш мавзуси бўйича:**

1. Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив усуллари.
2. Ўқитишнинг репродуктив ва амалий изланиш усуллари.
3. Ўқитишда назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усуллари. мавуларига “Кластер” тузинг.



## 10-мавзу: Ўқув-билиш фаолиятини мотивациялаш ва стимуллаш методлари.

(ажратилган соат – 2 соат)

мавзусидаги  
**10-амалий машғулот**  
ўтказиш учун услубий ишланма  
(ажратилган соат – 2 соат)

### Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

### Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. - Т., 2001
2. Фарберман Б. Л. Ил гор педагогик технологиялар. Т.: «ФАН», 2000 йил
3. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г, Жумабоева Ф. А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. - Т., 2002
4. Махкамова М., Қосимова З. Янги педагогик технологиялар (ўқув қўлланма). - Т., 2009
5. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). - Т.: "Молия", 2003.
6. Голиш Л.В. Замонавий таълим технологиялари: мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. -Т.: ТАСИС, 2001
7. Голиш Л.В.Таълим шакллари: мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. - Т.: ТАСИС, 2001
8. Султонов ва бошқ.. Янги педагогик технология асослари (интерфаол дарслар). - Т., 2007

### Ушбу мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш методикаси қуйидагича бўлади:

Вақти: 2 соат	Талабалар сони: 26 та
<b>Машғулот шакли</b>	Ўқув-билиш фаолиятини мотивациялаш ва стимуллаш методлари бўйича эгалланган назарий билимларни мустахкамлаш ва чуқурлаштириш
<b>Мавзу режаси</b>	1. Ўқув-билиш фаолиятини мотивациялаш ва стимуллаш методлари, ўқув-билиш фаолиятини самарадорлигини назорат қилиш.

	2. Олий мактабда ўқитиш методларини ўзига хос хусусиятлари.
<b>Машғулотнинг мақсади:</b>	Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш
<b>Педагогик вазифалар</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари</b>
1. Мавзунини мустақил ўрганиш учун асос яратиш; 2. Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқур ўзлаштириш; 3. Интерфаол методларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш; 4. Талабаларни мустақил фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатиш.	1. Амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик қўради; 2. Ўқув-билиш фаолиятини мотивациялаш ва стимуллаш методлари, ўқув-билиш фаолиятини самарадорлигини назорат қилиш бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади; 3. Олий мактабда ўқитиш методларини ўзига хос хусусиятлари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади.
<b>Ўқитиш усуллари</b>	<b>Амалий мазмундаги топшириқлар, “Савол-жавоб”, “Кластер”, “БББ” методи.</b>
<b>Ўқитиш воситалари</b>	<b>Дарслик, маъруза матни, маркерлар, қоғозлар, тарқатма материаллар</b>
<b>Ўқитиш шакллари</b>	<b>Якка тарзда ва жамоада ишлаш</b>
<b>Ўқитиш шарт-шароити</b>	<b>Техник воситалар билан таъминланган ва кичик гуруҳлар билан ҳам ишлаш мумкин бўлган ўқув хонаси</b>
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	<b>Оғзаки назорат, савол-жавоб, тест саволлари</b>

### Амалий машғулотнинг технологик харитаси

<b>Фаолият босқичлари</b>	<b>Фаолиятнинг мезони</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>I. Кириш босқичи. (10 минут)</b>	1. Амалий машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари эълон қилинади	Тинглайдилар
	2. Машғулотни турли методлар асосида амалга ошириш тушунтирилади.	Тинглайдилар
<b>II. Асосий босқич (60 минут)</b>	1. Талабаларни машғулот жараёнидаги фаоллигини ошириш мақсадида “Савол-жавоб” усули орқали савол жавоб ўтказилади ( <b>1-илова</b> ) 2. “Ўқув-билиш фаолиятини мотивациялаш ва стимуллаш методлари”, “Ўқитишда назорат ва	Саволларга тезкорлик билан жавоб қайтаради  “Техник диктант” методини тузадилар.

	<p>ўз-ўзини назорат қилиш усуллари”, “Олий мактабда ўқитиш методларини ўзига хос хусусиятлари” мавзуларига “Кластер” методини тузиш таклиф этилади (<b>2-илова</b>).</p> <p>3. “Ўқитишда назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усуллари” мавзусига “БББ” методини тузиш таклиф этилади (<b>3-илова</b>).</p> <p>4. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Топшириқни бажариш жараёнида йўл қўйилган хато-камчиликларни изоҳлаб тушунтириб беради ва талабалар фаолиятини баҳолайди.</p> <p>5. Натижаларни текширади, гуруҳларга топшириқларни бажариши учун ёрдам беради ва талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, ҳамда диққатларини қўйиладиган натижага жалб қилади.</p> <p>6. Талабалар билимини назорат қилиш асосида уларни баҳолайди.</p>	<p>“Кластер” методини тузадилар.</p> <p>“БББ” жадвалини тузадилар.</p> <p>Тинглайдилар ва топшириқни бажарадилар</p> <p>Тинглайдилар ва фаол иштирок этадилар.</p> <p>Тинглайдилар ва фаол иштирок этадилар.</p>
<b>III. Якуний босқич (10 минут)</b>	1. Ишга яқун ясайди. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.	Эшитади
	2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради.	Ёзадилар

### 1-илова

#### “Савол-жавоб” усулига саволлар намунаси

1. Ўқитишда назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усули деганда нимани тушунасиз ?
2. Тасвирий кўرғазмали материалларнинг қандай турлари мавжуд?
3. Ҳозирги замон олий мактаби дидактикасида ўқитиш жараёнининг қандай қонуниятлари бор?
4. Олий мактабда ўқув жараёнининг қандай шакллари амалга оширилади?

## **“Кластер” методи**

Кластер (ғунча, боғлам) методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у ўқувчиларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эрки, очик ўйлаш ва шахсий фикрларни баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. “Кластер” методи аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг иши билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг ўқувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Стил ва Стил ғоясига мувофиқ ишлаб чиқилган “Кластер” методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан ўқувчилар билан яқка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Метод гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда ўқувчилар томонидан билдирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзида намоён бўлади. Бу эса илгари сурилган ғояларни умумлаштриш ва улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

“Кластер” методидан фойдаланишда қуйидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади:

Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Ғоялар сифатини муҳокама қилманг, фақат уларни ёзинг. Хатни тўхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омилларга эътибор берманг.

Ажратилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг. Агар ақлингизга ғоялар келиши бирдан тўхтаса, у холда қачонки янги ғоялар келмагунча қоғозга расм чизиб турунг.

### **Ўқитишнинг комплекс методларини ўрганиш мавзуси бўйича:**

1. “Ўқув-билиш фаолиятини мотивациялаш ва стимуллаш методлари”.
2. “Ўқитишда назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усуллари”.
3. “Олий мактабда ўқитиш методларини ўзига хос хусусиятлари” мавзуларига “Кластер” тузинг.

### **“Ўқитишда назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усуллари” мавзусига “БББ” усулини қўлланг.**

***Биламан, билишни хохлайман, билиб олдим***

Ҳар қандай мавзуни ўтишдан аввал дафтар варағининг бир бети устун шаклида тенг учга бўлинади. Биринчи устун тепасига “Биламан”, иккинчи

устунга “Билишни истайман” ва учинчи устунга “Билдим” деб ёзиб қўйилади. Талаба биринчи ўрганилаётган мавзу бўйича ўзига маълум бўлган информацияни ёзади. У муҳокама этилгандан сўнг гуруҳ бўлиб иккинчи устун тўлдирилади. Унга талабалар билишни истаган муаммолар ёзилади. Агар талабалар қийналса, ўқитувчи кўмаклашади. Янги мавзу ўқитувчи томонидан ўтилади. Бунда мавзу қисқа тушунтирилиб, материални мустақил ўқишга тавсия этилиши, сурилган маъруза ёки маъруза ва тажриба шаклида ўтилиши, тажриба кўрсатилиб тушунтирилиши мумкин. Янги мавзу ўрганилгандан сўнг учунчи устун тўлдирилиши талаб этилади. Натижа гуруҳда муҳокама этилади.

<i><b>Биламан</b></i>	<i><b>Билишни хоҳлайман</b></i>	<i><b>Билиб олдим</b></i>

## 11-мавзу. Педагогик маҳорат назарий асослари.

(ажратилган соат – 2 соат)

мавзусидаги  
**11-амалий машғулот**  
ўтказиш учун услубий ишланма  
(ажратилган соат – 2 соат)

### Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

### Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. - Т., 2001
2. Фарберман Б. Л. Илғор педагогик технологиялар. Т.: «ФАН», 2000 йил
3. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г, Жумабоева Ф. А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. - Т., 2002
4. Махкамова М., Қосимова З. Янги педагогик технологиялар (ўқув қўлланма). - Т.,. 2009
5. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). - Т.: "Молия", 2003.
6. Голиш Л.В. Замонавий таълим технологиялари: мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. -Т.: ТАСИС, 2001
7. Голиш Л.В.Таълим шакллари: мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. - Т.: ТАСИС, 2001
8. Султонов ва бошк.. Янги педагогик технология асослари (интерфаол дарслар). - Т., 2007

### Ушбу мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш методикаси қуйидагича бўлади:

Вақти: 2 соат	Талабалар сони: 26 та
<b>Машғулот шакли</b>	Педагогик маҳорат назарий асослари бўйича эгалланган назарий билимларни мустахкамлаш ва чуқурлаштириш
<b>Мавзу режаси</b>	1. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. 2. Педагогик маҳорат ҳақида тушунча. Унинг моҳияти. 3. Педагогик маҳорат фанининг вазифалари ва



	асосий таркибий қисмлари. 4. Педагогик маҳоратни эгаллаш воситалари.
<b>Машғулотнинг мақсади:</b>	Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш
<b>Педагогик вазифалар</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари</b>
1. Мавзунини мустақил ўрганиш учун асос яратиш; 2. Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқур ўзлаштириш; 3. Интерфаол методларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш; 4. Талабаларни мустақил фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатиш.	1. Амалий машғулоти режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик қўради; 2. Педагогик маҳорат ва педагогик технология бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади. 3. Педагогик маҳорат ҳақида тушунча. Унинг моҳияти ҳақида эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади. 4. Педагогик маҳорат фанининг вазифалари ва асосий таркибий қисмлари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади. 5. Педагогик маҳоратни эгаллаш воситалари тўғрисида эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади
<b>Ўқитиш усуллари</b>	Амалий мазмундаги топшириқлар, “Савол-жавоб”, “Чархпалак”, “Кластер”, “БББ”, “Синквейн” методлари.
<b>Ўқитиш воситалари</b>	Дарслик, маъруза матни, маркерлар, қоғозлар, тарқатма материаллар
<b>Ўқитиш шакллари</b>	Якка тарзда ва жамоада ишлаш
<b>Ўқитиш шарт-шароити</b>	Техник воситалар билан таъминланган ва кичик гуруҳлар билан ҳам ишлаш мумкин бўлган ўқув хонаси
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, тест саволлари

### Амалий машғулотнинг технологик харитаси

<b>Фаолият босқичлари</b>	<b>Фаолиятнинг мезони</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>I. Кириш босқичи. (10 минут)</b>	1. Амалий машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари эълон қилинади	Тинглайдилар
	2. Машғулоти турли методлар асосида амалга ошириш тушунтирилади.	Тинглайдилар
<b>II. Асосий босқич (60 минут)</b>	1. Талабаларни машғулоти жараёнидаги фаоллигини ошириш мақсадида “Савол-жавоб” усули орқали савол жавоб ўтказилади ( <b>1-илова</b> )	Саволларга тезкорлик билан жавоб қайтаради

	<p>2.“ Педагогик маҳорат ва педагогик технология” мавзусига “Чархпалак” методини тузиш таклиф этилади. (2-илова)</p> <p>3.“Педагогик маҳорат ҳақида тушунча. Унинг моҳияти” мавзусининг “Педагогик маҳорат ҳақида тушунча. Унинг моҳияти” мавзуси бўйича “Педагогик маҳорат”, “Педагогик фаолият”, “Педагогик жараён”, “Бўлажак ўқитучи вазифалари” , “И.П. Раченко таърифи”, “Ўқитувчининг касбий педагогик тайёргарлиги”, “Юксак педагогик маҳоратни таъминловчи омиллар” тушунчаларига “Кластер” методини тузиш таклиф этилади. (3-илова)</p> <p>4. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Топшириқни бажариш жараёнида йўл қўйилган хато-камчиликларни изоҳлаб тушунтириб беради.</p> <p>5.“Педагогик маҳорат фанининг вазифалари ва асосий таркибий қисмлари” мавзусига “БББ” методини тузиш таклиф этилади. (4-илова)</p> <p>6.“Педагогик маҳоратни эгаллаш воситалари” мавзусининг “Қобилият, ахборот, касб, восита, интернет, ғоя, хулоса, лойиҳа, тажриба, устоз, фаолият, таассурот, малака, конференция, семинар, тренинг, фикр, мулоҳаза, хато, муваффақият, масофа, фидокор, меҳнат, танлов, тарғибот, хизмат, мутахассис” сўзларига “Синквейн” методини тузиш таклиф этилади. (5-илова)</p> <p>7.Натижаларни текширади, топшириқларни бажариши учун ёрдам беради ва талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, ҳамда диққатларини қўйиладиган натижага</p>	<p>“Чархпалак” методини тузадилар.</p> <p>“Педагогик маҳорат”, “Педагогик фаолият”, “Педагогик жараён”, “Бўлажак ўқитучи вазифалари” , “И.П. Раченко таърифи”, “Ўқитувчининг касбий педагогик тайёргарлиги”, “Юксак педагогик маҳоратни таъминловчи омиллар” тушунчаларига “Кластер” методини тузадилар.</p> <p>Топшириқларни бажарадилар.</p> <p>“БББ” жадвалини тўлдирдилар</p> <p>“Қобилият, ахборот, касб, восита, интернет, ғоя, хулоса, лойиҳа, тажриба, устоз, фаолият, таассурот, малака, конференция, семинар, тренинг, фикр, мулоҳаза, хато, муваффақият, масофа, фидокор, меҳнат, танлов, тарғибот, хизмат, мутахассис” сўзларига “Синквейн” методини тузадилар.</p> <p>Фаоллик билан топшириқни</p>
--	---	---

	жалб қилади ҳамда талабалар фаолиятини баҳолайди.	бажарадилар
<b>III. Якуний босқич (10 минут)</b>	1. Ишга якун ясайди. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.	Эшитади.
	2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради.	Ёзадилар

### 1-илова

#### “Савол-жавоб” усулига саволлар намунаси

1. Педагогик маҳорат нима ?
2. Педагогик маҳоратнинг асосий компонентларини санаб беринг ?
3. Юксак педагогик маҳоратни шакллантиришни таъминловчи омилларни айтиб беринг ?
4. Педагогик маҳорат фанининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат ?
5. Педагогик маҳорат фанининг асосий таркибий қисмлари хақида айтиб беринг ?
6. Педагогик маҳоратни эгаллаш воситалари хақида нималар биласиз ?

### 2-илова

#### “Педагогик маҳорат ва педагогик технология” мавзусига “Чархпалак” тузинг.

#### “Чархпалак” технологияси

Ушбу технология талаба ёки ўқувчиларни ўтилган мавзуларини ёдга олишга, мантиқан фикрлаб берилган саволларга мустақил равишда тўғри жавоб беришга ва ўз –ўзини баҳолашга ўргатишга ҳамда қисқа вақт ичида ўқитувчи томонидан барча талаба ёки ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини баҳолашга қаратилган.

Технологиянинг мақсади:

Машғулотда талаба ёки ўқувчиларнинг дарс жараёнида мантиқий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларини баҳолаш, яқка ва гуруҳларда ишлашда бошқалар фикрига хурмат билан қарашга, кўп фикрлардан кераклисини танлаб олишга ўргатади.

Ушбу технология ўқув машғулотларининг барча турларида, дарс бошланиши ёки дарс охирида ёки бирор бир бўлим тугалланганда ўтилган материални баҳолаш ёки такрорлашга мўлжалланган. Чархпалак технологияси бўйича талабаларга ўтилган мавзу бўйича жадвал кўринишидаги тарқатма материал берилади ва уни тўлдириш вазифаси юклатилади. Жадвал мавзуга мос равишда ўқитувчи томонидан тузилади.

Педагогик маҳорат ва педагогик технология	Педагогик технологиянинг бош вазифаси	Педагогик технологиянинг мақсади	Педагогик технологиянинг вазифаси	Педагогик технологиянинг ўрганиш соҳаси предмети	Таълим технологиясининг предмети
Педагогик технологияларни қўллаш бўйича кўникмадарни шакллантириш ҳамда педагогик технологияларни лойиҳалаш бўйича билимларни ва кўникмаларни шакллантириш.			*		
Оммавий таълим шароитида оддий “ўртача” педагогларга ўқитишнинг самарадорлигига эришишини таъминлаш ҳмсобланади.	*				
Таълим жараёнининг етарли самарадорлигини таъминлаш ва талабалар томонидан ўқитишнинг кўзланган натижаларига эришиш кафолатидан иборат.		*			
Ўқитиш тизими				*	
Таълим тизими концептуал асосларига далил келтиришдан, мақсадларни кўеишдан, натижаларни шакллантиришдан, ўқув материални танлаш ва структуралаштиришдан, таълим моделини танлашдан, то уларни амалга оширишгача, уларнинг оптималлик ва самарадорлик даражасини баҳолашгача лойиҳалаштиришдан таркиб топган.					*


### 3-илова

**“Педагогик маҳорат ҳақида тушунча. Унинг моҳияти” мавзуси бўйича “Педагогик маҳорат”, “Педагогик фаолият”, “Педагогик жараён”, “Бўлажак ўқитучи вазифалари”, “И.П. Раченко таърифи”,**

**“Ўқитувчининг касбий педагогик тайёргарлиги”, “Юксак педагогик маҳоратни таъминловчи омиллар” тушунчаларига “Кластер” тузинг.**

**“Кластер” тузиш қоидаси**

1. Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Гоялар сифатини муҳокама қилманг , фақат уларни ёзинг.
2. Хатни тўхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг. Агар ақлингизга гоялар келиши бирдан тўхтаса, у холда қачонки янги гоялар келмагунча қоғозга расм чизиб туринг.



**“Педагогик маҳорат фанининг вазифалари ва асосий таркибий қисмлари” мавзусига “БББ” усулини қўлланг.**

***Биламан, билишни хохлайман, билиб олдим***

Ҳар қандай мавзунини ўқишдан аввал дафтар варағининг бир бети устун шаклида тенг учга бўлинади. Биринчи устун тепасига “Биламан”, иккинчи устунга “Билишни истайман” ва учинчи устунга “Билдим” деб ёзиб қўйилади. Талаба биринчи ўрганилаётган мавзу бўйича ўзига маълум бўлган информацияни ёзади. У муҳокама этилгандан сўнг гуруҳ бўлиб иккинчи устун тўлдирилади. Унга талабалар билишни истаган муаммолар ёзилади. Агар талабалар қийналса, ўқитувчи кўмаклашади. Янги мавзу ўқитувчи томонидан ўтилади. Бунда мавзу қисқа тушунтирилиб, материални мустақил ўқишга тавсия этилиши, сурилган маъруза ёки маъруза ва тажриба шаклида ўтилиши, тажриба кўрсатилиб тушунтирилиши мумкин. Янги мавзу ўрганилгандан сўнг учунчи устун тўлдирилиши талаб этилади. Натижа гуруҳда муҳокама этилади.

<b><i>Биламан</i></b>	<b><i>Билишни хохлайман</i></b>	<b><i>Билиб олдим</i></b>

**Ушбу сўзларга “Синквейн” методини қўлланг !**

Қобилият, ахборот, касб, восита, интернет, ғоя, хулоса, лойиҳа, тажриба, устоз, фаолият, таассурот, малака, конференция, семинар, тренинг, фикр, мулоҳаза, хато, муваффақият, масофа, фидокор, меҳнат, танлов, тарғибот, хизмат, мутахассис.

## Синквейн

Ўрганилаётган материални пухта англаш учун қўлланиладиган интерфаол усуллардан бири ҳисобланади. Синквейн-французча беш қаторли ўзига хос, кофиясиз шеър бўлиб, унда ўрганилаётган тушунча тўғрисидаги ахборот ёйилган ҳолда ўқув сўзи билан, турли вариантларда ва турли нуктаи назар орқали ифодаланади.

### Синквейн тузиш қоидаси:

Биринчи қаторда мавзу бир сўз, одатда от билан ифодаланади? (Ким? Нима?)

Иккинчи қаторга мавзуга оид иккита сифат ёзилади. (Қандай? Қанақа?)

Учинчи қаторда мавзу доирасидаги ҳатти – ҳаракат учта сўз (феъл) билан ифодаланади.

Тўртинчи қаторга мавзуга нисбатан тасаввур англаувчи ва тўртта сўздан иборат бўлган фикр ёзилади.

Охирги қаторга мавзу моҳи-ятини такрорлайдиган, маъноси унга ўхшаш бўлган битта сўз (синоним) ёзилади.

Синквейн тузиш-мураккаб ғоя, сезги ва ҳиссиётларни бир нечагина сўзлар билан ифодалаш учун муҳим бўлган малакадир. Синквейн тузиш жараёни мавзунини пухтароқ англашга ёрдам бериш билан бирга, таълим олувчиларнинг фикрлаш қобилиятини юқори даражада ривожлантиради.

Қуйида сеялка мавзуси бўйича синквейн тузишни мисол тариқасида кўриб чиқамиз:

- |    |  |                                   |
|----|--|-----------------------------------|
| 1. | =====                                  | сеялка                            |
| 2. | =====      =====                       | тўрт қаторли, олти қаторли        |
| 3. | =====      =====      =====            | уруғни уялаб экади.               |
| 4. | =====      =====      =====      ===== | экиш мавсуми, трактор, дала, уруғ |
| 5. | =====                                  | Агрегат                           |

## 12-мавзу. Педагогик фикр тарихи ва мактаб амалиётида ўқитиш маҳорати масалалари.

(ажратилган соат – 2 соат)

мавзусидаги  
12-амалий машғулот  
ўтказиш учун услубий ишланма  
(ажратилган соат – 2 соат)

### Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

### Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. - Т., 2001
2. Фарберман Б. Л. Илғор педагогик технологиялар. Т.: «ФАН», 2000 йил
3. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г, Жумабоева Ф. А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. - Т., 2002
4. Махкамова М., Қосимова З. Янги педагогик технологиялар (ўқув қўлланма). - Т., 2009
5. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). - Т.: "Молия", 2003.
6. Голиш Л.В. Замонавий таълим технологиялари: мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. -Т.: ТАСИС, 2001
7. Голиш Л.В.Таълим шакллари: мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. - Т.: ТАСИС, 2001
8. Султонов ва бошқ.. Янги педагогик технология асослари (интерфаол дарслар). - Т., 2007

### Ушбу мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш методикаси қуйидагича бўлади:

Вақти: 2 соат	Талабалар сони: 26 та
<b>Машғулот шакли</b>	Педагогик фикр тарихи ва мактаб амалиётида ўқитиш маҳорати масалалари бўйича эгалланган назарий билимларни мустахкамлаш ва чуқурлаштириш
<b>Мавзу режаси</b>	1. Педагог шахси таълим амалиётида ва педагогик фикр тарихида педагогнинг маҳорати



	масалалари. 2. Ўқитувчи касбининг тарихий тараққиёти ва унинг жамиятда тутган ўрни.
<b>Машғулотнинг мақсади:</b>	Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш
<b>Педагогик вазифалар</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари</b>
1. Мавзуни мустақил ўрганиш учун асос яратиш; 2. Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқур ўзлаштириш; 3. Интерфаол методларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш; 4. Талабаларни мустақил фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатиш.	1. Амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради; 2. Педагог шахси таълим амалиётида ва педагогик фикр тарихида педагогнинг маҳорати масалалари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади. 3. Ўқитувчи касбининг тарихий тараққиёти ва унинг жамиятда тутган ўрни ҳақида эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади.
<b>Ўқитиш усуллари</b>	Амалий мазмундаги топшириқлар, “Савол-жавоб”, “Кластер”, “Синквейн”, “Венн диаграммаси”, “Резюме” методлари.
<b>Ўқитиш воситалари</b>	Дарслик, маъруза матни, маркерлар, қоғозлар, тарқатма материаллар
<b>Ўқитиш шакллари</b>	Якка тарзда ва жамоада ишлаш
<b>Ўқитиш шарт-шароити</b>	Техник воситалар билан таъминланган ва кичик гуруҳлар билан ҳам ишлаш мумкин бўлган ўқув хонаси
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, тест саволлари

### Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мезони	
	Ўқитувчи	Талаба
<b>I. Кириш босқичи. (10 минут)</b>	1. Амалий машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари эълон қилинади	Тинглайдилар
	2. Машғулотни турли методлар асосида амалга ошириш тушунтирилади.	Тинглайдилар
<b>II. Асосий босқич (60 минут)</b>	1. Талабаларни машғулот жараёнидаги фаоллигини ошириш мақсадида “Савол-жавоб” усули орқали савол жавоб ўтказилади ( <b>1-илова</b> )	Саволларга тезкорлик билан жавоб қайтаради
	2. “Европа олимлари ўқитувчиларнинг	“Кластер” методини

	<p>касбий маҳоратини такомиллаштириш” мавзусига “Кластер” методини тузиш таклиф этилади. (2-илова)</p> <p>3.“ Педагог шахси таълим амалиётида ва педагогик фикр тарихида педагогнинг маҳорати масалалари” мавзусининг “Сифат, А. Я. Коменский, К.Д. Ушинский, А. Дистерверг, хусусият, қобилият, Джон Локк, хислат, мулоҳаза, программа, қисм, мулоқот, жабҳа, босқич, мутафаккир, ғоя, илм, қонун, таъриф, тамойил, такт, Шарқ, Ғарб” таянч сўз ва ибораларига “Синквейн” методини тузиш таклиф этилади. (3-илова)</p> <p>4. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Топшириқни бажариш жараёнида йўл қўйилган хато-камчиликларни изоҳлаб тушунтириб беради.</p> <p>5.“Ўқитувчи касбининг тарихий тараққиёти ва унинг жамиятда тутган ўрни” мавзусининг <b>“Ижодкор ўқитувчи”, “Илгор ўқитувчи”</b> тушунчаларига “Венн диаграммаси” методини тузиш таклиф этилади. (4- илова)</p> <p>6.“Ўқитувчи касбининг тарихий тараққиёти ва унинг жамиятда тутган ўрни” мавзусининг <b>“Ижодкор ўқитувчи”, “Илгор ўқитувчи”, “Новатор ўқитувчи”</b> сўзларига “Резюме” методини тузиш таклиф этилади. (5-илова)</p> <p>7.Натижаларни текширади, топшириқларни бажариши учун ёрдам беради ва талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, ҳамда диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади ҳамда талабалар фаолиятини баҳолайди.</p>	<p>тузадилар.</p> <p>“Синквейн” методини тузадилар.</p> <p>Фаоллик билан топшириқни бажарадилар</p> <p><b>“Ижодкор ўқитувчи”, “Илгор ўқитувчи”</b> тушунчаларига “Венн диаграммаси” методини тузадилар</p> <p><b>“Ижодкор ўқитувчи”, “Илгор ўқитувчи”, “Новатор ўқитувчи”</b> сўзларига “Резюме” методини тузадилар</p> <p>Тинглайдилар ва фаол иштирок этадилар.</p>
<p><b>Ш. Якуний</b></p>	<p>1.Ишга яқун ясайди. Фаол</p>	<p>Эшитади.</p>

<b>босқич (10 минут)</b>	талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.	
	2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради.	Ёзадилар

### 1-илова

#### “Савол-жавоб” усулига саволлар намунаси

1. Ўқитувчи ва унинг касбий сифатлари борсида Чех олими, машҳур педагог Я. А. Коменский тавсифини айтиб беринг.
2. А. Дистерверг ўқитувчининг таълимдаги ролига қандай баҳо берган ?
3. А.И. Гарцен, Л.Н. Толстой, И.Г. Чернишевский, К.Д. Ушинский каби рус педагог олимларининг ўқитувчи ва унинг касбий сифатлари борсидаги муаммоларга ўз мулохазаларини айтиб беринг.
4. К.Д. Ушинскийнинг ўқитувчи маънавияти ва касбий фаолиятига берган баҳоси ҳақида нима биласиз ?
5. Педагогик-психологик такт нима ?
6. Ҳозирги кунда ўқитувчи касбининг тарихий таракқиёти ва унинг жамиятда тутган ўрни тўғрисида нималар биласиз ?

### 2-илова

#### “Кластер” методи

Кластер (ғунча, боғлам) методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у ўқувчиларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эрки, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларни баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. “Кластер” методи аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг иши билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг ўқувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.


Стил ва Стил ғоясига мувофиқ ишлаб чиқилган “Кластер” методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан ўқувчилар билан яқка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Метод гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда ўқувчилар томонидан билдирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзида намоён бўлади. Бу эса илгари сурилган ғояларни умумлаштриш ва улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

“Кластер” методидан фойдаланишда қуйидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади:

Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Ғоялар сифатини муҳокама қилманг , фақат уларни ёзинг. Хатни тўхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омилларга эътибор берманг.

Ажратилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг. Агар ақлингизга ғоялар келиши бирдан тўхтаса, у холда қачонки янги ғоялар келмагунча қоғозга расм чизиб тулинг.

**Европа олимлари ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини  
такомиллаштириш мавзусига “Кластер”**




**“Синквейн” методини амалга ошириш босқичлари:**

1. Ўқитувчи талабаларга мавзуга оид тушунча, жараён ёки ходиса номини беради.
2. Талабалардан улар ҳақидаги фикрларини қисқа кўринишда ифодалашлари сўралади. Яъни, шеърга ўхшатиб 5 қатор маълумотлар ёзишлари керак бўлади. У қуйидага қоидага асосан тузилиши керак:
  - 1-қаторда мавзу бир сўз билан (одатда от билан) ифодаланади.
  - 2-қаторда мавзуга жуда мос келадиган иккита сифат берилади.
  - 3-қаторда мавзу 3та ҳаракатни билдирувчи феъл билан фойдаланилади.
  - 4-қаторда темага доир муҳокама этувчиларнинг хиссиётини ифодаловчи жумла тузилади. У тўрт сўздан иборат бўлади.
  - 5-қаторда мавзунинг моҳиятини ифодаловчи битта сўз берилади. У мавзунинг синоними бўлади.

**Ушбу сўзларга “Синквейн” методини қўлланг !**

Сифат, А. Я. Коменский, К.Д. Ушинский, А. Дистерверг, хусусият, қобилият, Джон Локк, хислат, мулоҳаза, программа, қисм, мулоқот, жабҳа, босқич, мутафаккир, ғоя, илм, қонун, таъриф, тамойил, такт, Шарқ, Ғарб.



**4-илова**

Қуйдаги тушунчаларни “Венн диаграммаси” методи ёрдамида ёритиб беринг.  
“Ижодкор ўқитувчи”, “Илғор ўқитувчи”.

## “Венн диаграммаси” методи.

Ушбу стратегия ўқувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларни ҳосил қилишга йўналтирилади.

Стратегия ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий, маълумотлар ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради, 2 ва 3 жиҳатларни ҳамда умумий томонларини солиштириш ёки таққослаш ёки қарама-қарши қўйиш учун қўлланилади. Тизимли фикрлаш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.


Ушбу стратегиядан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишга фойдаланиш янада самаралидир.

Стратегияни қўллаш босқичлари қуйидагилардан иборат:

1-босқич. “Венн диаграммаси” тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида кичик гуруҳларда диаграмма Веннани тузадилар ва кесишмайдиган жойларни (х) тўлдирадилар.

2-босқич. Жуфтликларга бирлашадилар, ўзларининг диаграммаларини таққослайдилар ва тўлдирадилар.

3-босқич. Доираларни кесишувчи жойида, икки/уч доиралар учун умумий бўлган, маълумотлар рўйхатини тузади.



**5-илова**

**“Ўқитувчи касбининг тарихий тараққиёти ва унинг жамиятда тутган ўрни” мавзуси бўйича “Резюме” методини тузиинг.**

### «Резюме» технологияси

«Резюме» технологияси умумий мавзунинг айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг, ҳар бир катнашувчининг, гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

«Резюме» технологияси мавзуси ўрганишнинг турли босқичларида қўлланилиши мумкин:

- бошида: ўз билимларини эркин фаоллаштириш;
- мавзунини ўрганиш жараёнида: унинг асосларини чуқур фахмлаш ва англаб етиш;

- яқунлаш босқичида: олинган билимларни тартибга солиш.

Асосий тушунчалар қуйидагилар:

Аспект (нуқтаи назар) билан предмет, ходиса, тушунча текширилади.

Афзаллик – бирор нарса билан қиёслангандаги устунлик, имтиёз.

Фазилат – ижобий сифат.

Нуқсон – номукамаллик, қоидаларга, мезонларга номувофиқлик.

Хулоса – муайян фикрга, мантиқий қоидалар бўйича далилдан натижага келиш.

Таълимдан ташқари «Резюме» технологияси тарбиявий характеридаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

- жамоа, гуруҳларда ишлаш маҳорати;
- муаммолар, вазиятларни турли нуқтаи назардан муҳокама қилиш маҳорати;
- мурасали қарорлари топа олиш маҳорати;
- ўзгалар фикрига хурмат;
- хушмуамалалик;
- ишга ижодий ёндашиш;
- фаоллик;
- муаммога диққатини жамлай олиш маҳорати.

<b>Ўқитувчи касбининг тарихий тараққиёти ва унинг жамиятда тутган ўрни</b>					
<b>Илғор ўқитувчи</b>		<b>Ижодкор ўқитувчи</b>		<b>Новатор ўқитувчи</b>	
<b>Афзаллиги</b>	<b>Камчилиги</b>	<b>Афзаллиги</b>	<b>Камчилиги</b>	<b>Афзаллиги</b>	<b>Камчилиги</b>
<b>1.</b>	<b>1.</b>	<b>1.</b>	<b>1.</b>	<b>1.</b>	<b>1.</b>
<b>2.</b>	<b>2.</b>	<b>2.</b>	<b>2.</b>	<b>2.</b>	<b>2.</b>
<b>3.</b>	<b>3.</b>	<b>3.</b>	<b>3.</b>	<b>3.</b>	<b>3.</b>
<b>4.</b>	<b>4.</b>	<b>4.</b>	<b>4.</b>	<b>4.</b>	<b>4.</b>
<b>5.</b>	<b>5.</b>	<b>5.</b>	<b>5.</b>	<b>5.</b>	<b>5.</b>
<b>6.</b>	<b>6.</b>	<b>6.</b>	<b>6.</b>	<b>6.</b>	<b>6.</b>
<b>Хулоса:</b>					



## 13-мавзу. Педагогик қобилият ва унинг турлари.

(ажратилган соат – 2 соат)

мавзусидаги  
**13-амалий машғулот**  
ўтказиш учун услубий ишланма  
(ажратилган соат – 2 соат)

### Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

### Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. - Т., 2001
2. Фарберман Б. Л. Илғор педагогик технологиялар. Т.: «ФАН», 2000 йил
3. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г, Жумабоева Ф. А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. - Т., 2002
4. Махкамова М., Қосимова З. Янги педагогик технологиялар (ўқув қўлланма). - Т.,. 2009
5. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). - Т.: "Молия", 2003.
6. Голиш Л.В. Замонавий таълим технологиялари: мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. -Т.: ТАСИС, 2001
7. Голиш Л.В.Таълим шакллари: мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. - Т.: ТАСИС, 2001
8. Султонов ва бошк.. Янги педагогик технология асослари (интерфаол дарслар). - Т., 2007

### Ушбу мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш методикаси қуйидагича бўлади:

Вақти: 2 соат	Талабалар сони: 26 та
<b>Машғулот шакли</b>	Педагогик қобилият ва унинг турлари бўйича эгалланган назарий билимларни мустахкамлаш ва чуқурлаштириш
<b>Мавзу режаси</b>	1. Қобилияттг педагогик-психологик таснифи. 2. Ўқитувчи педагогик қобилиятини ривожлантириш функциялари. 3. Педагогнинг комуникатив қобилияти.

<b>Машғулотнинг мақсади:</b>	Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш
<b>Педагогик вазифалар</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари</b>
1. Мавзуни мустақил ўрганиш учун асос яратиш; 2. Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқур ўзлаштириш; 3. Интерфаол методларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш; 4. Талабаларни мустақил фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатиш.	1. Амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради; 2. Қобилиятгг педагогик-психологик таснифи бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади. 3. Ўқитувчи педагогик қобилияти ҳақида эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади. 4. Педагогнинг комуникатив қобилияти бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади.
<b>Ўқитиш усуллари</b>	Амалий мазмундаги топшириқлар, “Савол-жавоб”, “Инсерт”, “Чархпалак”, “Техник диктант”, “Тушунчалар тахлили”, “Чалкаштирилган мантикий занжирлар кетма-кетлиги”, “Синквейн” методлари.
<b>Ўқитиш воситалари</b>	Дарслик, маъруза матни, маркерлар, қоғозлар, тарқатма материаллар
<b>Ўқитиш шакллари</b>	Якка тарзда ва жамоада ишлаш
<b>Ўқитиш шарт-шароити</b>	Техник воситалар билан таъминланган ва кичик гуруҳлар билан ҳам ишлаш мумкин бўлган ўқув хонаси
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, тест саволлари

### Амалий машғулотининг технологик харитаси


<b>Фаолият босқичлари</b>	<b>Фаолиятнинг мезони</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>I. Кириш босқичи. (10 минут)</b>	1. Амалий машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари эълон қилинади	Тинглайдилар
	2. Машғулотни турли методлар асосида амалга ошириш тушунтирилади.	Тинглайдилар
<b>II. Асосий босқич (60 минут)</b>	1. Талабаларни машғулот жараёнидаги фаоллигини ошириш мақсадида “Савол-жавоб” усули орқали савол жавоб ўтказилади ( <b>1-илова</b> ) 2. “Қобилиятнинг педагогик-психологик таснифи” мавзусига	Саволларга тезкорлик билан жавоб қайтаради  “Инсерт” методини тузадилар.

	<p>“Инсерт” методини тузиш таклиф этилади. <b>(2-илова)</b></p> <p>3.“Қобилиятгтг турлари” мавзусига “Чархпалак” методини тузиш таклиф этилади. <b>(3-илова)</b></p> <p>4. Топшириқларнинг бажарилишини кай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Топшириқни бажариш жараёнида йўл қўйилган хато-камчиликларни изоҳлаб тушунтириб беради.</p> <p>5.“Қобилиятгтг педагогик-психологик таснифи” мавзусига “Техник диктант” тузиш таклиф этилади. <b>(4-илова)</b></p> <p>6.“Интеллект”нинг таркибий тузилишига олимлар таърифи” мавзусига “Тушунчалар таҳлили” методини тузиш таклиф этилади. <b>(5-илова)</b></p> <p>7.”Ўқитувчи педагогик қобилиятини ривожлантириш функциялари” мавзусига “Чалкаштирилган мантикий занжирлар кетма-кетлиги” методини тузиш таклиф этилади. <b>(6-илова)</b></p> <p>8.“Педагогнинг коммуникатив қобилияти” мавзусининг таълим ва тарбия жараёнида педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий усуллари мавзусига “Синквейн” методини тузиш таклиф этилади. <b>(7-илова)</b></p> <p>9.Натижаларни текширади, топшириқларни бажариши учун ёрдам беради ва талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, ҳамда диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади ҳамда талабалар фаолиятини баҳолайди.</p>	<p>“Чархпалак” методини тузадилар.</p> <p>Топшириқларни бажарадилар.</p> <p>“Техник диктант” ни ечадилар.</p> <p>“Тушунчалар таҳлили” методини тузадилар.</p> <p>“Чалкаштирилган мантикий занжирлар кетма-кетлиги” методини тузадилар.</p> <p>Мавзуга оид тушунчаларга “Синквейн” методини тузадилар.</p> <p>Фаоллик билан топшириқни бажарадилар</p>
<p><b>III. Якуний босқич (10 минут)</b></p>	<p>1.Ишга яқун ясайди. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.</p>	<p>Эшитади.</p>
	<p>2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради.</p>	<p>Ёзадилар</p>

### “Савол-жавоб” усулига саволлар намунаси

1. Қобилият нима ?.
2. Ўқитувчи педагогик қобилиятини ривожлантириш функцияларини айтиб беринг ?
3. Педагогик қобилиятнинг асосий сифатларини изохлаб беринг ?
4. Педагогик қобилиятнинг асосий хусусиятлари тўғрисида маълумот беринг ?
5. Интелектнинг асосий сифатларини тушунтириб беринг ?
6. Қобилият турларини санаб беринг ?
7. Педагогнинг коммуникатив қобилияти нима ?
8. Педагогик таъсир кўрсатиш деганда нимани тушунасиз ?
9. Таълим ва тарбия жараёнида педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий усулларини ёритиб беринг ?
10. Тарбия жараёнининг ўзига хос қатор қоидаларини санаб беринг ?

### "Инсерт" методи.



**“Қобилиятнинг педагогик-психологик таснифи” мавзусига оид  
“Инсерт” жадвалининг тузилиши.**

<b>Мавзу</b>	<b>V</b>	<b>-</b>	<b>+</b>	<b>?</b>
Қобилият				
Билим				
Кўникмалар				
Малакалар				
Педагогикада ўқитувчи қобилияти				
Иқтидор, истедод, даҳолик				
Психологияда қобилият				
Ижодкорлик				
Маҳсулдор ижодкорлик				
Эвристик ижодкорлик				
Креатив ижодкорлик				
Интеллект				

**3-илова**

**“Қобилиятггг турлари” мавзусига “Чархпалак” тузинг.**

**“Чархпалак” технологияси**

Ушбу технология талаба ёки ўқувчиларни ўтилган мавзуларини ёдга олишга, мантиқан фикрлаб берилган саволларга мустақил равишда тўғри жавоб беришга ва ўз –ўзини баҳолашга ўргатишга ҳамда қисқа вақт ичида ўқитувчи томонидан барча талаба ёки ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини баҳолашга қаратилган.

Технологиянинг мақсади:

Машғулотда талаба ёки ўқувчиларнинг дарс жараёнида мантикий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларини баҳолаш, яқка ва гуруҳларда ишлашда бошқалар фикрига хурмат билан қарашга, кўп фикрлардан кераклисини танлаб олишга ўргатади.

Ушбу технология ўқув машғулотларининг барча турларида, дарс бошланиши ёки дарс охирида ёки бирор бир бўлим тугалланганда ўтилган материални баҳолаш ёки такрорлашга мўлжалланган. Чархпалак технологияси бўйича талабаларга ўтилган мавзу бўйича жадвал кўринишидаги тарқатма материал берилади ва уни тўлдириш вазифаси юклатилади. Жадвал мавзуга мос равишда ўқитувчи томонидан тузилади.

Қобилият турлари	Шахнинг ички қобилияти	Мантиқий қобилият	Кинестетик қобилият	Эшитиш ва хис қилиш қобилияти	Воқеаларни олдиндан кўра олиш қобилияти	Коммуникатив қобилият
Ўқитувчининг ўқувчилар билан дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда синфда ижобий рухий иқлим ярата олиши.						*
Хар бир ўқитувчининг сергаклигида, ўқувчиларни рухиятини ички дунёсини кўра олишида номоён бўлади.					*	
Муסיқани севиш, охангни яхши хис қилиш, декламация асосида яхши ўқиш, эшитган нарсани хотирада сақлаш, шеър ва қўшиқларни севиб тинглаш.				*		
Ўқитувчининг ўз хатти харакатларини мувофиқлаштириш қобилияти, харакат охангини хис қилиб йўналтиради, вақтни, харакат суръатини хис қилиш, маиший қулайликларни ярата олиш, хаёт мархаматларидан роҳатланиш.			*			
Мулоҳаза юритишни, рақамларни, математикани, мураккаб масалаларни севиш, сабабият ва натижаларни тушуниш малакаси, воқелиқда асосийни иккинчи даражалисидан ажрата олиш.		*				
Ўз-ўзини билиш, тушуниш ва хис қилиш.	*					

**“Қобилиятгитг педагогик-психологик таснифи”  
мавзусига “Техник диктант”**

**Техник диктант**

Техникага оид матндаги айрим сўзлар, формула ёки бирор фикр тушириб қолдирилиб айтиб берилади. Таълим олувчилар эса, ҳар бир бўш қолган жойга оид жавобларни ўзлари топиб ёзиб борадилар. Техник диктантни барча фанлардан қўллаш тавсия этилади, масалан: механиканинг ҳаракатларни юзага келтирувчи ташқи таъсирларга боғлаб ўрганувчи бўлими \_\_ дейилади. Уни кузатиш ва тажрибалар асосида инглиз физиги \_\_ очган ва \_\_ та қонунни яратган. Динамиканинг асосий вазифаси ҳаракатни юзага келтирувчи \_\_ ларни аниқлашдан иборат. Ҳозирги замон космонавтикасида \_\_ кемалар ўрнини, \_\_ни аниқлашни \_\_қонунларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Юқорида қайд қилинган ва бошқа интерфаол усуллардан ўқув жараёнида фойдаланиш таълим олувчилардан ижодкорлик фаолиятини, қолаверса, бу ишларни Блум таксономияси даражаларида ўзлаштирган бўлишини талаб қилади. Интерфаол усулларни нотўғри қўллаш бу усуллар самарадорлигини пасайтириш ёки бу ҳақида нотўғри тушунча пайдо бўлишига сабаб бўлади. Ўзига ишончни шакллантирмасдан мустақил фикрлашни вужудга кел-тириш мумкин эмас. Шу билан бирга ўзига ишончни англаш мустақил фикр-лашни тақозо қилади. Ҳар бир таълим олувчи ўз фикрининг аҳамиятлигига ишонч ҳосил қилувчи ахборот олиш учун ҳаракат қилиши зарур. Акс ҳолда, у машғулотларда ўзини суст тутади ва мустақил фикрлай олмайди.

Таълим олувчи ўқув жараёнида фаол иштирок этсагина, ундан жуда кат-та мамнуният ва юқори даражада мулоҳаза қила олганини ҳис этади. Таълим берувчининг саволлари мустақил фикрлашни ривожлантиришда муҳим ҳисоб-ланиб, таълим олувчилар билиш қобилиятларини бошқариш воситасидир. Ўқув жараёнини саволлар ёрдамида бошқариш кўникмаси, таълим берувчининг ме-тодик маҳоратини муҳим таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Ижодий фикр-лаш, ахборотларни эслаб қолиш ва сўзлаб беришга оид фанталогик саволлар берилишини деярли назарда тутмайди. Масалан, термодинамиканинг иккинчи қонунини айтиб беринг, газ қонунларини ким яратган. Бу жараён бундай саволларсиз кечмайди, лекин улар ниҳоятда кўп берилмаслиги керак. Таж-рибали таълим берувчи ўзининг фаоллаштирувчи саволлари билан ижодий, фикрлашни ривожлантириш, таълим олувчиларни мулоҳаза қилишга ундовчи умумлаштириш, таққослаш, ўхшашлик, фарқларни англаш, хулоса ва тақлиф-ларни мукамал шакллантириш учун муайян шароит яратади. Бундай ҳолларда уларнинг фикрлаш даражаси кўтарилади, улар умумий тушуниш ва тасаввурни ривожланишига ўз ҳиссасини кўша олишини ҳис этадилар. Қуйида ушбу фаол-лаштирувчи саволларни келтирамиз:

### ***даъват босқичида:***

- “Ўқув мавзусига оид қандай маълумотларни биласиз?”
- “Бу тўғрисида сиз олдиндан нималарни биласиз?”
- “Буни сизга нима аҳамияти бор?”
- “Нимани тушунмадингиз, лекин уни билишни хоҳлайсизми?”
- Берилган мавзуни бажариб бўлгандан сўнг:
- “Сиз нимани англадингиз?”
- “Бу сизда қандай сезгиларни пайдо қилди?”
- “Бу материалда қайси саволлар жавобсиз қолган?”
- “Сизни бирор таклифингиз борми?”

### ***англаш босқичида:***

- “Бу материалдан сиз қандай янги маълумот олдингиз?”
- “Бу тўғрида сизнинг фикрингиз қандай? ”
- “Бунинг аҳамияти нимада?”
- “Сизда нима чуқурроқ таассурот қолдирди?”
- “Буни сизнинг тажрибангизга алоқаси борми?”
- “Бу яхшими ёки ёмонми?”

### ***мулоҳаза қилиш босқичида:***

- “Мени бу ҳақдаги фикрим қандай?”
- “Бундан биз қандай хулосаларга келишимиз мумкин?”
- “Бу ахборот менинг билганларим билан қандай боғланишга эга?”
- “Бу ғоялар таъсирида менинг қарашларим қандай ўзгаради?”

### ***ўз таассуротларини қайта қуришда:***

- “Биз бундан қандай хулосага келишимиз мумкин?”
- “Биз бу билимларни қаерда қўллашимиз мумкин?”
- “Нимани қўшиш ёки чиқариб ташлаш мумкин?”
- “Ютуқ ва камчиликлар нимада деб биласиз?”
- “Ўхшаш фикрларни ҳам кўриб чиқдингизми?”
- “Қандай таклифларингиз бор?”

1.«.....Қобилият.....» шахснинг индивидуал-психологик хусусияти бўлиб, муаян фаолият юзасидан лаёқати ва ишни муваффақиятли амалга ошириш субъектив шарт-шароитини ифодаловчи индивидуал психик сифатлар йиғиндисида айтилади.

2. «.....Билим.....» - бу илмий мутолаа натижасидир.

3. «....Қобилиятга.....» яқинроқ турдаги тушунчалар кўникма ва малакалардир.

4. «....Кўникмалар.....»- ўқитувчининг касбий фаолияти жараёнида ҳосил қилинган тажриба ва билимлар асосида бажариладиган ишнинг мукамал усулидир.



5. «...Малакалар.....» - ўқитувчининг онгли фаолиятни бажариши жараёнида ҳосил қилинган касбий интеллектуал фаолиятнинг автоматлашган компонентлари йиғиндиси.
6. «...Педагогикада ўқитувчи қобилияти...» - бу имкониятдир, унинг моҳирлиги зарурий даражаси фақатгина ўқитиш ва тарбиялаш такомиллашиб боради ва ютуқларга эришишида замин яратади.
7. «...Туғма қобилиятлар.....» зехн дейилади.
8. «...Иқтидор, истедод, даҳолик.....» инсоннинг ижодий фаолияти жараёнида эришадиган қобилиятларининг ривожланиш босқичлари ҳисобланади.
9. «...Қобилиятлар, характер каби.....» - шахснинг фақатгина маълум фаолиятидагина мавжуд бўлган сифатларидир .
10. «...Психологияда қобилият.....» - инсоннинг касбий билим, кўникма ва малакаларини қийинчиликсиз, онсонлик билан мукамал эгаллаши ва бирор фаолият билан муваффақиятли шуғулланишига айтилади.
11. «...Ижодкорлик...» - бу сифат жиҳатидан янги, оригинал ва такрорланмас бирор янгиликни пайдо қиливчи фаолиятдир
12. «...Маҳсулдор ижодкорлик.....» белгиланган ҳар қандай муаммо муваффақиятли ҳал қилинади; ижод қилишга лаёқатли бўлган ўқитувчиларнинг асосий қисмида бу жиҳатлар намоён бўлади.
13. «...Эвристик ижодкорлик.....» жамиятда рўй бераётган касбий фаолиятга янгиликларни дадил ўзлаштириш ва тарғиб қилишни англатади.
14. «...Креатив ижодкорлик.....» ўқитувчи ижтимоий аҳамиятга эга бўлган янги назарияларни яратади, ўз фикрлари ва таклифлари билан чиқади, моҳир ва тажрибали, лаёқатли ўқитувчиларгина бунга эришиши мумкин.
15. «...Табиий анатомик-физиологик лаёқат нишонлари.....» қобилиятларнинг физиологик асосларини ташкил этади.
16. «...Кейинчалик қобилиятга айланадиган лаёқат нишонларининг.....» мажмуи инсоннинг истеъдоди дейилади.
17. «...Интелект...» - бу ақлан иш кўриш, рационал фикрлаш ва ҳаётий муаммоларни моҳирона ҳал қилишнинг глобал қобилияти.

## 5-илова

### “Интелект”нинг таркибий тузилишига олимлар таърифи мавзусига

#### “Тушунчалар таҳлили” методи

Жадвал кўринишида бир томонига мавзуга тегишли тушунчалар келтирилган тарқатма материал талабаларга берилади ва улардан ушбу тушунчаларни изоҳини ёзишлари сўралади.

Қуйида келтирилган таянч ибораларни изоҳланг.

<b>Интеллектнинг асосий сифатлари</b>		
<b>№</b>	<b>Таянч сўзлар</b>	<b>Таърифи, изоҳи</b>
1	<b>Ижод</b>	.....- ўқитувчи фаолиятида меҳнатнинг моддий ва маънавий маҳсулотини яратиш, юксак натижаларга эришиш қобилияти.
2	<b>Фикрлаш тезлиги</b>	.....- таълим-тарбия жараёнида янги ҳолатга тез ва тўғри муносабат билдириш; фаолиятни танлашда тафаккур тезлиги.
3	<b>Маҳорат</b>	.....- педагогик фаолиятда эришилган мувоффақиятлар ўлчови; касбий билимларни мукамал билиш қобилияти.
<b>Ўқитувчи интеллектига тафсиҳнома</b>		
1	<b>Чуқур идрок этиш</b>	.....- янги билимларни ўзлаштиришда нарсалар ва ҳодисалар моҳиятига чуқур кира билиш, сабабини тушуниш, илмий тафаккурга эга бўлиш.
2	<b>Эпчиллик</b>	.....- бир ғоядан бошқасига, шу жумладан, ўзиникига қарама-қарши бўлган ғояга ўта олиш қобилияти.
3	<b>Танқидийлик</b>	.....- билимларни ва ҳодисаларни ўрганишда объектив баҳолаш, фаразлар ва ечимларда шубҳа уйғотиш истаги.
4	<b>Интеллект</b>	.....- англаш, тушуниш, эгаллаш. Индивиддаги ақлий қобилиятларнинг нисбатан мукамал тузилиши.
<b>Ўқитувчининг интеллект хусусияти</b>		
1	<b>Ақлий теранлик</b>	.....- муаммони кенг ва бошқа ҳодисалар билан ўзаро алоқадорликда идрок этиш қобилияти.
2	<b>Тезлик</b>	.....- муаммоларни хал қилиш тезлиги, касбга оид ғояларни ишлаб чиқиш.
3	<b>Оригиналлик</b>	.....- янги илмий ғояларни яратишга бўлган интилиш.
4	<b>Тиришқоқлик</b>	.....- доимо ўрганилаётган муаммонинг энг яхши ечимини топиш эҳтиёжи.

### Ўқитувчи педагогик қобилиятини ривожлантириш функциялари мавзусига

#### “Чалкаштирилган мантикий занжирлар кетма-кетлиги” методи.

1. Қисқа таърифлар келтирилга тарқатма материаллар тарқатилади.
2. Талабалар таърифларни диққат билан ўқиб чиқадилад.
3. Таърифлар қайси босқичларга тегишли эканлигини аниқлайдилар.
4. Босқичлар номи аниқлангач, уларни кетма-кетликда жойлаштириш вазифаси топширилади.

Ўқитувчи ўқитиш методларига мутахассисларнинг қарашларини доскага чалкаштирилган холда ёзиб қўйилади. Мазкур шаклларнинг қайси гуруҳига киришига қараб, берилган жадвалларни тўлдириш.

Умумий қобилиятлар	Махсус қобилиятлар
Ташкилотчилик	Ақлий фаоллик
Танқидийлик	Инженер-техник
Лойихалаштириш	Тизимийлик
Тахлил қилиш	Математик
Ижодий	Реакция тезлиги
Синтезлаш	Бадий
Муסיқавий	Диққатни жамлаш
Эътиборлилик	

### “Педагогнинг коммуникатив қобилияти” мавзусининг таълим ва тарбия жараёнида педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий усулларига


#### “Синквейн” методи

1. Ўқитувчи талабаларга мавзуга оид тушунча, жараён ёки ҳодиса номини беради.
2. Талабалардан улар ҳақидаги фикрларини қисқа кўринишда ифодалашлари сўралади. Яъни, шеърга ўхшатиб 5 қатор маълумотлар ёзишлари керак бўлади. У қуйидага қоидага асосан тузилиши керак:
  - 1-қаторда мавзу бир сўз билан (одатда от билан) ифодаланади.
  - 2-қаторда мавзуга жуда мос келадиган иккита сифат берилади.
  - 3-қаторда мавзу 3та ҳаракатни билдирувчи феъл билан фойдаланилади.

4-қаторда темага доир муҳокама этувчиларнинг хиссиётини ифодаловчи жумла тузилади. У тўрт сўздан иборат бўлади.  
5-қаторда мавзуни моҳиятини ифодаловчи битта сўз берилади. У мавзунинг синоними бўлади.

### Ушбу сўзларга “Синквейн” методини қўланг !

Талаб, ҳаракат, истиқбол, таъсир, фазилат, рағбат, жазо, анъана, ҳулқ, талаб, жамоат, фикр, вазифа шакл, шарт, назар, соҳа, алоқа, мазмун, ҳолат, самара, қоида.



## 14-мавзу. Мулоқот маданияти.

(ажратилган соат – 2 соат)

мавзусидаги  
**14-амалий машғулот**  
ўтказиш учун услубий ишланма  
(ажратилган соат – 2 соат)

### Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

### Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. – Т.: «Ўқитувчи», 1997.
2. Зарипов К. Ўқитувчилар малакасини оширишда мактаб раҳбарларининг роли. – Т.: «Ўқитувчи», 1993.
3. Мунавваров А.Қ. Педагогика. – Т.: «Ўқитувчи», 1996.

### Ушбу мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш методикаси қуйидагича бўлади:

Вақти: 2 соат	Талабалар сони: 26 та
<b>Машғулот шакли</b>	Мулоқот маданияти бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш
<b>Мавзу режаси</b>	1. Педагогик муомала ва педагогик мулоқотнинг моҳияти, унинг педагог фаолиятидаги ўрни. 2. Мулоқот маданияти ва таълим олувчининг психологик фаолияти. 3. Мулоқот орқали таъсир этиш усуллари.
<b>Машғулотнинг мақсади:</b>	Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш
<b>Педагогик вазифалар</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари</b>
1. Мавзуни мустақил ўрганиш учун асос яратиш; 2. Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқур ўзлаштириш; 3. Интерфаол методларни қўллаган ҳолда ўқув	1. Амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради; 2. Педагогик муомала ва педагогик мулоқотнинг моҳияти, унинг педагог фаолиятидаги ўрни бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади. 3. Мулоқот маданияти ва таълим олувчининг психологик фаолияти ҳақида эгалланган

жараёнини ташкил этиш; 4. Талабаларни мустақил фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатиш.	билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади. 4. Мулоқот орқали таъсир этиш усуллари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади.
<b>Ўқитиш усуллари</b>	<b>Амалий мазмундаги топшириқлар, “Савол-жавоб”, “Тест”, “Чархпалак”, “Кластер”, “Тушунчалар тахлили”, “Чалкаштирилган мантикий занжирлар кетма-кетлиги”, “Синквейн” методлари.</b>
<b>Ўқитиш воситалари</b>	<b>Дарслик, маъруза матни, маркерлар, қоғозлар, тарқатма материаллар</b>
<b>Ўқитиш шакллари</b>	<b>Якка тарзда ва жамоада ишлаш</b>
<b>Ўқитиш шарт-шароити</b>	<b>Техник воситалар билан таъминланган ва кичик гуруҳлар билан ҳам ишлаш мумкин бўлган ўқув хонаси</b>
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	<b>Оғзаки назорат, савол-жавоб, тест саволлари</b>

#### Амалий машғулотнинг технологик харитаси

<b>Фаолият босқичлари</b>	<b>Фаолиятнинг мезони</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>I. Кириш босқичи. (10 минут)</b>	1. Амалий машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари эълон қилинади	Тинглайдилар
	2. Машғулотни турли методлар асосида амалга ошириш тушунтирилади.	Тинглайдилар
<b>II. Асосий босқич (60 минут)</b>	1. Талабаларни машғулот жараёнидаги фаоллигини ошириш мақсадида “Савол-жавоб” усули орқали савол жавоб ўтказилади ( <b>1-илова</b> ).	Саволларга тезкорлик билан жавоб қайтаради
	2. “Педагогик муомала ва педагогик мулоқотнинг моҳияти, унинг педагог фаолиятидаги ўрни” мавзусига оид “Тест” саволларига жавоб топиш таклиф этилади. ( <b>2-илова</b> ).	“Тест” ечадилар.
	3. “Мулоқот маданияти ва таълим олувчининг психологик фаолияти” мавзусига “Кластер” методини тузиш таклиф этилади. ( <b>3-илова</b> ).	“Кластер” методини тузадилар.
	4. “Мулоқот орқали таъсир этиш усуллари” мавзусининг таянч ибораларига “Синквейн” методини тузиш таклиф этилади. ( <b>4-илова</b> ).	“Синквейн” методини тузадилар.

	<p>5.Топшириқларнинг бажарилишини кай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Топшириқни бажариш жараёнида йўл қўйилган хато-камчиликларни изохлаб тушунтириб беради.</p> <p>6.“Мулоқот орқали таъсир этиш усуллари” мавзусига “Тушунчалар тахлили” тузиш таклиф этилади. (5-илова)</p> <p>7.“Мулоқот орқали таъсир этиш усуллари” мавзусига “Чархпалак” методини тузиш таклиф этилади. (6-илова)</p> <p>8.” Мулоқот орқали таъсир этиш усуллари” мавзусига “Чалкаштирилган мантикий занжирлар кетма-кетлиги” методини тузиш таклиф этилади. (7-илова)</p> <p>9.Натижаларни текширади, топшириқларни бажариши учун ёрдам беради ва талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, ҳамда диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади ҳамда талабалар фаолиятини баҳолайди.</p>	<p>Топшириқларни бажарадилар.</p> <p>“Тушунчалар тахлили” ни ечадилар.</p> <p>“Чархпалак” методини ечадилар.</p> <p>“Чалкаштирилган мантикий занжирлар кетма-кетлиги” методини ечимини топадилар..</p> <p>Фаоллик билан топшириқни бажарадилар</p>
<b>III. Якуний босқич (10 минут)</b>	1.Ишга яқун ясайди. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.	Эшитади.
	2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради.	Ёзадилар

### 1-илова

#### “Савол-жавоб” усулига саволлар намунаси

1. Педагогик муомала нима?
2. Миллий маданиятнинг мулоқатга таъсири нима?
3. Муомала маданияти нима?
4. Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқот маданияти индивидуал услубларини шакллантириш методикаси қандай босқичларни ўз ичига олади ?
5. Таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда педагогик мулоқот маданияти ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини бир мақсад сари ҳамжиҳатликка йўналтиришда ўқитувчи қандай вазиятларни эътиборга олиши лозим ?

6. Педагогик мулоқот маданиятига амал қиладиган ёш ўқитувчи қандай хусусиятларни ўзида мужассамлаштириши керак ?
7. Ўқитувчи мулоқот маданиятини мунтазам шакллантириб боришида нималарга эътибор бериши лозим ?
8. Муддарислар баркамол ва тарбияланган инсоннинг неча нишонаси борлигини таъкидлашган, уларга изох беринг.
9. Муошарат одоби ҳақида нималар биласиз ?
10. Дарсда ва дарсдан ташқари вақтда педагогнинг мулоқотини сўзланг?
11. Педагогнинг бошқариш услубларини санаб ўтинг?
12. Педагогнинг талаба билан мулоқотида ишонтириш ва таъсир этиш усулларидан фойдаланиш йўналишларини тушунтириб беринг.
13. Илмий педагогик адабиётларда берилган мулоқот турлари ҳақида тушунтириб беринг.
14. Шахснинг ўзаро фикр алмашинув хусусиятлари қандай?
15. Мулоқот орқали таъсир этиш усуллари тушунтиринг.
16. Нутқ орқали ва сўзсиз тушуна олиш деганда нимани тушунасан?
17. Педагогик одоб ва педагогик назокат деганда нимани тушунасан?
18. Педагог ахлоқининг ижодий кўриниши нималарда намоён бўлади?
19. Ҳиссий билиш, ҳиссий тушуниш нима?

## 2-илова

1. Муомала қандай жараёнидир ?

- a) Одоб жараёнидир.
- b) Фикр жараёнидир.
- c) Ахборот жараёнидир.\*
- d) Педагог жараёнидир.
- e) Тўғри жавоб йўқ.

2. Муомала қандай кўрк саналади ?

- a) Ахлоқ кўрки саналади.\*
- b) Фикр кўрки саналади.
- c) Ахборот кўрки саналади
- d) Педагог кўрки саналади.
- e) Тўғри жавоб йўқ.

3. ....- инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситаларидир ?

- a) Маҳорат.
- b) Ахлоқ.
- c) Нутқ.
- d) Муомала.\*
- e) Тўғри жавоб йўқ.



4. Муомалада асосий восита ..... ҳисобланади ?
- a) Меҳр.
  - b) Кўнгил.
  - c) Тил.\*
  - d) Одоб.
  - e) Тўғри жавоб йўқ.
5. .... - алоқа қуроли дейилади.?
- a) Меҳр.
  - b) Кўнгил.
  - c) Тил.\*
  - d) Одоб.
  - e) Тўғри жавоб йўқ.
6. Болалар нутқини ўстиришда педагог (сўзи) муҳим аҳамиятга эга.
- a) Савиясини.
  - b) Нутқини.\*
  - c) Одобини.
  - d) Ахлоқини.
  - e) Тўғри жавоб йўқ.
7. Халқ билан бирга туриш, бирга яшаш .....деб аталади.
- a) Ватанпарварлик.
  - b) Муошарат.\*
  - c) Мулоқот.
  - d) Меҳрибонлик.
  - e) Тўғри жавоб йўқ.
8. Одамларнииг бир-бирлари билаи бўлган муносабатларинииг гўзаллиги мулойимлигига «.....» дейилади.
- a) “Инсон одоби”.
  - b) “Қалб гўзаллиги”.
  - c) “Муошарат одоби”.\*
  - d) “Педагог одоби”.
  - e) Тўғри жавоб йўқ.
9. Муомала неча таркибий қисмлардан ташкил топган ?
- a) 1
  - b) 2
  - c) 3\*

- d) 4
- e) Тўғри жавоб йўқ.

10. Педагогик муомала – бу ўқитувчининг талабага таъсир ўтказиш, уларнинг бир-бирлари билан ҳамкорликларининг фаолиятидир.

- a) Педагогик маҳорат.
- b) Педагогик такт.
- c) Педагогик муомала.\*
- d) Педагогик қобилият.
- e) Тўғри жавоб йўқ.

### 3-илова

1. “Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқот маданияти индивидуал услубларини шакллантириш методикаси босқичлари”;
2. “Таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда педагогик мулоқот маданияти ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини бир мақсад сари ҳамжиҳатликка йўналтиришда ўқитувчи эътиборга олиши лозим бўлган вазиятлар”;
3. “Педагогик мулоқот маданиятига амал қиладиган ёш ўқитувчи ўзида мужассамлаштириши керак бўлган хусусиятлар”;
4. “Ўқитувчи мулоқот маданиятини мунтазам шакллантириб бориши”;
5. “Муддарисларнинг баркамол ва тарбияланган инсоннинг ўнта нишонаси хақида”;
6. “Муошарат одоби” ларга “Кластер” тузинг.

#### Кластер усули

Кластер – инглича сўз бўлиб, ғунча, боғлам маъносини англатади. Ахборотларни кластерларга ажратиш у кўп вариантли фикрлашни, ўрганилаётган тушунчалар ўртасида алоқа ўрнатиш малакаларини ривожлантиради, бирор мавзу бўйича таълим олувчиларни эркин ва очикдан-очик фикрлашига ёрдам беради. Кластерларга ажратишни дарсинг даъват, англаш ва мулоҳаза қилиш босқичларидаги фикрлашни рағбатлантириш учун қўллаш мумкин. Асосан, у янги фикрларни уйғотиш ва муайян мавзу бўйича янги фикр юритишга чорлайди. Кластер тузиш кетма-кетлиги куйидагича:

- Синф ёзув тахтаси ўртасига катта қоғоз варағига асосий сўз ёки гапни ёзинг;


- Сизни фикрингизча бу мавзуга тегишли бўлган сўзлар ёки гапларни ёзинг (“ақлий хумуж”) ўтказинг;

- Тушунча ва ғоялар тўғрисидаги ўзаро боғланишини ўрнатинг;

- Эсланган вариантларингизнинг ҳаммасини ёзинг;

### Ушбу сўзларга “Синквейн” методини қўлланг !

Имо, ишора, оҳанг, пауза, турқ, тароват, кулгу, мулоқот, суҳбат, фикр, нутқ, талаб, истиқбол, рағбат, жазо, жамоат, тажриба, таъсир, хулқ, атвор, мунозара, ахборот, вазият, қиёфа, назорат, муносабат, маданият.



### “Тушунчалар таҳлили” методини амалга ошириш тартиби:

Жадвал кўринишида бир томонига мавзуга тегишли тушунчалар келтирилган тарқатма материал талабаларга берилади ва улардан ушбу тушунчаларни изоҳини ёзишлари сўралади.

Қуйида келтирилган таянч ибораларни изоҳланг.

№	Таянч сўзлар	Таърифи, изоҳи
1	Талаб	
2	Истиқбол	
3	Рағбатлантириш ва жазолаш	

4	Жамоатчилик фикри	
5	Авторитар услуб	
6	Демократик услуб	
7	Либерал услуб	

**6-илова**

**“Мулоқот орқали таъсир этиш усуллари” мавзусига “Чархпалак” тузинг.**

**“Чархпалак” технологияси**

Ушбу технология талаба ёки ўқувчиларни ўтилган мавзуларини ёдга олишга, мантиқан фикрлаб берилган саволларга мустақил равишда тўғри жавоб беришга ва ўз –ўзини баҳолашга ўргатишга ҳамда қисқа вақт ичида ўқитувчи томонидан барча талаба ёки ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини баҳолашга қаратилган.

Технологиянинг мақсади:

Машғулотда талаба ёки ўқувчиларнинг дарс жараёнида мантиқий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларини баҳолаш, яқка ва гуруҳларда ишлашда бошқалар фикрига хурмат билан карашга, кўп фикрлардан кераклисини танлаб олишга ўргатади.

Ушбу технология ўқув машғулотларининг барча турларида, дарс бошланиши ёки дарс охирида ёки бирор бир бўлим тугалланганда ўтилган материални баҳолаш ёки такрорлашга мўлжалланган. Чархпалак технологияси бўйича талабаларга ўтилган мавзу бўйича жадвал кўринишидаги тарқатма материал берилади ва уни тўлдириш вазифаси юклатилади. Жадвал мавзуга мос равишда ўқитувчи томонидан тузилади.

<b>Мулоқот орқали таъсир этиш усуллари</b>	<b>Авторитар услуб</b>	<b>Демократик услуб</b>	<b>Либерал услуб</b>
- Ўзи якка ҳолда гуруҳ фаолиятини йуналишини белгилайди.	*		
- Жамоа фикрига таяниб иш олиб боради.		*	
- Ташаббуссиз жамоа ишига аралашмайди, ҳамма масалаларни юзаки қараб чиқади. Ўзининг фикри йук, жавобгарликдан ўзини четлатади. Иш натижаси билан қизиқмайди.			*
- Жамоа фикрини, ташаббусини маъқуллайди, ривожлантиради, бошқа-лар фикрига ҳурмат билан қарайди.		*	
- Ўзи кўрсатма-буйрук беради.	*		
- Бошқалар фикрини ўзиники қилиб олади.		*	
- Талабаларга эътиборсизлик билан, беғам қарайди.			*
- Мулоқотга киришишнинг асосий шакллари: илтимос, маслаҳат бериш, самимий муомала.		*	
- Жавобгарликни ўз бўйнига олади.	*		
- Сўзсиз бўйсуннишни даъво этади.	*		
- Ўз ишига совуққонлик билан қарайди.			*
- Қаттиқ интизомни талаб этади.	*		
- Муомалада купол, дағал, дук-пуписали мажбур этиш, кўрқитиш, чучитиш орқали киришади.			*
- Айтилган нарсани тулиқ бажарилишини талаб этади.	*		
- Ҳамкорликдаги муносабат- устун орқали муносабат;			*
- Гап қайтаргани, гап ўргатгани ёқтирмайди. Айтган ташаққури ҳам буйрукдай чиқади. Сўзлари қаттиқ ва кўпол. Бирон бир масалани тушунтирмайди, лекин талаб этади.	*		
- Дустона муносабат - носамимий муносабат;			*
- Мулоқотга киришишнинг асосий шакллари: буйрук, кўрсатма бериш, қўлланма билан ишлаш, хайфсан эълон қилиш.	*		
- Оралиқдаги муносабат- бекорчи муносабат;			*

- Авторитар услубнинг ижобий томони фавкулудда вазиятлар ишлати-лиши (ёнгинда, сув тошқинида)	*		
- Қўрқув орқали муносабат - диалог ва монолог.			*
- Муносабатни бу услубда бошқарилиши атрофдагилар учун кийин ёки оғир аҳвол	*		

7-илова

### “Мулоқот орқали таъсир этиш усуллари” мавзусига

#### “Чалкаштирилган мантикий занжирлар кетма-кетлиги” методи.

1. Қисқа таърифлар келтирилга тарқатма материаллар тарқатилади.
2. Талабалар таърифларни диққат билан ўқиб чиқадилар.
3. Таърифлар қайси босқичларга тегишли эканлигини аниқлайдилар.
4. Босқичлар номи аниқлангач, уларни кетма-кетликда жойлаштириш вазифаси топширилади.

Ўқитувчи ўқитиш методларига мутахассисларнинг қарашларини доскага чалкаштирилган ҳолда ёзиб қўйилади. Мазкур шаклларнинг қайси гуруҳига киришига қараб, берилган жадвалларни тўлдириш.

#### Педагог фаолиятига оид малакалар

Амалий конструктив малакалар	Ташкилотчилик малакалари
Талабалар орасидаги фаолларини аниқлай билиш, танлай билиш ва уларни идрок қилиш.	Амалий тарбиявий ишларини режалаштириш, фаолиятнинг энг муҳим коидаларини англай билиш.
Талабаларнинг турли ҳилдаги жамоа, индивидуал фаолиятини уюш-тира билиш ва уларни ижтимоий фаоллигини билиш.	Талабаларга берилган ижтимоий топшириклар берилиши юзасидан назорат урнатиш ва уларга зарур вақтда амалий ёрдам бериш.
Ўзи раҳбарлик қилган гуруҳдаги амалий ишларни амалга ошира билиш.	Хар бир талабага нисбатан уни жамоа шароитида тарбиялашнинг индивидуал дастурини тузиш.
Ота - оналар, кенг жамоатчилик ўртасидаги ишларни билиш.	Талабаларнинг ёшлик ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларга нисбатан индивидуал муносабатни ошириш.

## 15-мавзу. Педагогик техника.

(ажратилган соат – 2 соат)

мавзусидаги  
**15-амалий машғулот**  
ўтказиш учун услубий ишланма  
(ажратилган соат – 2 соат)

### Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

### Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагог мутахассислигига тайёрлаш технологияси. – Т.: ТДПУ, 2000.
2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: ТДПУ, 2003.
3. Ишмухамедов Р.Ж. “Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари”. – Т.: ТДПУ, 2004.
4. Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А.Сластенина. Москва «Академия». 2004.
5. Педагогика. В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев. – Москва. «Школьная пресса». 2004
6. Психология и педагогика. Под.ред. А.А.Радугина. Москва. 2003.
7. Пронина Е.Н., Лукашевич В.В.. Психология и педагогика. Учебник для студентов ВУЗов. Издательство «Элит».
8. Хўжаев Н.Х., Ходиев Б.Ю., “Янги педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. – Т.: «Фан», 2002.
9. «Нутқ ўстириш машғулотлари» А.Ғуломов, Б.Қобилова. – Т. «Ўқитувчи». - 1995 й.
10. Махкамов У., Тилабова Н., Тилабоева Ш. “Педагогик маҳорат”. Ўқув қўлланма. – Т. 2003 й.
11. Султонова Г. “Педагогик маҳорат”. Маърузалар матни. – Т. - 2001й.

### Ушбу мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш методикаси куйидагича бўлади:

Вақти: 2 соат	Талабалар сони: 26 та
Машғулот шакли	Педагогик техника бўйича эгалланган назарий билимларни мустахкамлаш ва чуқурлаштириш

<b>Мавзу режаси</b>	1. Педагогик техника, педагогик техниканинг таркибий қисмлари, 2. Такт ва тактика, дарсдаги педагогик такт. 3. Педагогик техникани шакллантириш усуллари. 4. Нутқ маданияти ва техникаси.
<b>Машғулотнинг мақсади:</b>	Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш
<b>Педагогик вазифалар</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари</b>
1. Мавзуни мустақил ўрганиш учун асос яратиш; 2. Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқур ўзлаштириш; 3. Интерфаол методларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш; 4. Талабаларни мустақил фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатиш.	1. Амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради; 2. Педагогик техника, педагогик техниканинг таркибий қисмлари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади. 3. Такт ва тактика, дарсдаги педагогик такт ҳақида эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади. 4. Педагогик техникани шакллантириш усуллари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади; 5. Нутқ маданияти ва техникаси бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади.
<b>Ўқитиш усуллари</b>	<b>Амалий мазмундаги топшириқлар, “Савол-жавоб”, “Инсерт”, “Кластер”, “Синквейн” “ФСМУ” методлари.</b>
<b>Ўқитиш воситалари</b>	<b>Дарслик, маъруза матни, маркерлар, қоғозлар, тарқатма материаллар</b>
<b>Ўқитиш шакллари</b>	<b>Якка тарзда ва жамоада ишлаш</b>
<b>Ўқитиш шарт-шароити</b>	<b>Техник воситалар билан таъминланган ва кичик гуруҳлар билан ҳам ишлаш мумкин бўлган ўқув хонаси</b>
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	<b>Оғзаки назорат, савол-жавоб, тест саволлари</b>

### Амалий машғулотининг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мезони	
	Ўқитувчи	Талаба
<b>I. Кириш босқичи. (10 минут)</b>	1. Амалий машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари эълон қилинади	Тинглайдилар
	2. Машғулотни турли методлар асосида амалга ошириш тушунтирилади.	Тинглайдилар
<b>II. Асосий</b>	1. Талабаларни машғулот жараёнида-	Саволларга тезкорлик



<p><b>босқич</b> <b>(60минут)</b></p>	<p>ги фаоллигини ошириш мақсадида “Савол-жавоб” усули орқали савол жавоб ўтказилади (<b>1-илова</b>).</p> <p>2.“Педагогик техника, педагогик техниканинг таркибий қисмлари” мавзусига “БББ” методини тузиш таклиф этилади. (<b>2-илова</b>).</p> <p>3.“Педагогик техника, педагогик техниканинг таркибий қисмлари” мавзусига “Инсерт” методини тузиш таклиф этилади. (<b>3-илова</b>).</p> <p>4.“Такт ва тактика, дарсдаги педагогик такт” мавзусига “Кластер” методини тузиш таклиф этилади. (<b>4-илова</b>).</p> <p>5.Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Топшириқни бажариш жараёнида йўл қўйилган хато-камчиликларни изохлаб тушунтириб беради.</p> <p>6.“Педагогик техникани шакллантириш усуллари” мавзусига “Синквейн” тузиш таклиф этилади. (<b>5-илова</b>)</p> <p>7.“Нутқ маданияти ва техникаси” мавзусига “ФСМУ” методини тузиш таклиф этилади. (<b>6-илова</b>)</p> <p>8.Натижаларни текширади, топшириқларни бажариши учун ёрдам беради ва талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, ҳамда диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади ҳамда талабалар фаолиятини баҳолайди.</p>	<p>билан жавоб қайтаради</p> <p>“БББ” методини тузадилар.</p> <p>“Инсерт” методини тузадилар.</p> <p>“Кластер” методини тузадилар.</p> <p>Топшириқларни бажарадилар.</p> <p>“Синквейн” методини тузадилар.</p> <p>“ФСМУ” методини тузадилар.</p> <p>Фаоллик билан топшириқни бажарадилар</p>
<p><b>III. Якуний босқич</b> <b>(10 минут)</b></p>	<p>1.Ишга якун ясайди. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.</p>	<p>Эшитади.</p>
	<p>2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради.</p>	<p>Ёзадилар</p>

**“Савол-жавоб” усулига саволлар намунаси**

1. Педагогик техника ҳақида тушунча беринг.
2. Педагогик техниканинг таркибий қисмлари нималардан иборат?
3. Педагогик техниканинг шаклланиши.
4. Педагогик такт нима?
5. Дарсда педагогик такт қандай намоён бўлади?
6. Ортиқча талабчанлик нимага олиб келиши мумкин?
7. Педагогик техниканинг муҳим хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.
8. Тил маданияти ва одоби тўғрисида тушунчангиз қандай?
9. Нутқ одоби тўғрисида мутафаккирлар фикрларини тушунтириб беринг.
10. Таълим ва тарбия жараёнида нутқ маданиятини ўрни нималардан иборат?
11. Тил нормативларини биласизми, улар ҳақида сизнинг фикрингиз қандай?
12. Нутқ турлари ҳақида гапириб беринг.
13. Нутқнинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида гапириб беринг.
14. Тил маданияти билан нутқ маданияти қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?
